

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида
УДК:*

Исомиддинов Йўлдош

НУРОТА ВОҲАСИ АРХЕОЛОГИЯСИ ТАРИХИ

Археология мутахассислиги

Магистр академик даражасини
олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: Доц.Холматов Н.Ў.

Самарқанд - 2012

Мундарижа

КИРИШ.....	3-12
БОБ I. НУРОТАНИНГ ГЕОГРАФИК ВА ТАРИХИЙ ЖОЙЛАШУВИ. НУРОТА ТУМАНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ	13-43
I.1. Табиий географик жойлашуви	13-24
I.2. Нуротанинг тарихий жойлашуви	24-43
БОБ II. НУРОТА ТУМАНИНГ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ.....	44-68
II.1 Хўжалик ютиқлари	44-60
II.2.Туманнинг иқтисодий тарзи	60-64
II.3. Маданий ҳаёти	64-68
III БОБ. НУРОТА ВОҲАСИ АҲОЛИСИ ЭТНОГРАФИЯСИ.....	69-91
III.1. Миллий урф одатлар	69-77
III.2. Миллий ҳунармандчилик	77-88
III.3. Тўй байрам ва бошқа хашам маъросимлари	88-91
ХУЛОСА.....	92-99
Фойдаланилган адабиётлар.....	100-103
Иллюстрация(иловалар)	

КИРИШ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши туфайли аجدодларимиз яратган илмий, тарихий ва тафаккур маҳсули бўлган бой тарихимизни, меъморий обидаларимизни, маданиятимизни, кадриятларимиз ўтмишини билиш, ҳамда ўзлигимизни англашга кенг имкониятлар яратилди. Биз эндиликда авлод аجدодларимиз ким бўлганлигини, ўзимиз таваллуд топиб вояга етган макон, қишлоқ илм-фан ва маърифат ўчоғи билан авлодларимизни маънавий қурооллантиришда муҳим рол ўйнаган шаҳарларимизнинг, хулласики, Ватанимиз тарихини беғубор ва беминнат ўрганиш имкониятларига эга бўлдик. Халқимизнинг ўз тарихи, тили, маданияти, кадриятлари тарихини билишга, ўзлигини англашга қизиқиши ортиб бормокда. Бу таббий ҳол. Одамзод борки авлод-аждоди кимлигини насл-насабини, ўзи туғилиб вояга етган қишлоқ, шаҳар, хулласики, Ватанининг тарихини билишни истайди.¹

Мустақиллик шарофати туфайли мамлакатимиз, жумладан, вилоят ва шаҳарларимиз тарихини атрофлича ўрганишга, аجدодларимиздан мерос сифатида бизгача сақланиб қолган анъана ва урф одатларимиздан фойдаланишга, энг қадимий даврлардан бошқа элатлар билан тарихий-маданий алоқалар жараёнида ривож топган ва бевосита уларнинг байрамларига таъсир этган ҳамда улар таъсирида бойиган, шакллана бошлаган, авлоддан-авлодга ўтиб, такомиллашиб, бебаҳо меросга айланган миллий байрамламизни нишонлашга кенг қўламли имконият туғилди. Зеро Байрамларни нишонламайдиган шахс, оила ёки жамоани топиш қийин. Ҳар бир миллат ва давлатнинг ҳам ўз байрамлари бўлади. Кейинги даврларда халқаро даражада нишонланадиган умуминсоний байрамлар тобора кўпаймокда.

¹ Karimov I.A. Biz kelajagimizni o'z qo'limiz bilan quramiz. 7- Jild. T.: Yosh.1999 y. 132- bet.

Мустақиллик шарофати билан одат, маросим ва байрамлар илдиз тарихи, уларнинг халқимизнинг маданий ҳаётидаги ўрни ўрганила бошланди, қадриятларимиз улуғланди. Бироқ ўзбек халқи байрамлари тарихи, анъаналари ва ҳозирги тарихи, анъаналари ҳамда ҳозирги ҳолати атрофлича кенг ўрганилган эмас. Қадимги ва ҳозирги байрамларнинг пайдо бўлиши, тарихий ривожланиши, муаммолари ҳақида махсус монография, илмий-оммабоп китоб, дарслик ва ўқув қўлланмалари яратиш тарихий заруриятдир. Чунки халқ ўз ватанида пайдо бўлган, аجدодлари нишонлаб келган ва ҳозирги пайтда нишонланаётган байрамларнинг тарихи ва анъаналарини билмоғи керак. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги қарорида тарих фани муоммоларига, тарихни миллий истиқлол мафкураси нуқтаи назаридан ўрганишнинг фалсафаси ва услубиятини эгаллаш масалаларига жиддий эътибор қаратилган. Бу ҳужжатда биринчи навбатдаги вазифалар сифатида «ўзбек халқи ва давлатчилигининг ҳақиқий тарихини ўрганиш» кўрсатиб ўтилган.²

Мустақиллик - ўзбек маданияти тарихида янги даврни бошлаб берди. Истиқлол туфайли шўролар даврида тақиқланган миллий маънавиятимиз қайта тикланди. «Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданок аجدодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражаси кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди», - деб таъкидлаган эди мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов.

Шунингдек, юртбошимиз бу борада тарихчи олимларимиз олдига шарафли ва долзарб вазифа қўйиб “Давлатимиз, мамлакатимизнинг ҳаққоний илмий, тарихини яратиш, кенг жамоатчилигимиз учун ғоят муҳим ва долзарб масалага айлантириш лозим”, - деб таъкидлаган еди.³

² Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент.: «Ўзбекистон», 1998. 8-бет.

³ Karimov I.A. Biz kelajagimizni o'z qo'limiz bilan quramiz. 7- Jild. Tosh.1999 y. 154- bet.

Республикамизда миллий қадриятларни тиклаш борасида кенг кўламда жиддий тадбирларнинг амалга оширилиши – жамиятимиз маънавияти “биноси”нинг қад ростлашига муҳим омил бўлмоқда. Буларнинг барчаси Мустақиллик туфайли ўзбек байрамлари тарихида янги саҳифа очди.

Жумладан ажойиб мамлакатимиз ҳар бир гўшасининг ўзига хос тарихи ва аҳолисининг турли урф-одатлари билан боғлиқ анъаналари бор. Бу анъаналар ҳар доим халқимизнинг хўжалик, турмуш ва маънавий пойдеворига эга эканлигидан ҳикоя қилиб, уларни қунт билан ўрганиш миллий мафкурамизни яратиш ва шакллантиришда катта аҳамият касб этади. Мамлакатимиз президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек “Миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг азалий анъаналарига, тилига, дилига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр – оқибат, инсоф, сабр – тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сингдириши лозим. Шу билан бирга бу мафкура халқимизда, ўзининг қудрати ва ҳимоясига суянган ҳолда умуминсоний қадриятларга асосланиб, жаҳон ҳамжамиятидаги таррақий этган давлатлар орасида тенг ҳуқуқли ўлароқ муносиб ўрин эгаллашига доимий интилиш ҳиссини тарбияламоғи керак.

Миллий руҳият, ижтимоий онг, оилавий ва маънавий ҳаётнинг ҳозирги давр талабига жавоб бера оладиган даражада ривожланиши, шубҳасиз, халқнинг эркинлиги, унинг давлат тузилиши билан бевосита боғлиқ. Замонавий илм маърифат ва маданиятнинг юқори поғоналарига кўтарилган ўзбек халқи ўзининг мустақилликка эришган кунидан бошлаб янги истиқлол йўлида дадил қадам ташлаши, унинг ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётининг ҳар томонлама раванқ топишида ва миллий мафкуранинг ривожланишида асосий замин бўлади. Юртбошимиз Ислам Каримов “Фидоқор” газетаси муҳбирининг саволларига берган жавобларида шундай деган эди: “Биз барпо этаётган янги жамият юксак маънавий ва ахлоқий қадриятларга таянади ва уларни ривожлантиришга катта эътибор қаратади... жамиятни маънавий янгилашдан кўзланган бош мақсад - юрт тинчлиги,

Ватан равнақи, халқ эркинлиги ва фаровонлигига эришиш, комил инсонни тарбиялаш, ижтимоий ҳамкорлик ва миллатларора тотувлик, диний бағрикенглик каби кўпдан-кўп муҳим масалалардан иборат”⁴. Унинг таърифича эндиги энг долзарб вазифамиз бу жараёнларнинг илмий-назарий асосларини, уларни янги-янги қирраларини очиб беришдан иборат. Демак, миллий истиқлолга эришган, ўз йўлини топишга, ўз тақдири истиқболини англашга энди киришаётган республикамиз ривожига ўз элининг мураккаб тарихини, этник хусусиятларини аниқ билишни, уни чуқур тарифлашни, халқимизнинг маънавий барқарорлигини таъминлашни тақозо қилади.

Мустақиллик шарофати билан одат, маросим ва байрамлар илдиз тарихи, уларнинг халқимизнинг маданий ҳаётидаги ўрни ўрганила бошланди, кадриятларимиз улуғланди.

Мамлакатимиз бой тарихга эга ва асрлар оша илм-фан ва маърифат марказлари бўлиб, жаҳон узра маданият дурдоналарини тарқатиб келган йирик марказлар, - шаҳарлар шаклланган. Шулардан бири қадимий ва навқирон Нурота шаҳридир. Нурота Буюк Ипак йўли устидаги инсоният цивилизациясининг қадимий шаҳарлари ва марказларидан бири бўлиб, жаҳон маданияти ва фани тараққиётига бекиёс ҳисса қўшган. Нурота ўзининг неча минг йиллик тарихи жараёнида ўз бошидан не-не ларзали тарихий силсилаларини кечирмади дейсиз, аммо бешавқат давр синовларидан омон қолиб, аجدодларимизнинг узоқни кўзлаб яратган, маданий меросини, фан ва маданиятимизнинг юксак фазилатларини авлодларга етказиб беришда ҳам хизмати буюк ва машҳур шаҳардир.

Ўзбекистоннинг табиий-географик ва иқлимий шароити аҳолининг нафақат ҳўжалик фаолияти ва турмуш тарзи, балки кўп қиррали маънавий маданияти ва миллий руҳияти хусусиятларининг шаклланишида ҳам муҳим омил бўлиб қолган. Қадимдан диёрмизда мазкур шароитда мослашган уч хил анъанавий ҳўжалик мавжуд бўлган: воҳаларда яшовчи ўтроқ

⁴. «Фидокор» газетаси, 2000 йил 8 май

деҳқончилик хўжалиги, дашт ва ярим даштларда қисман кўчиб йўрган аҳолининг чорва хўжалиги, воҳаларга яқин ва қуйи оқимида жойлашган чорва-деҳқончилик хўжалиги. Хўжалик-маданий типларнинг чегараси этник ҳудудга тўғри келмайди. Аммо тарихий жиҳатдан этник маданий бирлик узок давр ичида хўжаликка мос равишда шаклланиб келган. Нурота табиий географик ва иқлимий шаротитига кўра маданий ўтроқ ва кўчманчи халқлар яшайдиган ҳудуд чегарасида жойлашган.

Дарҳақиқат, Нурота тупроғи табаррук ва мўтаббардир. Бу замин аجدодларимизнинг беғубор руҳияти, қанчадан - қанча буюк саҳобаларнинг қадами теккан ва яшаган. Кўхна Нурота ўзининг бой меъморий обидаларига ҳам эгадир. Бу ерда қадимдан инсонлар яшаб ўзларининг изларини қолдиришган. Ўрта асрлар давридан бошлаб шаҳарда қурилиш ишлари ривожланади.

Мақсад ва асосий вазифалар. Миллий урф одатларимиз, байрамларимиз, анъаналаримиз ва тўй маъросимларимизнинг тарихий аҳамияти ҳамда бугунги кунда ёш авлодни тарбиялашда тутган ўрни, миллий истиқлол ғоясини шакллантириш ва уни ёш авлодга сингдиришда тутган ўрини аҳамияти хусусида атрофлича тўхталиб ўтилган. Бундан Чор мустамлакасининг Ўрта Осиёни босиб олганидан кейинги йилларда республикаимизнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби Нурота воҳасидаги тарихий обидаларга, миллий урф одатлар ва миллий анъаналаримизга бўлган муносабатини, уларнинг сақланиш ҳолатини ва истиқлолга эришганимиздан сўнг тарихий обидаларимизга ва миллий урф одатларимиз, анъаналаримиз ва тарихий байрамларимизга кўрсатиладиган муносабатни атрофлича кўрсатиб ўтишга ҳаракат қилинган. Чунки шўролар даврида ўлкадаги кўп ёдгорликлар қаровсизликдан хароб ҳолга келиб қолган бўлса, тарихий байрамларимиз ва миллий урф одатларимизни диний маъросимларимиз унитилиш ҳолатига миллий маъданиятимиз эса ҳўрланган оёқ ости қилиниш даражасига келиб қолган еди. Чунки миллий маъданиятимиз ва тарихимизни

йўқ қилишга бўлган ўринишлар сабаб бўлган. Бундан ташқари миллий урф одатларимиз, асрлар давомида аجدодлардан авлодларга мерос бўлиб келаётган анъаналаримиз, миллий байрамларимиз неча йиллар давомида хўрланиб оёқ ости қилинган. Мустақилликка эришганимизга қадар аجدодларимиз минг йиллардан буён қўллаб келган урф-одатларимизни қўллашдан, улардан фойдаланишдан кўрқар эдик, тўғриси қизил империя мафкуриси бунга йўл бермас эди. Нурота воҳаси халқи байрамлари, анъаналари тарихи, анъаналари ва ҳозирги ҳолати атрофлича кенг ўрганилган эмас. Қадимги ва ҳозирги байрамларнинг пайдо бўлиши, тарихий ривожланиши, муаммолари ҳақида махсус монография, илмий-оммабоп китоб, дарслик ва ўқув қўлланмалари яратилмаган, яратиш эса ўз ўрнида тарихий заруратлардан бири саналади. Бу мавзуда тадқиқот ишининг олиб борилиши келажакдаги илмий-амалий изланишлар учун имкон яратади. Нурота шаҳрининг марказида ўзининг қадимийлиги билан бугунги кунда халқларнинг ўтмиш тарихи ҳақида гувоҳ бўлиб турган Нур қалъаси Нуротанинг қанчалар тарихий ва қадимий шаҳар эканлиги кўрсатиб турибди. Шундай экан бу шаҳар кўрғон қолдиқлари ҳамон тўлалигича ўрганилган эмас. Ўзининг сир синоатларини омма этиборига намоиш этмаган. Қадимий шаҳарларимиз Самарқанд, Қўқон, Тошкент, Шаҳрисабз каби тарихий шаҳарларимизнинг юбелейлари нишонланаётган бир вақтда Нурота шаҳрининг тарихий ёшини аниқлаш бу ўз навбатида тарих ҳақиқадир.

Бу илмий ишнинг асосий мақсади истибдод давридаги меъморий ёдгорликларнинг ҳолатини ва улар устида олиб борилган ишларни мустақиллик даврида юртбошимиз томонидан тарихий-меъморий ёдгорликларни асраш бўйича амалга оширилган, халқимизнинг неча минг йиллардан буён шаклланиб келаётган миллий урф одатлари Нурота воҳасининг ўзига хос тарихи, миллий маънавият ва миллий маданият шакллантиришда урф одат ва анъаналаримизнинг ўрни ҳамда аҳамиятини кўрсатиб беришдан иборатдир. Бундан ташқари асрлар оша мамлакатимиз

шаҳарсозлик тарихининг қадимий наъмунаси саналган Нурота шаҳри унда сақланаётган кўҳна ва навқирон Нур қалъаси ҳамда Нурота шаҳрининг қадимдан қандай сиёсий ва иқтисодий аҳамиятга эга эканлиги тўғрисидаги фикрларга алоҳида аҳамиятини кўрсатиб беришдан иборат.

Қўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда бу илмий ишда қўйидаги масалаларни ҳал этишга ҳаракат қилинган:

1. Нурота воҳаси ва Нурота шаҳрининг табиий географик жойлашуви, Нурота тапонимининг вужудга келиши

2. Нурота тарихидан саҳифалар, XX аср бошларида Нурота воҳаси ва Нур қалъасида олиб борилган тадқиқотлар

3. Нурота воҳаси хўжалик ютуқлари. Нурота воҳасининг суғорилиш тарихи, Нурота коризлари ва Абдуллахон бандининг тарихий аҳамияти.

4. Мустамлакачилик йилларида Нурота шаҳри ва Нурота воҳаси аҳолисининг миллий урф одатлари, меъморий ёдгорликларнинг ҳолати.

5. Мустақиллик йилларида Нурота туманида тарихий-меъморий ёдгорликларнинг таъмирланиши ва қайта тикланиши.

6. Нурота шаҳри ва Нурота воҳаси аҳолисининг хўжалиги, турмуш тарзи.

7. Маданий меъросимизнинг ўрганилиши ва уни келажак авлодларга етказиш масалалари.

Нурота воҳасидаги меъморий ёдгорликлар ўша давр рус ва маҳаллий тадқиқотчи олимлар томонидан XX асрдан бошлаб ўрганила бошланган. Ёдгорликлар устида олиб бориладиган ишлар эса маҳаллий рўзномаларида ва тўпламларда нашр этиб борилган. Шўролар давридаги ёдгорликларнинг ўрганилиши натижаси диссертацияда ишлар хронологик даврий кетма-кетликда берилган. Буларнинг натижасида илмий тарихий маълумотлар тўплана борган.

Муаммонинг ишлаб чиқариш даражаси. Нурота воҳасидаги тарихий ёдгорликлари, этнографияси, ижтимоий иқтисодий ҳаёти,

хунармандчилиги ҳамда воҳанинг суғорилиш тарихи жумладан, Абдуллахон банди ва Нурота коризлари қисман ўрганилган. Бу соҳани ўрганишда таниқли археологлардан Я.Ғ.Ғуломов, П.Ш.Зохидов, О.М.Ростовцев, Х.Муҳаммедов, А.Муҳаммаджановлар қисман қисқа муддатли тадқиқод ишларини олиб боришганлар.

Бу ўринда бир масалага эътибор қаратишни лозим топдик. Маълумки, деҳқончилик ва суғориш иншоотлари тарихи анчайин қизиқарли мавзу ҳисобланади. Ўзбекистоннинг қадимги вилоятлари ҳудудидан деҳқончилик маҳсулотларининг қолдиклари, меҳнат қуроллари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сақланадиган идишлар, суғориш иншоотлари илдизларининг топилиши хўжалик юритишнинг муайян туридан далолат беради. Суғдиёнадаги милоддан аввалги I минг йилликнинг ўрталарига оид деҳқончилик ва суғориш иншоотлари тўла-тўқис ўрганилмаган. Бу ўринда академик Я.Ғуломовнинг ўтган асрнинг 60-йилларида Зарафшон ва Қашқадарёнинг қуйи оқимларидаги қадимги ерларни суғоришнинг ўзига хос хусусиятлари ва гидрографиясига оид масалаларини тадқиқ этганлигини таъкидлаш зарур. Айниқса, А. Муҳаммаджоновнинг антик ва ўрта асрларга оид суғориш масалаларига бағишланган тадқиқотларини алоҳида қайд этиш лозим.

Олимлар томонидан олиб тадқиқодлар натижасида аниқланишча Нурота тумани мамлакатимиз ҳудудида суғорилиш тарихида кенг қўлланилган коризлар мавжуд туман саналади. Олиб борилган кузатишлар натижасида аниқланишича Нурота тумани ҳудудида 360 та маъна шундан суғориш иншоотлари мавжуд эканлиги аниқланган. Тумани ҳудудидаги коризларнинг энг қадимийлари эса милоддан олдинги IV-III асрларга бориб тақалади. Нурота туманинг суғорилиш тарихи ҳақида гапирганда энг аввало бугинги кунга қадар қисман бўлсада ўрни сақланиб қолган 16 асрда бунёд этилган қадимий сув омбориларидан бўлган Абдуллахон банди сув омбари ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз. 1913 йилда Н.А.Димо томонидан топилган

бўлса, мазкур ёдгорликда ўтган асрнинг 60-йилларида таниқли олимлар Я.Я.Ғуломов ва Х.Муҳаммаджановлар томонидан тадқиқот ишларини олиб борган.

Бугунги кунда ўзининг ҳайбатли харобалари билан ҳаммани ўзга махлиё этиб турган қадимий ва навқирон Нур қалъасида таниқли археолог Я.Ғ.Ғуломовнинг олиб борган тадқиқотлари натижасида қалъадан эрамизнинг I – IV асрларига оид археологик ашёлар топилган. Нур қалъаси атрофида археологик кузатишлар олиб борган олим О.Ростовцев мазкур ҳудудда одамзод излари миллоддан аввалги 42-38 минг йилликларга бориб тақалишини айтиб ўтган.

Табиатнинг ноёб туфҳаси саналган Нурота шаҳрини сув билан таъминлаб турган Нур чашмаси ҳисобланади. Унинг қандай ва қачон пайдо бўлганлиги ҳақида ҳеч қандай маълумотлар мавжуд эмас.

Бундан ташқари бугунги кунда Нурота туманинг турли ҳудудларида жумладан қадимда Кучот деб номланган ҳозирда туманнинг Сойкечар қишлоғи яқинида Қоратоғ этагида ва Нурота шаҳрининг шарқий қисмида туман марказидан 35- 40км масофадаги Тутаксой қишлоғида сақланаётган қадимий қоятош сураатлари ҳали ҳамон тўлалигича ўрганилган эмас.

Илмий ишни ёзишда юқорида номлари келтирилган олимларнинг илмий изланишлари махсули саналган китоблари, яни асосий адабиётлар билан бирга Президентимизнинг қарорлари, илмий мақолалар, тўпламлар, шунингдек бир қатор газета ва журналлар сўров-суриштурув ишларим ҳамда ўзимнинг кейинги йилларда олиб борган дала сўров – суриштурувлари натижасида тўплаган маълумотларимдан ҳам фойдаландим.

Илмий ишнинг янгилик жиҳати шундаки унда истибдод давридаги ўрганилган ишлар чуқурроқ талқин этилиб, уларни тўлдиришда интернет маълумотларидан ҳам фойдаланилган. Илмий тадқиқотда истибдод давридаги чиқарилган маълумотлар бир-бири билан солиштирилиб, уларнинг энг ишончлиларидан фойдаланилган. Илмий ишда Нурота туман

аҳолисининг бугунги кундаги этник таркиби ва улардаги миллий урф одатлар, байрамлар шунингдек турли маросимлар ўз ифодасини топган.

Тадқиқотда амалий жиҳатдан Нурота тумани ва Нурота воҳасидаги меъморий ёдгорликларни истибдод, мустақиллик даврлари ҳолати, халқимизнинг асрлар давомида шаклланиб келаётган миллий урф одатлари, анъаналарини кенг ёритиб беришга ҳаракат қилинган. Мамлакатимиз мустақилликка эришганимиздан кейинги йилларда туман аҳолисининг турмуш тарзида Нурота шаҳрида амалга оширилган ишлар, ҳамда иқтисодий маъданий, маърий соҳада амалга оширилган ишлар тўғрисида тўхталиб ўтилган. Мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши муносабати бошқарув, таълим ва иқтисодий соҳада эришилган ҳамда бу ислохотларининг Нурота туманида қай ҳолда амалга оширилганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан таълим ва спорт соҳаларида, шаҳарсозлик ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида олиб борилаётган ишлар ўз ифодасини топган. Ҳар бир ёдгорлик устида олиб борилган ишлар амалий жиҳатдан улар ҳақидаги бор маълумотларга таянган ҳолда олиб борилган. Бундан ташқари мазкур юзасидан олиб борилган тадқиқот ишлари ва уларнинг натижалари ёритиб берилган илмий материаллардан фойдаланган ҳолда илмий изланиш олиб борилган. Нурота воҳасининг тарихи қисман бўласада ёритиш мақсадида дала археологик сўров-суриштурув ишлари олиб борган ҳолда тўпланган материаллар асосида иш олиб борилди. Нур қалъаси ва чашма мажмуаси атрофидаги ёдгорликлар, Нурота воҳасидаги қадимий тепаликлар ва бундан ташқари суғориш иншоотлари бўлган, коризлар, Абдуллахонбанди тўғон сув омбарида кузатув ишлари олиб борилди. Архив материалларидан фойдаланган ҳолда тўпланган маълумотларга таяниб мавзунинг мазмуни ва асосий мақсадни ёритиб беришга ҳаракат қилинди.

I БОБ

НУРОТАНИНГ ГЕОГРАФИК ВА ТАРИХИЙ ЖОЙЛАШУВИ. НУРОТА ТУМАНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ

I 1. Табиий географик жойлашуви.

Нурота воҳаси қадимги тарихий ўлкалардан саналади. Бу водий Қоратоғ ва Оқтоғ оралиғидаги водий бўлиб, шарқдан шимолий йўналишга қараб 100-130 км масофани ташкил этади. Унинг айрим жойларининг кенглиги 20-25 кмгача боради. Нурота тизма тоғлари Помир-Олой тоғ тизмасининг шимоли-Ғарбий тармоғи бўлиб, Нурота воҳасини шимол ва ғарб томондан ўраб туради. Тоғ тизмасини Ғубдин тоғ, Қароқчи тоғ, Қўйтош тоғлари билан қўшиб ҳисоблаганда, жануби-шарқдан шимоли-ғарбга томон 500 км.га чўзилган. Тоғнинг энг баланд жойи Ҳаётбоши чўққиси бўлиб, унинг баландлиги 2169 метрга тенг. Жануби-шарқда Сангзор дарёсидаги Илонутди тоғ йўлаги Нурота тизмасини Молгузар тизмасидан ажратиб туради. Нурота тизмасининг жануби-ғарбий тармоғи Оқтоғ бўлиб, тоғнинг кенглиги 50-70 км. платформани ташкил этади. Шимолий ёнбағри бепоён қизилқумга, у орқали Айдаркулга ҳамда Қозоғистон даштларига тутшиб кетади. Воҳани жануби-ғарбдан Зарафшон воҳаси ва Зомин тоғ тизмалари ўраб туради.⁵ Маъмурий жиҳатдан Нурота воҳаси ҳудудлари Республикамизнинг Самарқанд вилоятининг Қўшработ тумани, Навойи вилоятининг Нурота ва Хатирчи туманлари таркибига киради. Воҳанинг иқлими асосан қиши совуқ, ёзи иссиқ кечади. Ҳудуди тоғ ва тоғ олди текисликларига тўғри келади ва мазкур текисликларда жойлашган деҳқон ва чорвадор ўзбек уруғлари истиқомат қилади. Нурота воҳаси ҳудудларини Нурота туманиннг шарқий қисми ва Қўшработ туманларининг ғарбий қисмлари ҳудудлари ташкил этади. Воҳанинг асосини Қўшработ туманиннг энг йирик қишлоқларидан Оқтоғ ва Қоратоғ

⁵ Кориев М. Ўзбекистон табиий географияси. Тошкент.: 1968. 44-бет

бағрида жойлашган Қўшробот, Навкат Пангат, Шова, Қовунчи, Қоратош, Қўштамғали, Жўш каби йирик қишлоқлари ҳамда Нурота туманининг Жилонтамғали, Тиканли, Папонай, Сойкечар, Чуя, Оққула, Жарма, Янгиобот, Хайработ, Янгибино ва Нурота шаҳри ва энг чекка қисмини Дехбаланд ва Ғозғон қишлоқлари ташкил этади. Мазкур ҳудуд ўсимлик ва ҳайванот дунёси анча бой бўлган воҳалардан саналади. Нурота воҳасининг асосий қисмини Нурота тумани ташкил этади.

Нурота тоғ тизмалари Помир - Олой тоғ тизмасининг шимоли - ғарбий тармоғи бўлиб, Нурота водийсини шимол томондан ўраб туради. Жанубда эса виқорли, гўзал, сўлим дараларга бой, чиройли манзарали Қоратов (Кўҳи сиёҳ), Оқтов (Кўҳи сафед) ва Бахилтов ястаниб ётади. Нурота тоғ тизмасидаги Ҳаётбоши чўққиси 2169 метр, Оқтовнинг эса энг баланд чўққиси Тахткўҳ бўлиб, у 2005 метрга бўй чўзган. Оқтов ўз атрофидаги тоғлар орасида энг гўзали. Унда қор тез эриб кетмайди. Иссиқ бошланиб, жилғалар оққанда ҳам у бамисоли қор маликасидек оқ ва мовий рангда товланиб кўзга ташланади Нурота тоғлари ғарбдан Қизилқум текислигига туташиб кетади.

Нуротанинг географик жиҳатдан қулайлиги қадимдан эътиборда бўлган. Хитой билан Европани боғлайдиган Буюк ипак йўлининг бир тармоғи - Нур, Мингбулоқ ботиғи, Хоразм орқали Волгагача борган.⁶ Дарҳақиқат, ўтмишда Ўзбекистан ҳудудида ғарбдан шарққа ўтувчи иккита йўл бўлган. Бири Зарафшон водийси орқали ўтган бўлса, иккинчиси Фарғона водийсидан ўтган.

Нурота туманининг деярли марказида Нурота шаҳри жойлашган. У денгиз сатҳидан 500 - 512 метр баландликда жойлашган. Нурота қадимги Буюк ипак йўли тармоғи устидаги кўҳна қўрғон – шаҳар. Таниқли олимлар Я.Ғуломов, П.Ш.Зохидов, О.М.Ростовцевларнинг олиб борган дастлабки изланишлари Нур чашмаси атрофида юқори палеолит даврида ҳам ибтидоий

⁶ Хошимов М. Буюк Ипак йўлининг Самарқанд вилоятидаги туристик йўл кўрсатгичи. Самарқанд: Зарафшон, 2012. 103-бет

одамлар – аجدодларимиз яшаганлигини кўрсатади. Ўзбекистон ФА Археология институти олимларининг фикрича, Нур чашмаси атрофидаги маданий қатлам 35 - 40 минг йилни ташкил қилади.

Исломга эътиқод қилувчи мусулмонлар шаҳарда муқаддас чашма ва азиз – авлиёларнинг қабри ва қадамжолари мавжудлигини эътироф этиб, шаҳарни «Нурота - Нури Худо», «Кичкина Макка» дея улуғлашган. Бу эса Нуротанинг ташқи дунё билан алоқасининг янада кенгайишига, маълум ва машҳур бўлишига олиб келган.

Ўтмишда нуроталиклар Буюк ипак йўлининг бир тармоғи ўтган Пашшот(Нурота шаҳрининг ғарбий қисмида бўлган. Бугунги кунда савдо расталарининг ўрни қисман сақланиб қолган)даги бозор орқали қоракўл тери, майиз, полиз маҳсулотлари, мрамар буюмлар, қулолчилик намуналари, гилам, буғдой ва бошқа турли уй-рўзғор ва ҳунармандчилик маҳсулотлари билан савдо қилишган. Савдогарлар эса уларни қарвон билан узок - узокларга, ўзга юртларга этганлар. Пашшотдаги бозор расталарининг ўрни ҳали ҳам сақланиб қолган. Академик Я.Ғуломовнинг таъкидлашича, Пашшот манзилгоҳида топилган оҳақтош ва мрамардан йўнилган безаклар Қушон империяси даврига тўғри келиб, I-III асрларда бу ўлка обод бўлган. Туманда бир неча жойда – Сентобсой, Тўтаксой, Зулқарнайн қишлоғида қадимги одамларнинг тошдаги тасвирлари топилган.

Нурота шаҳрининг ҳозирги жойлашуви ҳам эътиборга молик бўлиб, у Ўзбекистоннинг деярли ўртасида жойлашган. Нурота шаҳридан юртимизнинг ғарбига 650 километр, шарқига 800 километр, шимолига 350 километр дур. Яна бир қизиқарли жиҳати шундаки, туман бир томондан обод водийлар, иккинчи томондан бепоён чўллар билан чегарадош бўлиб, деҳқонлар ва чорвадорнинг учрашадиган масканидур.

Ўзбекистон 1991 йилда истиқлолга эришгандан кейин Нуротанинг қадимий шон – шуҳрати яна ўз ҳолига қайта бошлади. Ҳозирги кунда

Нурота гўзаллашиб, чиройи тобора очилаётган навқирон, шу билан бирга қадимий анъаналарни ўзида сақлаган шаҳардир.

Инсонлар Нуротанинг бу сирли ва хилват масканларига узоқ асрлардан бери интилиб келишади. Муздек тоғ ҳавосидан симириб, тонг палласида тоғларда какарлаб сайраган какликларнинг шўх нағмасидан завқланишади, она табиат қўйнида ором олишади. Айни пайтда Нуротага келаётган саёҳатчи ва зиёратчиларнинг сони кўпайиб бормоқда. Меҳмонлар Марказий Осиёнинг ҳамма республикаларидан, Россия, АҚШ, Туркия, Франция, Италия, Голландия ва бошқа кўплаб чет мамлакатлардан ташриф буюришади. Ҳозиргача Нуротага 56 мамлакат вакиллари келиб кетишган.

Нурота қадимий ва муқаддас шаҳар. Нуротага ташриф буюрган инсонлар ўз қаърида неча минг йиллик тарихни сақлаб келаётган, ҳали ўз сирларини батамом намоён этмаган бу азиз заминга меҳр - муҳаббат қўйишади.

Тумандаги жой номлари хилма – хил ва ранг – барангдир. Кўпчиликни ўзи учун қадрли бўлган кўча, қишлоқ, шаҳар, сой, тоғ, қориз ва бошқа жуғрофий атамаларнинг қандай пайдо бўлганлиги қизиқтиради, албатта.

Жой номлари илмий тилда топонимлар дейилади. Топоним юнонча сўз бўлиб, топос – жой, онома – ном сўзларидан ташкил топган бўлиб, жой номи маъносини англатади.

Нурота туманидаги жой номлари жойнинг рельефи, ўсимликлар дунёси, тарихий – жуғрофий белгилари, тупроқ хусусияти ҳамда уруғ – авлодлар номларига ҳамоҳанг тарзда шаклланган.

Туманда - «обод» сўзи билан бир нечта жой номлари мавжуд. Масалан: Адизобод, Чўпонобод, Ҳайдаробод, Хўжаобод ва бошқалар.

Топонимлар таркибида учрайдиган ранг кўрсаткичларини ифодаловчи Оқтоғ, Қоратоғ, Қизилқум, Қорақум, Қизилча, Оқтош,

Қоратош, Оқтепа, Кўктепа, Оқмўла, Қорамўла атамалари кўпчиликни ташкил этади.

Тумандаги жуғрофий номлар таркибида чашма ёки булоқ номлари алоҳида ўрин тутди. Масалан, Нур чашмаси, Булоқи Чўли, Совуқбулоқ, Қизилбулоқ, Чимбулоқ, Тошбулоқ, Кўкбулоқ, Қўшбулоқ ва ҳоказо.

Ундан ташқари сой номлари – Дарасой, Орасой, Бўтанасой, Сойкечар. Қудуқ номлари – Чуқурқудуқ, Шамолқудуқ, Қудуқча, кориз номлари — Бошкориз, Калтакориз, Коризча, Султонкориз, Зулмкориз ва бошқалар жойнинг табиий-жуғрофий хусусиятлари ва бошқа сабаблар асосида вужудга келган.

Туманда аҳолининг турмуш тарзи, касб-хунарини ифодаловчи, шунингдек, авлод ёки уруғ атамалари сақланиб қолган. Масалан: Дукчихо, Устохо, Гўрково, Кўзагарон, Қассобо, Кўнчи, Наматзано, Новвойлар ҳамда Қўштамғали, Сиртсулув, Хўжаобод ва ҳоказо.

Нуротада азалдан ўзбек ва тожиклар аралаш яшаб келган. Бу ҳол маҳаллий жуғрофий номларда ўз ифодасини топган. Шуниси ҳарактерлики, Нурота шахри ва унга ёндош қишлоқларда асосан ўзбекча ва тожикча атамалар, шаҳар атрофидаги қишлоқлар томон силжиган сайин аксарият ўзбекча қисман тожикча сўзлардан тузилган атамалар кўзга ташланади.

Булардан кўриниб турибдики, жойларга, уруғларга, сув манбаларига халқ бесабаб ном танламаган. Жуғрофий номлар ўша жойдаги касбкорга, табиий - жуғрофий шароитга хос бўлган маълум бир маънони англатган.

Нур ва Нурота тапонимининг шаклланиши тўғрисида турли фикрлар мавжуд.

Аслида Нур атамаси шаҳарнинг шахристон қисмидаги чашмага нисбатан пайдо бўлган. Тоғ этагидаги чашмадан баҳор ва қиш ойларида сув буғланиб юқорига кўтарилади, ана шу сув буғига эрталаб қуёшнинг заррин нурлари таъсир этиб, худди шу ердан нур кўтарилаётгандек бўлиб кўринади. Камалак ҳосил бўлиб, ён атроф нурга чулғанади. Буни дастлабки пайтда

англамаганлар. Ердан нур чиқаётир деб, бу жойни Нур дея атаганлар. Нур - арабча сўз бўлиб, «ёруғлик» деган маънони англатади. Бу тўғрида шаҳар аҳолиси ўнлаб ривоятлар билишади.

Нуроталиклар орасида Искандар Македонский шахсига алоқадор кўплаб ривоятлар юради. Бир ривоятда Искандар чашмадаги дев-париларни кувса, бир ривоятда одил мусулмон подшо сифатида таърифланади. Бир ривоятда Искандар коризлар казиб қалъа курса, бошқа ривоятда яна бошқа воқеалар билан боғлиқ фикрлар айтилади.

Жумладан Нурота тарихи билан боғлиқ бўлган энг қадимийси саналаган бир ривоятни келтиришни жоиз билдик. Мазкур ривоят халқ орасида Нур шахрига Искандар Зулқарнайн асос солганлиги тўғрисида башорат қилади. Тарихдан ҳеч нарсани ўчириб бўлмайди. Аждодларимизнинг яшаш тарзини, уларнинг жасоратини кўрсатувчи, бўлиб ўтган воқеалар битикларда, ёдномаларда, ривоятларда бизгача етиб келган. Энг муҳими уларни тўғри таҳлил қилиш, тўғри илмий хулоса чиқаришдир.

Эрамиздан аввалги 329 йил баҳорда Искандарнинг қўшинлари Ўрта Осиё худудида пайдо бўлди. Маҳаллий халқ суғд баҳодири Спитамен бошчилигида босқинчиларга қарши курашга отланди. Ривоятларга Караганда, Спитамен паҳлавон Сиёвуш авлодидан бўлган экан. Босқинчиларга қарши суғдийлар, бактрияликлар, усрушонлар, саклар, дахлар ва бошқа Ўрта Осиё халқлари Спитамен атрофига бирлашдилар. Тез орада массагетлар ҳам юнонларга қарши курашаётган озодлик жангчилари сафига келиб қўшилди. Ўрта Осиёдаги ҳарбий ҳаракат Искандар учун саросимали бўлди. Чунки у шунча ерни босиб олиб, бунчалик қаршиликка учрамаган эди. Самарқанддаги гарнизони Спитамен томонидан қамал қилинди. Искандар Спитаменга қарши Фарнух исмли лашкарбошини юборди. Ўзи эса Сирдарё бўйида яшайдиган саклар билан қирғинбарот урушлар олиб борди ва Сирдарё ёқасида шаҳар-қўрғон қуришга киришди. Қурилиш шунчалик тез олиб борилдики, 17 кун деганда қалъа, уйлар қарийб

тайёр бўлди. Бу қалъага у ўз аскарларини, ярадор бўлганларни ва асир олганларни жойлаштирди.

Александр (Искандар) унга қарши курашга отланган 120 минг суғдийларни қатл қилди, бактрияликларни жазолади, иккинчи марта бош кўтарган суғдийларни асир олди, керакли жойларда шаҳар-кўрғонлар қуриб, унда асирларни сақлади.

Искандар Самарқанд ва ҳозирги Хўжанд орасида яшаган уструшонлар билан бўлган тенгсиз жангда 30 минг маҳаллий халқнинг атиги 8 мингини тирик қолдирди. Тоғликларнинг кўпчилиги асир тушмаслик учун қоялардан пастга сакраб ҳалок бўлдилар.

Милоддан аввалги 328 йилда суғдийлар, бактрияликлар билан бўлган жангларда Искандар кўплаб маҳаллий халқларнинг кўрғонларини ер билан яксон қилди ва ҳарбий стратегик жиҳатдан қулай бўлган жойларга янги шаҳар-кўрғонлар қурди. Бу шаҳар-кўрғонларда урушга қатнаша олмайдиган юнонлар, македонияликлар билан бирга Искандарга бўйсунган маҳаллий аҳоли ҳам яшай бошлади. Искандарнинг мақсади осийликлар билан европаликларни аралаштириб, янги шаҳарлар барпо қилиб, Ўрта Осиёда ҳарбий саркарда сифатида ном қолдириш, балки ўзи қурдирган шаҳар-кўрғонлар орқали номини абадийлаштириш эди. Нуротада қурилган «Искандарий қалъа»си ҳамда Нурота аҳолиси орасида учрайдиган мовий кўз инсонлар юқоридаги фикрларга мисолдир.

Искандар Зулқарнайн уч йиллик қонли урушлар мобайнида Суғдиёна ва Бактриянинг кўп аҳолисини қириб ташлади.

Ғарб ва Шарқни эгаллаган, эрамиздан аввалги 323 йилда вафот этган Александр Македонскийдан бўлак Искандарни тарих билмайди. Искандарнинг Ўрта Осиёга юриши билан боғлиқ бўлган тарихий воқеалар Ўрта Осиё ёзма манбаларида турли сабабларга кўра сақланиб қолмаган. Лекин образи халқ оғзаки ижодида Искандар Зулқарнайн азалдан тасвирлаб келинган. Айтишларича, Искандарга аввал катта қишлоқ-Жадир беклиги

қўшинлари қарши чиқишган. Жахли чиққан Искандар уларни кириб, то Нуротагача кувиб келган. Жадирдан токи Нуротагача чўзилган чангалзорлар ўша шаҳид бўлган жангчилар қони тўқилган жойлардан ўсиб чиққан экан. Нурота беги буни кўриб, жангсиз таслим бўлган экан.

Искандарнинг ўлими ҳақида ҳам нуроталиклар тилида бир қанча ривоят мавжуд:

...Искандарни бетўхтов жангу жадаллар толиктириб қўйганди. Ўзга юртларда олиб бораётган қонли урушлардан у бешиб, узокда қолиб кетган ватанини соғина бошлади. Бир кечаси Искандар туш кўрди. Тушида унга Азроил айтармиш: “Эй Искандари замон! Сенинг ажалинг яқин. Қачонки остинг ва устингда темир бўлганда сенинг кунинг битади”. Эртасига Искандар ўзини ёмон сеза бошлабди. Ҳатто отда ҳам юролмабди. Уни от қўшилган бир темир аравага ётқизиб қўйишибди. Лашкарбошилардан бири Искандар қуёш тигидан лоҳас бўлмасин деб, унинг устини темир қалқони билан ёпиб қўйибди. Шунда Искандарнинг ёдига кечаси кўрган туши келибди. Искандар мийиғида кулиб ўйлабди: Ё тавба! Ростдан ҳам умрим тугаганга ўхшайди. Остимда темир, устимда темир, худди тушимнинг ўзгинаси, ўша куни Искандар оламдан ўтибди. Уни Зулкарнайн қишлоғига дафн этибдилар (Бу қишлоқ Нуротадан 3 км жанубда.).

Бу албатта тарихий ҳақиқатдан узок бўлган афсона, халқнинг эса шунга ишонгиси келади.

Маҳаллий хал ўз шаҳрини “Нурота” (“Нурато”), ўзларини “нуратойи” дейди. Ато араб ва форс тилларида “бахш этмоқ”, “инъом этмоқ” маъноларини англатиб, чашма яъни нур чашмаси ўз қон томирлари - ариқлари орқали бу шаҳарга жон ато этган деган фикр ҳақиқатга яқиндир. Ундан ташқари ато сўзи маҳаллий аҳоли фонетикасига хос бўлиб, шаҳардаги Саййидато, Нургулато атамалари худди Нурато сингари талаффуз қилинади.

Аслида Нурга зиёратга келган зиёратчилар тилида Нур ота, яъни нур чашмаси соҳилида дафн этилган авлиё, Нурда ислом динининг тарғиботчиси

IX – X асрларда яшаган Шайх Абул Ҳасан Нурий (Нур бобо) зиёратига келувчилар тилида Нурота номи пайдо бўлган эди. Нурота номи билан машҳур бўлган олим, яъни ота Шайх Абул Ҳасан Нурий ҳақида Фаридаддин Аттор ўзининг “Тазкиратул – Авлиё”, Алишер Навоий “Насойимул – муҳаббат” асарларида ўз фикрларини ёзиб қолдирганлар. Нурота сўзи шаҳар теvarак атрофида истиқомат қиладиган туркий элатлар ҳамда ҳар йили шаҳарга оқиб келадиган кўп сонли саёҳатчилар тилида Нурда дафн этилган отанинг зиёратига, яъни Нуротага (авлиёга) келдик дея айтилиш натижасида шаклланган ва кейинчалик шаҳар ҳам Нурота деб аталаверган.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Нурота атамаси дастлаб шаҳарнинг номи эмас, балки муқаддас қабрда дафн этилган авлиё ота - Шайх Абул Ҳасан Нурийнинг номи бўлган. Кейинчалик шаҳарнинг номи ҳам Нурота дейилган.

Шайх Абул Ҳасан Нурий IX асрда Нур(Нурота)да яшаган ва фаолият кўрсатган машҳур диний арбобдир. У ислом таълимотини Нурда тарғиб этган, халқ орасида исломий фикр юргизган, ягона Оллоҳга итоат тўғрисида тарбия берган дастлабки руҳонийдир. Шайх Абул Ҳасан ҳар томонлама маҳаллий халқ ҳурматини қозонганлигидан ўзининг олий даражадаги оламни билиш тўғрисидаги исломий билими ва ниҳоятда ҳоксор, камтарлиги билан бошқаларга ибрат бўлганлигидан аجدодларимиз бу азиз инсонни ўзи учун муқаддас бўлган жойга – Нур чашмаси соҳилига дафн этган, қабрини обод қилган ва уни зиёрат қилиб, эслашни савоб иш деб ҳисоблаган.

Шайх Абул Ҳасан Нурий ҳақида маълумот тўплаш жараёнида кўплаб тарихий манбаларда келтирилган маълумотлар билан танишиб, ўқиб ўрганилди. Абдурахмон Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс мин ҳазрот ул-қудс” (“Пок зотлар томонидан эсанг дўстлик шабадалари”) тазкираси ўрганилди ва бу тарихий асарда Шайх Абул Ҳасан Нурий 616 та донишмандларнинг бири сифатида номи зикр этилиб, қуйидагича маълумот келтирилади: Шайх Абул Ҳасан Нурий кейинги табақадан бўлиб унинг асли исми Аҳмад ибн

Муҳаммад. У Ҳирот, Марв, Бағдод орасидаги шаҳарда яшаган ва юқорида номлари ислом оламида машҳур бўлган аҳли донишлар билан суҳбатлашган ва кўришган.⁷

Шайх Абул Ҳасан Нурий ҳақида Фаридиддин Атторнинг “Тазкират-ул авлиё” асарида қуйидаги маълумот мавжуд: “Шайх Абул Хусайн Нурий, қоддасаллоху руҳаҳул азиз, кутби замон эди. Уни Амир ул-қулуб ва Қомар ус-сўфия(қалблар амири ва тасаввуф оёи)” дер эдилар. Сирри Сақотийнинг муриди эди. Нурий деб аталишнинг сабаби — қоронғуда сўз айтса, муборак оғзидан нур чиқар эди.

Сахрода бир савмааси(ибодатгоҳи) бор эди. Ибодат қилар экан, кечаси ундан нур балқар эди. Ўзининг юзи ҳам порлоқ - нурли эди. Оқ рангли, оқ соқолли Нуроний бир пир эди.

Ҳазрати Аҳмад Ҳарроз дер эдики, “Хусайн қаби тоат қилгувчи кишини кўрмадим”.

-Жунайддан ҳам ортиқми? - дедилар.

-Унинг холи бошқа, бунинг холи бошқа. Зеро, ҳар кимнинг бир турли муоамаласи бўлур. Уларнинг Аллохдан бошқа зот билмас, - деди”.⁸

Юқоридаги маълумотлар шуни кўрсатадики, ҳақиқатдан ҳам Нур чашмаси соҳилида дафн этилган Шайх Абул Ҳасан Нурий тобеинлардан бири бўлиб, шаҳримизда ислом динини тарқатишда беқиёс хизмат қилган. Шайх Абул Ҳасан Нурий пайғамбар авлоди вакиллариандир. Авлиёнинг Нурий таҳаллуси эса шаҳарга нисбат, шайх эса ўша даврда олим, дониш инсонлар номига қўшиб айтилган.

Шайх Абул Ҳасан Нурий тарихини йиғиб юриш даврида Нуротадаги Чашма музейида сақланиётган “Санги салавот”да ёзилган “Дуруди тож”, яъни Муҳаммад пайғамбарнинг сифатлари баён этилган лавҳа атрофидаги форс — тожикча битикларга эътибор бердик, унда қуйидаги маълумотлар

⁷ Шавкат Исмоилзода. Нурота тарихидан саҳифалар. –Т.:Ўздавматбуотли нашриёти, 2010. 20-бет.

⁸ Фаридиддин Аттор. Тазкират-ул авлиё. Мирзо Кенжабек таржимаси. -Т.: ЎзМЭ нашриёти, 1997. 100-бет.

келтирилган. “Нуротанинг охирги мири Раҳматилло Хўжа топшириғига биноан ушбу “Дуруди Мустафо” мармар тошига битилди. Бу замзамсифат чашма сохилидаги авлиё Абул Хасан хокини тавоф қилиш кимга насиб этса ушбу салавотни ўқиб дуо қилсин. Оллоҳнинг элчиси Муҳаммад хурмати кимики Оллоҳдан неки тиласа Оллоҳ унга шуни ато этсин. Хатлонлик котиб ушбу “Дуруди Мустафо”ни 1337 хижрийда ёзиб тугатди. Ушбу “Салавот – Ёднома” 1918 — 1919 йиллар ўртасида ёзилган ва Шайх Абул Хасан тўғрисида айтилган юқоридаги фикрларни тўлдиради.⁹

Шайх Абул Хасан Нурий 907 милодий йилида вафот этганлар. Шайх Абул Хасан Нурий ислом оламида машхур бўлган кўнлаб авлиёлар қаторида турган аллома. Боболарнинг айтишича, авлиёлар Оллоҳга якин кишилар бўлиб, инсонлар ва худо орасида воситачидирлар. Нурбобо Оллоҳнинг ягоналигини тан олиб, унинг зиёратига келганларга руҳий куч қувват, нур берар эканлар.

Нуротадаги меъморий ёдгорликлар асосан шайбонийлар даврининг маҳсулидир ва кейинги даврларда яъни манғитлар сулоласи ҳукмронлик қилган вақтда таъмирланган. Наршахийнинг ёзишича, Нурда жомеъ масжиди ва работлар бўлган. Зиёратга келувчиларнинг асосий қисми Бухоро аҳолиси, шунингдек, бошқа жойлардан ҳам бу ерга кўплаб кишилар ташриф буюришган. Ҳозирги вақтда ҳам бу ерга келувчиларнинг аксарияти Бухоро ва унинг атрофидандир. Наршахий Нур зиёратига бориб қайтганларни ҳожилар фазилатига эга бўлиши тўғрисида ҳам ёзиб қолдирган. Нурнинг зиёратгоҳ бўлиши унда муқаддас қадамжоларнинг мавжудлиги билан боғлиқдир. Муқаддас булоқ, балиқлар, тарихий обидалар, Саййид ад- Дин Абул Хасан Нурий сингари тарихий шахсларнинг қабрлари мавжудлиги, шунингдек араблар истилоси даврида Мовароуннахрга келиб қолган ва шу

⁹ Шавкат Исмоилзода. Ўша асар. 20-бет.

тупрокда фонийликдан бокийликка кетган ҳамда Нурда дафн этилган тобеинлар қабрлари борлиги шундан далолат беради.

Янада қадимгироқ тарихга, Нурота шахрининг пайдо бўлган даврига назар ташлайдиган бўлсак, ҳозирги Нурота ҳудудлари қадимги Суғд (Суғдиёна) давлати таркибига кирган. Сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, милoddан аввалги VII-IV асрларда Суғдиёна давлатининг чегараси ғарбда Бухоро воҳаси, шарқда Ҳисор тоғлари, жанубда Қашқадарёнинг қуйи оқими ва Кўхитанг адирлари, шимолда эса Нурота тоғ-адирлари билан чегараланган.

Нурота худди Авлиёота, Чўпонота, Зангиота сингари диний, муқаддаслаштирилган жой номидир. Ҳозирги кунларда Нурато ва Нурота атамалари барабар ишлатилади.

Нурота гўзал тоғлар орасида жойлашган маскан. Унинг бепоён яйловлари, баҳор ойларида кип - қизил лолаларга бурканадиган қир - адирлари, сўлим боғлари бетакрордир. Нуротанинг кўп сонли булоқлари, чашмалари йилнинг тўрт фаслида ҳам сизиб ётади. Шимол томони чўлга туташ ям-яшил Нур воҳасида булоқ ва чашмалар асосий ҳаёт манбаи ҳисобланади.

Нурота дилбар ва дилкушо ўлка бўлиб, унинг ҳавоси мусаффо, суви эса шифобахшдир. Она табиат худди бу афсонавий диёрни яратгану, ёмон кўздан асраш учун унинг атрофини тоғлар билан ўраб қўйгандай.

Нурота ўзининг чашмалари, сержило қоракўл терилари, камалак нусха мрамари, ўзининг қадимий маданияти билан жаҳонга маълум ва машҳурдир. Ўзбекистан неъматлари ичида айникса унинг ширин-шакар қовун-тарвузлари, узум ва майизлари тансиқ.

I 2. Нуротанинг тарихий жойлашуви

Ўзбекистондаги қишлоқ ва маҳаллалар янада ободонлашиб, шаҳарлар янада кўркамлашиб бораётган бир шароитда уларнинг ўтмиш тарихи ва

маданиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Нурота тумани Ўзбекистан Республикасининг деярли қоқ ўртасида, Навоий вилоятининг шимоли-шарқида жойлашган каттакон ҳудудлардан бири. Уни шимоли-шарқдан Жиззах, жануби-шарқ ва шарқдан Самарқанд вилоятлари ўраб туради. Ғарб ва жануби-ғарбдан Навоий вилоятининг бошқа туманлари билан чегарадош. Нурота тумани 40 28» ва 41 20» шимолий кенгликлар, 65 40» ва 66 48» шарқий узунликлар орасида жойлашган. Худди шу кенгликларда жаҳоннинг АҚШ, Португалия, Испания, Италия, Албания, Греция, Хитой, Корея ва Япония сингари йирик давлатлари жойлашган. Уларнинг кўпчилиги денгиз бўйи мамлакатлари бўлиб, иқлими нам ва иссиқдир. Нурота эса материк ичкарасидаги иқлими қуруқ, континентал ўлкадир. Қишда -39 гача совуқ, ёзда эса +46 гача иссиқ бўлади. Ўртача йиллик ёғин 200-250 миллиметрни ташкил этади.

Туман ҳудуди катталиги жиҳатидан Ўзбекистоннинг йирик туманларидан бири саналади. У шимолдан жанубга томон қарийб 68 км, ғарбдан шарққа томон 95 километргача чўзилган. Ер майдони 6549 км.кв. бўлиб, чегараларининг умумий узунлиги 500 километрдан ортади. Бу чегараларнинг аксарият қисми тоғлардан, катта қисми Қизилқум кумликлари, шўрхоклар ҳамда Ҳайдаркўл сувлари орқали ўтади. Унинг ғарбий қисми текислик, шимолий қисми Ҳайдаркўл, шарқий қисми эса Нурота тоғлари ва Нурота текислиги, жануби Оқтов тоғлари ва унинг тармоғи Қоратов орқали ўтган.

Юртимизнинг бой тарихга эга бўлган Нурота шаҳри географик жиҳатдан Ўзбекистоннинг марказида жойлашган бўлиб, Нурота тумани шимоли-шарқдан Жиззах, жануби-шарқ ва шарқдан Самарқанд вилоятлари, ғарб ва жануби-ғарбдан Навоий вилоятининг бошқа туманлари билан чегарадошдир. Туман маркази бўлмиш Нурота шаҳри ўзига хос бой ва бетакрор табиати, зилол ҳамда муқаддас булоқлари билан машҳур. Шу билан бирга шаҳарнинг тарихи ҳам узоқ ўтмишга бориб тақалади.

Нурота ёки «Нури Бухоро» номи билан тарих саҳифаларидан ўрин олган мазкур тарихий шаҳар ҳақида Абу Бакр Муҳаммад Наршахий маълумот бериб, уни Бухоро таркибидаги тарихий жой сифатида қайд этади. Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарининг «Бухоро ва унга қўшиладиган жойлар» фаслида Нурота ҳақидаги қуйидаги фикрлар мавжуд:

«Нур катта жой. Унда Масжиди жомеъ бор; у кўпгина работларга эга. Бухоро ва бошқа жойларнинг одамлари ҳар йили зиёрат учун у ерга борадилар. Бухоро аҳолиси бу ишда кўп муболаға қиладилар; Нур зиёратига борган киши ҳаж қилган [кишининг] фазилатига эга бўлади; у зиёратдан қайтиб келганида табаррук жойдан келганлиги сабабли шаҳарни ҳавоза банд қилиб безатадилар. Бу Нурни бошқа вилоятларда Нури Бухоро деб атайдилар. Тобеинлардан кўп кишилар у ерга дафн этилганлар, Худо уларнинг ҳаммаларидан то қиёматгача рози бўлсин.¹⁰

Наршахий IX-X асрларда яшаб ўтганлигини назарда тутадиган бўлсак ва унинг бу ҳудуд ҳақида ўша даврда маълумотлар ёзиб қолдирилганлигини ҳисобга олсак, у ҳолда Нурнинг қадимийлигига шак-шубҳа қолмайди. Ўша даврда ҳам бу маскан зиёратчилар ташриф буюрадиган қадамжо бўлган. Зиёратгоҳнинг ғарбий қисмидаги муқаддас чашма ва чашмадаги муқаддас ҳисобланган балиқлар киши эътиборини ўзига тортади. Булоқдан юқорида, унинг ғарбий бурчагида сағана ва қабртош қўйилган. Бу ёдгорлик Нурий нисбаси билан машҳур Саййид ад-Дин Абул Ҳасанга тегишли.

Наршахийнинг ёзишича, Нуротада жомеъ масжиди ва работлар бўлган. Зиёратга келувчиларнинг асосий қисми Бухоро аҳолиси, шунингдек, бошқа жойлардан ҳам бу ерга кўплаб кишилар ташриф буюришган. Ҳозирги вақтда ҳам бу ерга келувчиларнинг аксарияти Бухоро ва унинг атрофидандир. Наршахий Нур зиёратига бориб қайтганларни ҳожилар фазилатига эга бўлиши тўғрисида ҳам ёзиб қолдирган. Нурнинг зиёратгоҳ бўлиши унда муқаддас қадамжоларнинг мавжудлиги билан боғлиқдир.

¹⁰ Наршахий. Бухоро тарихи. Форс-тожик тилидан А. Расулов таржимаси. Тошкент.: Фан, 1966. 20-бет

Муқаддас булок, балиқлар, тарихий обидалар, Саййид ад-Дин Абул Ҳасан Нурий сингари тарихий шахсларнинг қабрлари мавжудлиги, шунингдек араблар истилоси даврида Мовароуннахрга келиб қолган ва шу тупрокда фонийликдан боқийликка кетган ҳамда Нурда дафн этилган тобеинлар қабрлари борлиги шундан далолат беради.

Нурнинг қадимий тарихини Искандар Македонский истилоси билан боғлашади. Нур атрофидаги қишлоқлардан бирида унинг ва онасининг рамзий мақбараси мавжуд ва бу жой ҳам муқаддас зиёратгоҳ саналади. Бироқ македониялик истилочининг Нурга асос солганлиги ҳақида аниқ далиллар йўқ, фақат ривоятлар, халқ оғзаки ижоди маҳсули бўлган айрим узук-юлуқ афсонавий ҳикоялар мавжуд.

Таъкидлаш жоизки, турли даврларга оид ёзма манбаларда ва ривоятларда Нуротанинг қадимийлиги ҳақида сўз юритилсада, шаҳар ва унинг атрофлари тарихи илмий жиҳатдан етарлича ўрганилмаган. XX аср 50-йилларининг бошларида академик Я.Ғ.Ғуломов бошчилигидаги илмий гуруҳнинг қисқа муддатли илмий изланишлари ҳамда кейинчалик Ўзбекистон ҒА Археология институтининг илмий ходими О.М.Ростовцев олиб борган тадқиқотлар бу соҳага бироз ойдинлик киритди. Менинг қисқа муддатли Нурота ва унинг атрофларида олиб борган кузутларим ва сурув – суриштурувларим бу ҳудудда кенг қўламдаги тарихий археологик тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини кўрсатади.

Аввало, шаҳарнинг номланиши ҳақида... Нурота шаҳри ўрта асрларда “Нур”, “Нури Бухоро” номлари билан машҳур бўлган. Ўрта асрлар муаррихлари Наршахий, Жувайний, Истахрий асарларида кўхна шаҳар Нур деб тилга олинган. “Нур” атамаси кўхна шаҳарнинг шахристон қисмидаги чашмага нисбатан пайдо бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас. Чунки тоғ этагидаги чашмадан баҳор ва қиш ойларида сув буғланиб юқорига кўтарилиб туради. Бу сув буғига эрталаб қуёш нурлари таъсир этиб камалак ҳосил бўлади ва гўёки ердан нур кўтарилаётгандек кўринади..

Янада қадимгироқ тарихга, Нурота шахрининг пайдо бўлган даврига назар ташлайдиган бўлсак, ҳозирги Нурота ҳудудлари қадимги Суғд (Суғдиёна) давлати таркибига кирган. Сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, милoddан аввалги VII-IV асрларда Суғдиёна давлатининг чегараси ғарбда Бухоро воҳаси, шарқда Ҳисор тоғлари, жанубда Қашқадарёнинг қуйи оқими ва Кўхитанг адирлари, шимолда эса Нурота тоғ-адирлари билан чегараланган бўлиши мумкин. Қадимги даврда Ўрта Осиёнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган Суғдиёна давлати турли манбаларда Суғд, Сўғд, Суғуд номлари остида эслатиб ўтилади. Бу номларнинг келиб чиқиши ва уларнинг маъноси ҳақида турли фикрлар мавжуд.

Ўрта асрларда арабий, форсий, туркий манбаларда мамлакат номи Суғд шаклида қўлланилади. “Суғд” сўзини маъноси фанда турлича талқин қилиб келинади. Масалан, тадқиқотчи В. Томашк бу сўзни Сўч//Сўз – “қуймоқ, ёнмоқ, порламоқ” деб изоҳлаган. Бундан Суғдни “Муқаддас илоҳий олов (Зардуштийлик тасаввурига кўра) билан покланган ер” каби маънода талқин этншга ҳаракат қилинган. Профессор М. Исҳоқовнинг фикрига кўра, Суғд сўзи сернам, унумдор ер деб тушунилади. Бунга ҳозирга қадар пастлик, сув йиғиладиган ер “Суғд, Суғут” деб аталишини далил қилиб кўрсатиш мумкин.

“Авесто” китобида Суғд мамлакат номи сифатида бир марта учрайди. “Ардвисура Яшти” (“Обон Яшт”) ва Ардви (Амударё) Ишката, Парута, Моури, Суғуда ва Хваразм томон ҳаётбахш сувларини элтади, дея таъкидаланади. “Авесто”нинг Видевдат наслида эса Ахурамазда яратган эзгу юртлардан бири Гава дейилади ва у ерда суғдлар яшайди, деб кўрсатилади.¹¹

Агар қадимги ўлкалар, вилоятлар номлари кўп ҳолларда улар ҳудудидаги тоғлар, дарёлар, кўллар, қалъаларнинг номларидан олинганлигига эътибор қаратсак, Суғдиёна ҳам ўз ҳудудларидаги бирор жой

¹¹ Ражабоб Қ, Абдиева З. Нурота // Ўзбекистон миллий энциклопедиси. Т.6. -Т.: ЎзМЭ нашркёти, 2001. 419-бет.

номини олмаганмикин, деган фикр туғилади. Нурли ва ҳосилдор ўлка бўлган Нурота айнан мана шу жойга тўғри келиши мумкин. Аммо, бу фикрни асослаш учун ҳали кўпгина илмий тадқиқотлар керак бўлади.

Қадимги тарихимизни тиклаш учун қимматли маълумотлар берувчи илк ёзма манбалар – “Авесто”, аҳамонийлар миҳхат ёзувлари ҳамда юнон ва рим тарихчиларининг асарларида Суғдиёна ва суғдийлар ҳақида маълумотлар берилса-да, уларда айнан Нурота ҳақида маълумотлар учрамайди. Ҳозирги кунгача олиб борилган археологик тадқиқотлар ҳам Нуротанинг аҳамонийлар ёки юнон – македонлар даврига оид маданий қатламлари аниқланмаган. Бу ҳудудларда жиддий археологик тадқиқотлар олиб бориш ва бу тадқиқотлар натижасида Нурота шаҳри ёшини аниқлаш зарурати ҳам айнан мана шу ҳолат билан белгиланади.

Бактрия, Хоразм, Марғиёна ва Суғдиёна ҳудудларидан Аҳмонийлар даврига оид суғориш иншоотларининг излари аниқланган. Кўпчилик тадқиқотларнинг фикрича, тоғ олди текисликлари ва дашт ҳудудларини суғоришда ишлатилган коризлар - ер ости каналлари айнан мана шу даврда пайдо бўлган. Хусусан, Полибий салавкийлар подшоси Антиох III нинг Парфия даштлари орқали ўтган ҳарбий юришлари ҳақида маълумот берганда ушбу дашт ҳудудлари бир қанча қудуқлари бўлган ер ости каналлари орқали суғорилиб, бу каналлар «форслар даврида» бунёд этилгани ҳақида ёзади.

Ўзбекистоннинг мана шундай мураккаб суғориш иншоотларидан фойдаланилган туманларидан бири Нуротадир. Бу ерда коризлардан ҳозирги кунда ҳам фойдаланилади. Юқорида таъкидлаганимиздек, кориз - ер ости сув иншоотидир. Бундай суғориш иншоотини қуриш ниҳоятда оғир ва мураккаб бўлган. У машаққатли қўл меҳнатидан ташқари ер ости сувларининг тўпланадиган қатлами, йил мавсумларида бу сувлар сатҳида рўй берадиган ўзгаришлар ва кориз чиқариладиган жой рельефидаги нишабликни жуда аниқ белгилашни талаб этади. Нуротада ҳозирги кунда ер юзасига сув чиқариб турган кориз «Калта кориз» деб номланиб, унда 50та қудуқ бор. Бу

ерда юзаки текширув ўтказган киши ҳам қадимги деҳқонлар меҳнати ва санъатига қойил қолмай иложи йўқ.

Суғорилишнинг кориз усули милоддан аввалги VII-IV асрларда тоғ олди текисликлари ва даштларида кенг фойдаланилганига эътибор қаратсак, Нурота атрофлари ахмонийлар давридаёқ ўтроқ аҳоли томонидан ўзлаштирила бошланганлигини кузатиш мумкин. Нуроталик қадимги бободеҳқонлар анча мураккаб бўлишига қарамай ушбу суғориш усулидан фойдаланганлар. Бу сувлар етиб келган жойларда эса ерларни ўзлаштириб турар-жойлар ва манзилгоҳлар барпо этганлари шубҳасиздир.

Мазкур илмий ишни ёзишда Нурота қалъаси, шаҳар девори деб тахмин қилинаётган Девори Пироста ҳамда Нурота атрофидаги Пашшот қалъаси қолдиқларида кузатиш ишларини олиб бориш бордим. Нурота қалъаси унинг атрофидан топилган сопларнинг ёши дастлабки хулосаларга кўра сополларнинг энг қадимгиси милодий IV-V асрларга оиддир. Янада қадимгироқ деб тахмин қилинаётган сополлар эса қиёсий ўрганишни талаб этади.

Нурота қалъасининг тузилиши, деворлар ва улардаги миноралар (бурж) қисман тадқиқ этилди. Қалъа деворининг ички йўлакларига элтувчи кириш йўллари (маҳаллий аҳоли уларни ғорлар деб тасаввур қилади) сақланиб қолган. Қалъа девори пахса асосида хом ғиштдан қад кўтарган ҳамда вақти-вақти билан таъмирлаб турилган. Хом ғиштларнинг ўлчамлари Суғдиёнадаги милоддан аввалги VI-IV асрларга оид Узунқир, Ерқўргон, Чордара каби ёдгорликлардаги ғиштларга анча яқин эканлиги аниқланган. Булар ҳозирча дастлабки хулосалар бўлиб, аниқ хулосалар бериш учун жиддий тадқиқотлар ўтказиш зарур.

Нурота устидан Буюк ипак йўлининг бир тармоғи ўтган. У ўтмишда ҳарбий-стратегик аҳамиятга эга бўлиб, йирик савдо маркази ҳам ҳисобланган. Нур қалъаси қадимдан Жиззахдан сўнг Бухоро ва Самарканд воҳасига кириш учун иккинчи дарвоза ҳисобланган. Нурота Бухоро

воҳасининг шимолдаги чекка шаҳар бўлиб, маданий ўтроқ аҳоли ва кўчманчи халқлар яшайдиган ҳудуд чегарасида жойлашган.¹²

Нуротанинг ислом даври тарихи ҳақида манбаларда кенгрок ёритилган ва узоқ мозийдаги воқеа ва жараёнлар шу жой билан алоқадордир. Унинг ўтмишига эътибор қаратадиган бўлсак, бу ерда Салжукбекнинг ўғиллари қўним топишган.

Ибн ал-Асир (1160-1234)нинг ёзишича, Салжукбек 107 ёш (баъзи манбаларда 100) ёшга кириб вафот этган. Унинг вафотидан сўнг ўғиллари: Микоил, Мусо, Арслон (Исроил) каби амирлар бошчилигидаги салжукийлар Жанд ва Янгикент атрофларидан айрим ҳукмдорлар билан келиша олмаган, Сомонийлар давлатининг ижозати билан Зарафшон водийсидаги Нури Бухоро (Нурота) атрофларида кўчиб юрганлар (X аср охирлари). Гардазий (XI аср) ўз асарида сўнгги сомоний Мунтасирнинг қорахонийлардан Наср Илекхонга қарши олиб борган курашига 1003-1004 йилларда салжукийлар ёрдам берганлигини таъкидлайди. Салжукбекнинг авлодлари - Микоилнинг ўғиллари: Тўғрулбек ва Чағрибек XI аср 30-йилларида салжуклар-ўғузларнинг ҳаракатига бошчилик қилиб, Салжукийлар давлатини тузишган.

Нурота қалъаси кўплаб лашкар ва аҳолини ўз ҳимоясига олган. Сомонийларнинг душман томонидан тор-мор этилган охирги вакили Мунтасир Нуротага келиб жойлашган ва 1004 йилга келиб Дабусиядаги душманга қарши ҳужум уюштирган.

Сомонийларнинг сўнгги амири Мунтасир Бухорони эгаллаб олган душманларидан мағлуб бўлганидан сўнг, ўз ҳарбий кучларининг қолган-қутганлари билан Нуротага келиб, мустаҳкамланиб олган ва шу ердан туриб Дабусия қалъасида жойлашиб олган рақибига ҳужум қилган.

Жамол ал-Қаршининг “Мулҳакат ас-сурах” асаридаги маълумотларда келтирилишича, Нурота атрофларидаги салжукийлар Бухоро амири

¹² Ражабов Қ. Салжук /Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.7. —Т.: УЗМЭ нашриёти, 2004. 443-бет

томонидан ҳайдалган. Лекин ҳақиқатда салжукийлар қорахонийлар сиқуви остида бу жойларни кейинчалик тарк этганлар.

Ўғуз турклари Нурота воҳасидан аввал Хуросон, сўнгра Кичик Осиё ярим оролига бориб ўрнашган ва Салжукийлар давлатига 1038 йилда асос солган.

Тадқиқочиларнинг фикрича, Нурота қалъаси Ўрта Осиёда исломга қадар қурилган антик меъморий ёдгорликлардан бири саналади. Маҳаллий халқ ушбу обидани “Қалъаи Искандарий”, деб, Искандар номи билан боғлайди. Шунинг учун бўлса керак, халқ оғзида Искандар ҳақида кўплаб ривоятлар юради. Дарҳақиқат, Искандар Македонский аскарларининг изи қолган Нурота қалъаси Моварауннахр тарихининг зарҳал саҳифаларини ташкил этади.¹³

Нурота қадимдан Бухоро ва Самарканд воҳасига кириш учун Жиззахдан сўнг иккинчи дарвоза ҳисобланган ва ўзининг истехкомлари билан машҳур бўлган. Тарихий асарларни ўрганар эканмиз, Нурота ҳарбий стратегик аҳамиятга молик йирик савдо нуқтаси бўлиб, кўз ўнгимизда гавдаланади.

Нурота тизма тоғлари қадимги Суғдиёна ва Бухоро воҳасини мустаҳкам девордай тўсиб турган. Шунинг учун қадимги Зарафшон водийсига олиб кирадиган икки йўл - Жиззах яқинидаги Темир дарвоза ва Нуротада ҳарбий истехкомлар қурилган.

Ўтмишда Нурота орқали катта ҳарбий ва маданий аҳамият касб этган тош йўл ўтган. Бу тош йўл орқали карвонлар Бухорога, ундан сўнг Дашти Қипчоққа чиққан.

Нурота Бухоронинг шимолидаги чекка шаҳар бўлиб, у маданий ўтроқ аҳоли ва кўчманчи халқлар яшайдиган ҳудуднинг чегарасида жойлашган. Шу туфайли қадимги тош йўл орқали Нуротага кўплаб карвонлар келиб тўхтаган. Савдо-сотиқ ривожланган. Айтишларича, карвонлар асосан Нурота

¹³ Умирзоқов С., Умирзоқов О. Нурота чашмаси, тошкент.: Фан, 2005. 85-бет

яқинидаги Пашшот деган манзилгоҳда тўхтаган ва у ерда катта бозор бўлган. Нурота орқали ўтган қадимги тош йўлни Буюк ипак йўлининг бир тармоғи деб аташ ҳақиқатдан узоқ эмас. Карвонлар Нуротада нафақат савдо, балки шифобахш сув ғамлаб олиш учун ҳам тўхтаган. Худди ана шу йўл орқали Бухорога Чингизхон қўшини ҳам ўтган.

Ривоятларга қараганда, Чингизхон узоқдан тоғ тепасига қурилган Нурота қалъасини кўриб тайсалланган, шаҳарни ўраб турган Пироста деворлари ҳақида эшитгач, шаҳарга кечаси ҳужум қилишни буюрган. Шаҳарликлар маст уйқуда ётганларида Нуротага мўғуллар кирган. Шаҳар аҳолиси эса ҳар вақтдагидай Нуротага бирор катта карвон кирган бўлса керак, деб ўйлаган.

Ҳерман Вамберининг ёзишича, Чингизхон Нуротага туркман куловузларининг ёрдами билан кирган ва у келган йўл кўп замонларгача “хон йўли” деб атапган.

1220 йил январ ойида Чингизхоннинг олдинги мунтазам қўшинлари Нуротага яқинлашди. Қалъага ҳужум қилиш учун Тохир Баҳодир исмли ё мусулмон, ё турк раҳбарлигида Нурота атрофидаги ўрмонларда узун нарвонлар ясалди. Шаҳар атрофида маҳаллий халқнинг боғлари бўлиб, Нурота аҳолиси баҳор кириб келиши биланок ўз чорбоғларига кўчиб боришган. Мўғулларнинг келиши шаҳарликлар учун кутилмаган ҳолат бўлган. Нуроталиклар мўғулларни савдо карвони деб ўйлаган, хатоларини англаганларида, мўғуллар шаҳарга яқинлашган эди. Мўғуллар нарвонларни отда ва қўлда кўтариб, шаҳар деворига қўйдилар. Тохир Баҳодир нуроталикларга: ҳақиқатан ҳам кучли мўғул хони келадир. Агарда шаҳар аҳолиси қаршилик қилмаса, у бир неча кун қолади, - деди. Кўп ўтмай Нурота шаҳри дарвозалари очилди. Мўғуллар шаҳарга кирдилар. Буйруққа мувофиқ шаҳар аҳолиси шаҳардан чиқарилди. Мўғуллар уйларни таладилар. Аммо одамларни ўлдирмадилар. Нурота халқи Чингизхонга 1500 динар солиқ

тўлади. Чингизхон Нуротадан сўнг Бухорога кетди. Чингизхон Бухорода кўз кўриб, кулоқ эшитмаган ваҳшийликларни қилди.¹⁴

Чингизхоннинг Нуротага келганлиги тўғрисида Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажараи турк” асарида ҳам маълумот келтирилади:

“...Чингизхон Зарнукни олгач, Нуротага келди. Нурота халқи қалъага камалдилар. Ундан элчилашиб халқ қалъадан чиқиб яхши пешкашлар билан келиб хонни кўрди. Хон ҳам ул халққа иноят шафқат қилиб ҳукм қилдиким, “сен халқ ўзингга етгулик уруғ ва қўш хўкизингни олиб қалъадан чиқгил. Қолган молингни лашкар таласин”. Халқ қалъадан чикди. Қолган молларини хоннинг лашкари талаб олди”.¹⁵

Бугунги кунда Самарқанд Қўшробот – Нурота туманлари йўл ёкаларидаги қадимги кўрғон қалъаларнинг харобалари ҳали ҳамон учрайди. Бу вайронгарчилик ишлари ишлари мўғуллар қўшинларининг қирғинбарот ишлари билан боғлиқ эканлигини халқ орасида тарқалган турли ривоятлар ҳам тасдиқлаб ўтади. Бундан ташқари Чингиз қўшинларининг мазкур йўл орқали ўтганли ўз навбатида бу кўрғонларда вайронгарчилик ишларини олиб борганлигини тасдиқлайди. Бу каби қалъалар Масалан Чуя, Боғожот, Жўш, Эски Қўшробот, Қўшробот, Митан қишлоқларида мавжуд. Бу қалъаларда ҳаёт кейинчалик умуман тикланмаган. Нурота воҳасидаги бу кўрғонларда ҳаёт XIII асрнинг 20 йилларига қадар давом этган дегви хулосага келиш мумкин.

Академик В.А.Нильсон (1953 йил), академик Я.Ғ.Ғуломов (1968 йил) томонидан олиб борилган археологик қазишмалар натижаси шуни кўрсатадики, қалъанинг остки маданий қатлами эрамиздан олдинги асрларда бино бўлган. 1974 йил археолог О.М.Ростовцев бошчилигида қалъада қазиш ишлари амалга оширилган. Ушанда қалъадан эрамизнинг I ва IV асрларига оид археологик ашёлар топилган.

¹⁴ Ҳерман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннахр гарихи. Нашрга тайёрловчи Сирожид- дин Аҳмад. -Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва. санъат нашриёти, 1990. 22-бет.

¹⁵ Абулғози. Шажараи турк. Тошкент.: чўлпон, 1992. 64-бет

Нурота қалъаси машхур Нурота чашмасининг устки қисмида сув бошига эгалик қилиш, душман қамалига бардош бериш мақсадида қурилган. Қалъанинг ички қурилишлари яхши сақланмаган. Қалъанинг энг баланд минораси бўлган кузатув масканидан тўрт томон якқол кўриниб турган. Кузатув пункта 26x26 метрни ташкил этади. Кузатув пункта ва арк 12 метрли усти йўлак бўлган қалин пахса девор билан туташтирилган. Деворнинг қалинлиги тахминан 14-16 метргача бўлган.

Қалъа қурилиш тарихига кўра ўзига хосдир. У Етти қароқчи юлдуз туркумига мос равишда 7 та минора ва уларни бирлаштирувчи йўлақлар билан бирлаштарилган. Энг жанубдаги ва тоғнинг юқорисидаги минора Қутб юлдузига мос қилиб қурилган, у асосий минора бўлиб, у ерда Нурота бекларининг қароргоҳи жойлашган.

Нурота чашмасининг бир қисм суви қалъанинг остидан оқиб келади. Маҳаллий отахонларнинг айтишларича, агар қалъа душман томонидан ўраб олинса қалъадагилар ҳеч сувсиз қолишмаган. Тахминан қалъанинг ўрталарида аскарлар махсус зина билан тушиб, қалъа остидан оқиб ўтаётган чашма сувидан олиб чиқишган. Нурота қалъасининг асосий меъморий иншоотлари IV-VII асрларда қайта тикланган. VIII асрда Нурота қалъаси араблар томонидан бузиб ташланган ва Сомонийлар даврида яна қайта тикланган. Нурота қалъаси XVII асрда янада мустаҳкамланиб, қадимги пойдевор устига яна кузатув пунктлари қурилган. Қалъа асосан хом ғишт ва тошдан қурилган. Нурота қалъаси ва унинг атрофидаги шахристони қадимда мудофаа девори билан ўралган бўлган. Бу девор Пироста девори деб аталган.¹⁶

Ўрта Осиё тарихига оид тарихий-бадий асарларни варақлар экансиз, Искандар Македонский даврида юртимизда кўплаб шаҳар-қўрғонлар қурилганлигининг гувоҳи бўласиз. Бу шаҳар-қўрғонлар бевосита Искандарга маҳаллий халқ билан олиб борилган аёвсиз жангларда асқотган. Ўрта Осиё

¹⁶ Нильсен В.А. Становление феодальной архитектуры Средней Азии. Тошкент.: Наука, 1966. Стр 26.

халқдарининг мана шу машъум, фожиали тарих саҳифаларига назар ташлар эканмиз, кўҳна Нур(Нурота) ҳам ўша даврларда ҳарбий-стратегик аҳамият касб этган шаҳар-қўрғон сифатида гавдаланади. Нур қалъасининг бевосита замондоши бўлган Пироста девори қадимдан шаҳарни ўраб турган. Унинг айланаси 20-25 километр бўлиб, муҳофаа деворининг қалинлиги 12-15 метр бўлган деб ёзилади. Маҳаллий отахонларнинг айтишларича, Пироста девори жуда қалин бўлиб, унинг устида иккита арава бемалол юрган.

1950-1951 йилларда археолог Я.Ғ.Ғуломов Пироста деворини текширган ва муҳофаа девори VI асрда қурилиб, X асрдан бузила бошланган, деб ёзади.

Пироста девори эрамиздан олдинги III асрдан то эрамизнинг X асригача мавжуд бўлиб, унинг узунлиги 20-21 километрни ташкил қилган. Пироста девори, Нурота қалъасининг ғарбида тоғ чўққисидан махсус бино қилинган иншоот ҳаробасидан бошланиб шимолга томон 4 километр масофада давом этади, сўнгра у кескин бурилиб шарққа йўналади, икки километр нарида Мозор қишлоғининг жанубий қисмидан ўтади ва 5 километрдан сўнг девор шарқи-жанубга, кейин жанубга қараб ўз йўналишини ўзгартиради. Шу йўналишда 3 километрдан сўнг шарқ томондан қалъага бирлашиб кетади.¹⁷

Нурота шаҳристони 500х500 метрли ҳудудда жойлашган бўлиб, шаҳристон ҳам алоҳида мустаҳкам девор билан ўралган ва унга битта дарвоза орқали кирилган. Нурота шаҳристони дарвозаси «Дарвозаи қўрғон» деб аталган ва ундан чиққан йўл шимолий муҳофаа девори бўлган Пиростанинг ўртасига йўналтирилган. Бу ерда эса шаҳарнинг асосий дарвозаларидан бири Дарвозаи Пироста бўлган. Бу қадимги йўл ҳозир Аҳмад Яссавий кўчаси деб номланади.

¹⁷ Мухаммадиев Х. Қадимги муҳофаа деворлари. Тошкент.: Фан, 1961. 43-бет

Пироста девори пахсадан курилган, ҳозир унинг баъзи жойларда 170 сантиметрли ҳаробаси сақланиб қолган. Девор устидан арава бемалол юрганлигини шу ерда хис қилиш мумкин.

Пироста девори ичкарасидаги ер майдонидан шаҳарликлар боғдорчилик, деҳқончилик учун фойдаланишган.

Хитой билан Европани боғлайдиган Буюк ипак йўлининг бир тармоғи Нурота, Қорақарға, Мингбулок, Хоразм орқали Волгага чиққан. Кўхна Пироста ортидаги Пашшотда савдо-сотик ривожланган. Пашшотдаги бозор расталарининг ўрни ҳозир ҳам сақланиб қолган.

Нуроталик отахонларнинг айтишларича, Пироста девори ҳам Нурота қалъаси сингари Искандар даврида курилган. Шаҳарлик кексалар тилида «Шаршараи Кўчот, гулгулаи Пашшот», деган ибора учрайди, Бунинг маъноси шуки, шаҳарликлар Нуротадан 7-8 километр узоқда жойлашган Кўчотда оққан сувнинг шаршарасини ҳамда Пашшотда бўлаётган бозор гулгуласини бемалол эшитишган. Уларнинг айтишича, Оқтов томонидан келаётган Кўчотдаги сув шунчалик тез бўлганки, хатто туяни ағанатган. Пашшот – катта қўрғон – қишлоқ бўлган. «Нурота қадимда шунчалик обод бўлганки, - дея эслайди Ражаб бобо, - улоқ Пашшотдан Кўчотгача томма-том борган».

Қадимги мудофаа девори учта дарвозадан иборат бўлган;

1. Дарвозаи Пироста (Асосий дарвоза)
2. Дарвозаи Рабод (Жўш томонда)
3. Дарвозаи Шоди (Ховузак маҳалласи томонда)

Археолог О.М.Ростовцев ҳам ўзнинг 1974 йилда олиб борган илмий тадқиқотларидан сўнг Нурота шаҳри ва Пироста мудофаа деворининг режа чизмасини яратган ва бу мудофаа деворидан уч томонга чиқиш мумкинлигини кўрсатиб, Пиростани «Кампир девор» деб атаган.

Академик Я.Ғуломов ўзининг асарларида қадимги Пироста деворини қарийиб тўртбурчак шаклда яъни шимол, шарқ ва ғарб томондаги мудофаа

деворлари тахминан 7 километрдан бўлганлигини, шаҳар жануб томондан тоғлар билан тўсилганлиги туфайли шарқий ва ғарбий деворлар тоққа яқинлашар-яқинлашмас кўрғонлар билан мустаҳкамланиб, шаҳарликлар ўзларини ҳар қандай вазиятда ҳам ишонч билан ҳимоя қилганликлари ҳақида ахборот беради. Я.Ғуломов Пироста деворининг фақат шимол томонга очиладиган битта асосий дарвозаси ҳақида айтиб ўтади.

1451-1457 йилларда Нурота ҳокими Пирко мўғул, 1463 йилда Муҳаммад Жўки 1458-1462 йилларда Нурсайдбек бўлган. Улар ҳам шу қалъадан туриб Нуротани идора этганлар.

Нурота қалъаси Марказий Осиёдаги кўпчилик антик ёдгорликлар каторидаги тўла ўрганилмаган тарих хазинаси бўлиб, у ўз сирларини ҳали батамом очган эмас. Келажак авлод бу кўхна Тарих хазинасининг калитини кўлга киритса ажаб эмас. Зеро Искандар Македонскийга қарши Ўрта Осиё халқларини мардонавор курашга отлантирган суғд баҳодири Спитамен ва унинг сафдошлари сиймосини китобларда яратиб, боболар руҳини шод этсак деган орзудамиз.

Чор мустамлакачилари Ўрта Осиёда мустамлакачилик тузумини ўрнатганидан сўнг бошқарув тузumi ислоҳ қилинган ва 1925 йил Нурота беклиги ўрнида Нурота уезди ташкил этилган. Нурота туман сифатида 1926 йил 29 сентябрда Нурота уезди ўрнида ташкил этилган. 1930 йил 17 августдан Самарқанд вилояти таркибида 1982 йилдан Навоий вилояти, 1988 йилдан Самарқанд вилояти ва 1992 йил мартдан бошлаб яна Навоий вилояти таркибига ўтган. Туман маркази Нурота шаҳри ҳисобланади 1976 йилдан бошлаб Нурота қишлоғи шаҳар сифатида рўйхатга олинган. Нурота туманинг умумий ер майдони 6531 кв.км. бўлиб бугунги кунда аҳолиси 85минг кишини ташкил этади. Нурота туманида 7 та Қишлоқ фуқаролар йиғинлари; Нурота, Чуя, Қизилча, Деҳибаланд, Сентоб, Гум, Ғозғонлардан иборат. Нурота шаҳрининг ер майдони 21,4 кв.км. бўлиб, 4 та гузур 36 та маҳалла бор. Нурота шаҳри қадим замонлардан фан ва маданият

марказларидан бўлган. Нурота шаҳрида бугунги кунда 2 та ўрта махсус касб-хунар коллежлари ва туман миқёсида эса 5та касб-хунар коллежлари мавжуд. Туманда бугунги кунда жами 56 умумий ўрта таълим мактаблари мавжуд бўлиб уларда жами 13342 ўқувчилар тахсил олмоқдалар. Бугунги кунда туман маркази Нурота шаҳрида замон талабларига жавоб берадиган махсус музика ва санъат мактаби қад росламоқда. Буларнинг барчаси замон талаблари асосида жихозланган, 40 дан ортиқ мактаблар жорий ва капитал таъмирланган ҳамда 18 та мактабда замоний спорт заллари мавжуд. Буларнинг барчаси мустақиллигимиз шарофати меvasидир.

Аҳолиси 30,1 минг кишини ташкил қилади. Нурота туманинг этник таркиби турли миллат вакилларидан иборат. Туман аҳолисининг таркибида ўзбекларнинг ўрни кўпчиликни ва 86 %, тожиклар 11%, бошқа миллат вакиллари жумладан қozoқлар ва қoraқолпоқлар 3%ни ташкил этади. Нурота воҳасида қадимдан бир неча табақа ва уруғлар вакиллари истиқомат қилиб келишган.

Нурота тумани мамлакатимизда ҳудуд жихатидан катта, жойлашув жихатдан ўзига хос ўлкадир. Унинг тарихи бир неча минг йилликларни ўзида акс эттиради. Ҳозирги шаҳар қабристонида 154 та қавм (гўрхона) мавжуд бўлиб, қавм ёки тўп бешта йирик авлодлар ва уруғлар сулоласига бориб тақалади. Булар: Ўзбек уруғлари; Араб авлодлари; Қozoқ уруғлари; Туркман уруғлари; Форс-тожик авлодлари.

Бу авлод ва уруғлар Ўрта Осиё заминида қадимдан яшаб келган суғдийлар, туркийлар, кейинчалик Ўрта Осиёнинг араблар томонидан босиб олиниши ҳамда ислом динининг кенг тарқалиши натижаси ўларoқ араблар қўшилмасидан таркиб топган ва йиллар ўтиши мобайнида тарихий этногез жараёнида бир-бири билан ассимиляцияга киришиб, бир-бири билан қоришиб кетган ҳозирги қавмлардир.

Нурота воҳаси Нурота шаҳрининг этник таркиби тўғрисида тўхталиб ўтганда турли миллат ва элат вакиллари ҳамда турли ўзбек уруғлари ҳақида

тўхталиб ўтиш жоиз деб ўйлаймиз. Бугунги кунда Нурота шахрида истиқомат қилоётган айрим уруғ ва қавмлар ҳақида тўхталгани Нурота Саййид авлодлари тўғрисида тўхталиб ўтиш жоиз. Бугунги кунда Нурота Саййидларининг аҳоли орасида ҳурмат ва эътибори катта уруғлардан саналади. Улар ўзларининг тўғри сўзлиги ва илмга ташналиги ва диний илмда бошқалардан устинлиги билан бошқалардан ажралиб туради. Нурота шахрида ҳозирги кунда яшаб келаётган табақалардан бири саййидлар бўлиб, улар дастлаб Саййидато маҳалласида истиқомад қилишган ва ҳозирги кунда шаҳарнинг барча маҳаллаларида яшайдилар.

Саййидлар - Муҳаммад пайғамбар авлодларининг фахрий унвони бўлиб барча мусулмон мамлакатларида алоҳида табақа сифатида иззат-ҳурматга эга бўлиб халқ орасида доимо алоҳида макъага эга бўлганлар.

Саййид (арабчада-жаноб) авлодлари исломда “хулафо арро- шидин” (тўғри йўлдан юрган халифалар), диндорлар орасида “чорёрлар” деб аталган, Қурайш қабиласининг хошимийлар хонадонидан Муҳаммад пайғамбарнинг амакиваччаси дастлабки тўрт халифадан (ҳазрати Абу Бакр, ҳазрати Умар, ҳазрати Усмон, ҳазрати Али) тўртинчиси ҳазрати Али ибн Абу Толиб ва Муҳаммад пайғамбарнинг қизи биби Фотимадан туғилган имом Ҳасан ва имом Ҳусайн ҳамда улардан тарқалган авлодлар ҳисобланади.

Саййидлар деярли барча мусулмон мамлакатларида мавжуд бўлиб, Эронда кўп тарқалган. Марказий Осиёда, хусусан, Ўзбекистонда улар “тўралар” ва “эшонлар” (форс-тожикча “улар”) деб аталади.

Араблар Мовароуннахр ва Хуросонга ислом динини олиб кирди. Ислом дини билан биргаликда маҳаллий аҳоли орасида араб тили, ислом маданияти кенг тарғиб этилди. Ислом илоҳиётчилари, тобеинлар, саййидлар тарғибот-ташвиқот ишларини кенг кўламда олиб бордилар. Улар Ўрта Осиёнинг энг асосий шаҳарлари Марв, Термиз, Бухоро, Самарканд, Хўжанд ва бошқа кўплаб шаҳарларда исломни даъват қилиб, масжид-мадрасалар қурилишига катта эътибор бердилар.

Қадимги Нурота аҳолисининг исломни қабул қилиши қандай кечганлиги ҳақида тарихий манбаларда ҳозирча бирор-бир маълумот учратмадик. Фақатгина “Қутайба 709 йилда Бухорога келганида араблар Бухоро шахристонининг бир қисмига, яъни Атторон дарвозасигача бўлган жойларда араб қабилаларининг робиъа ва мудар уруғларини жойлаштирди”, - деган маълумот учрайди. Шунингдек, Белазурийнинг ёзишича, 671 йилда Басра ва Куфа шаҳарларидан 50 мингга яқин араблар Ўрта Осиё шаҳарларига юборилди. Улар оилалари билан келишиб, шаҳар ва қишлоқларда яшай бошладилар. Наршахийнинг ёзишича, Қутайба Бухорони олгач маҳаллий халқ хонадонини иккига ажратиб, уларнинг ярмисига арабларни жойлаштирди. Табарийнинг ёзишича, юқоридаги аҳвол Самарқандда ҳам такрорланди.

Бухорога араблар келиб қандай жойлашган бўлса, Бухоронинг Нурида ҳам худди шундай ҳолат бўлганлигини тасаввур қилса бўлади.

Сабаби Нуротанинг энг катта гузарларидан бири қадимдан Арабгузар деб номланади. Нур чашмасининг бир ариғи ўтадиган бу жойда ўтмишда араблар дастлаб келиб ўрнаша бошлашган. Ушбу гузарда яшайдиган Нуротанинг йирик қавмларидан бўлган – “арабҳо”, “соқибоеънҳо” (лақаби “пўк”) антропологик жиҳатдан арабий ҳамда турк-тожик ташки кўринишига эга. Арабгузардаги дастлабки маҳалла Саййидато маҳалласи бўлиб, бу маҳаллада қадимдан саййидларнинг авлодлари истиқомат қилиб келишади. Нурота саййидлари тақводорлиги, исломий фикрларининг чуқурлиги, эътиқоди, шарқона лутфлари билан ажралиб туришади. Улар ниҳоятда кўркем, чехраларида “Нури Муҳаммадий” балқиб турадиган ва халқ орасида “қароматли эшонбоболар” деган иззат-ҳурматга эга. Уларнинг ўзлари ва ота-боболари ҳақида халқ орасида турли ривоятлар юради.

Халқ орасида машҳур бўлган ислом динининг Нуротадаги раҳнамоларидан бўлмиш Муҳаммад пайгамбар (с.а.в) авлодлари вакиллари-забардаст эшонбоболар Нусратиллахон, Бобоҳон, Ражабхон, Амонхон,

Лутфиллохон, Жалолхон, Мададхон, Абдурасулхон, Мансурхон, Абдулфайзхон, Ислохон, Саййидхон, Атохон, Ҳалимхон, Эшони Судур (Турсунхон), Кароматхон, Ҳайдархон, Муҳаммадхон, Иброҳимхон, Ражабхон, Аҳмадхон, Мўминхон, Истамхонларни нуроталиклар ниҳоятда иззат ҳурмат билан номларини тилга олади. Аҳмадхон эшон бобонииг айтишларича, Нуротага дастлаб келган эшон бобо Нусратиллахон бўлиб, ул зот Туркистондан келган саййидлардан эканлар. Нусратиллахон, Акбархон ва Ражабхон эшонларнинг қабрлари Саййидато маҳалласидаги саййидлар авлодига мансуб хилхона қабристонидадир.

Ҳозирги Нурота қалъасининг шимолий-ғарб томонида Нурота саййидлари қабристони жой олган. Унда Мансурхон эшон (1919 йили вафот этган), у кишининг ўғиллари Саййидхон эшон (1887-1949), Атохон эшон (1897-1961), Ҳалимхон эшон (1908-1970)ларнинг қабрлари мавжуд. Шунингдек, ушбу қабристонда Қодирхон эшон ҳам дафн этилган.¹⁸

Воҳанинг ўтроқ аҳолисида бири бу тожик этноси ҳисоблади. Тожиклар Нурота воҳасида Нурота тизма тоғнинг ўрта ва энг баланд қисмидаги тор дараларида, Нурота шаҳрида ва Оқтоғнинг шимолида жойлашган Ғазғон ва Деҳибаланд қишлоқларида компакт ҳолда жойлашганлар. Тарихий ва этнологик адабиётларда ушбу гуруҳга нисбатан “нурота тожиклари” атамаси қўлланилади.

Сон жиҳатдан кўпчилики мазкур этнослар Нурота тизма тоғининг шимоли-шаркида жойлашган бир қатор қишлоқларда ташкил этишган. 1930-йилларгача мазкур ҳудудда тожикларнинг ундан ортиқ йирик қишлоқлари мавжуд бўлган. Бироқ, Ўша даврда совет ҳукумати томонидан амалга оширилган аҳолини кўриқ ерларга кўчириш сиёсати натижасида кўплаб тожик қишлоқлари деярли бўшаб қолган. Маданияти жиҳатдан Бухоро шаҳрига яқин бўлган Ғазғон, Деҳибаланд ва Нурота шаҳри аҳолиси Нурота тизма тоғидаги тожикларни ўзларидан фарқлаган ҳолда, уларни

¹⁸ Дала маълумотлари. Нурота тумани Нурота шаҳри Саййидота маҳалласи. 2012 йил

“тоғчи” деб аташган¹⁹. Ўзининг турмуш тарзи ва антропологик қиёфаси бўйича Нурота тизма тоғида яшовчи тожиклар Юқори Зарафшонда яшовчи тожиклар билан кўплаб ўхшашликларга эгалар. Бундан ташқари ушбу халқлар шеваларида ҳам ўхшашликлар мавжуд.

Шунга қарамасдан, Нурота тизма тоғининг мазкур этнослари 1872-йилда рус олими А.П.Хорошхиннинг таъкидлашича, ўзларини ўзбекларнинг баъзи уруғларига мансублигини таъкидлашган. Олим Нурота тожикларининг асли келиб чиқиши ўзбекларга бориб тақалишига ва кейинчалик уларнинг баъзи бир тожик тилли гуруҳлар таъсирида тожик тилини қабул қилганликлари борасидаги халқона ривоятларга шубҳа билан қарайди. У ўз асарида «қайси тожик гуруҳлари ва қачон бу халққа таъсир ўтказган. Ахир, улар ўзбек уруғларининг қуршовида жойлашган-ку» деб ёзади. Ҳақиқатдан ҳам, воҳадаги тожик қишлоқлари ҳар тарафдан ўзбек уруғлари истиқомат қиладиган қишлоқлар билан қуршалган. А.П.Хорошхин мазкур этносларнинг ташқи тузилиши, ҳўжалигидаги баъзи жиҳатлари ва бир мунча маданийлашган турмуш тарзини таъкидлаган ҳолда, Нурота тизма тоғининг тожиклари соф тоғчи яъни “тоғли тожиклар”дир деган фикрга келади.

Маълумки, Нурота ҳудудлари Бухоро амирлиги таркибида бўлган, тахтни ўзбек уруғлари эгаллаганидан сўнг, мамлакатда мазкур этносларнинг нуфзи ошиб кетган. Айнан мазкур вазият Нурота воҳаси тожиклари томонидан ўзбек уруғлари номларини ўзлаштирилишига сабаб бўлган бўлиши мумкин. Аммо, мазкур жараёнда табиий, яъни этник омилни ҳам ҳисобга олмаслик, фикримизча тўғри бўлмайди.

Хуллас, бу ҳудудда кенг қамровли тадқиқотлар ўтказиш лозимлигини кўрсатади. Нурота, шубҳасиз Ўзбекистондаги қадимий шаҳарлардан биридир. Ушбу фикрни ҳар томонлама илмий асослаш кейинги бўлажак тадқиқотлар натижаларига боғлиқ.

¹⁹ Кармышева.Б.Х. Пещерева Е.М. Материалы этнографического обследования таджиков Нуратинского хребта.//С.Э, 1964.

II БОБ

НУРОТА ТУМАНИНГ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ

II.1 Хўжалик ютиқлари.

Нурота тумани Навоий вилоятининг энг салмоқдор туманларидан саналади. Нурота тумани ўзининг географик жойлашиш ўрнига кўра Нурота воҳасининг марказида жойлашган ҳудуд саналади. Қадим замонлардан бошлаб мазкур воҳада хўжаликнинг турли соҳалари ривожланган. Шундай экан бугунги кунга қадар анъана тарзида ривожланиб келаётган қишлоқ хўжалииғи ва халқ ҳунармандчилигининг ўзига хос ютуқлари мавжуд. Қадимда Нурота Бухоро воҳасининг шимолидаги чекка шаҳар ҳисобланиб, маданий ўтроқ аҳоли ва кўчманчи халқлар яшайдиган ҳудуд чегарасида жойлашган²⁰ шаҳар ҳисобланган. Шундай экан қадим замонлардан мазкур ҳудудда савдо-сотиқ билан биргаликда деҳқончилик ва чорвалик ривожланган. Нуроталик бободеҳқонлар томонидан қадим замонлардан деҳқончилик амалга ошириб келинган. Улар деҳқончиликда ўзига хос ютиқларга эришган. Нурота воҳаси аҳолиси қадим замонлардан бугунги кунга қадар ривожланиб келинаётган деҳқончиликда икки хил; лалмикор ва обикор деҳқончилик ривожланиб келинмоқда. Обикор деҳқончиликда Нуроталикларнинг отабоболари ўзлари томонидан яратилган кичик ва йирик турдаги сув иншоотлари: коризлар, тўғонлари-сув омборлари сувларидан ва баҳор ойлари ёғингарчилик натижасида йирик сойлардан оқиб келадиган сувлардан, тоғ ёнбағирларидаги булоқ сувларидан фойдаланган ҳолда амалга оширганлар. Нуроталик бободеҳқонларнинг меҳнатлари самараси ўлароқ улар томонидан ишлаб чиқилган доимий қўлланиб келинган деҳқончилик билан боғлиқ анъаналар бугунги кунга қадар сақланиб қолган.

²⁰ Ражабов Қ., Абдиева З. Нурота // Ўзбекистон миллий энсқлопедияси. Т6. –Т.: ЎЗМЭ нашриёти, 2003. 419-бет

Бундай анъаналар бугунги кунда нуроталиклар томонидан қўлланиб келинмоқда. Бу анъаналари хусусида кейинроқ тўхталиб ўтамиз.

Нурота воҳасида қадим замонларда деҳқончилик ривожланган ҳудуд эканлигини ва Нурота воҳаси аҳолиси ота боболари қадимда уста бободеҳқонлар бўлишганлиги тўғрисида тарихий асарларда ўзига хос сатрлар сақланиб қолган. Жумладан Абулғози Баходирхоннинг “Шажари турк” асарида: “...Чингизхон Зарнукни олгач, Нуротага келди. Нурота халқи қалъага қамалдилар. Ундан элчилашиб халқ қалъадан чиқиб яхши пешкашлар билан келиб хонни кўрди. Хон ҳам ул халққа иноят шафқат қилиб ҳукм қилдиким, “сен халқ ўзингга етгулик уруғ ва қўш хўкизингни олиб қалъадан чиқгил. Қолган молингни лашкар таласин”. Халқ қалъадан чиқди. Қолган молларини хоннинг лашкари талаб олди”²¹ - деган маълумот келтирилади. Бундан кўриниб турибдики нуроталик қадим замонлада ҳам деҳқончиликнинг турли сахолари билан чунончи ғаллакорлик билан шуғулланиб келишганлар.

Нуроталик деҳқонлар асосан қадим замонлардан боғдорчилик узумчилик ва албатта ғаллакорлик билан шуғулланиб келишган. Нуроталик ғаллакорлар қадимдан лалмикор буғдой ва арпа экиб келишган. Бунда албатда куз мавсуми давомида ер шудгор қилинган ва баҳор келиши биланоқ ерга уруғ қадашга киришган. Лалмикор ғаллачиликда кузги ва баҳорги уруғ қадаш ишлари амалга оширилган.

Нуроталик бободеҳқонлар қадим замонлардан ўзларининг деҳқончилик ютиқларидан фахирланиб келишганлар. Чунки улар бу соҳада бир қатор ютиқларга эришганлар. Жумладан Нурота воҳаси қишлоқ хўжалигида муҳим соҳа саналган деҳқончиликнинг асосини ташкил қилувчи иргация-суғориш соҳаси қадим замонлардан ривожланиб келган. Маъна шундан суғориш тармоқларидан бири бу қадимий коризлар саналади. Кориз

²¹ Абулғизий. Шажарий турк. Тошкент.: Чўлпон.1992. 64 бет

– ер ости сувиларини йиғиш ва уни юзага чиқриш учун қуриладиган махсус иншооти бўлиб, у қадим замонлардан бошлаб Яқин шарқ Жанубий шарқий Осиё, Ўрта Осиёнинг тоғлиқ ва тоғолди ҳудудларида, сув тақчил бунёд этилган ва бундай иншоотлардан қадимги замонлардан сўнги ўрта асрлар яъни хонликлар замонига қадар, айримларидан ҳатто XX асрнинг 20-йилларга қадар фойдаланишган.²² Нурота воҳасида инсоният ақл заковотининг махсули саналган бундай суғориш иншоотлари кенг тарқалган ҳудудлардан саналади.

Қадим замонлардан бошлабқ аждоқларимиз нишабсиз текис ерларда қудуқлар қазиб, қовға билан сув тортиб ўз эҳтиёжини қондирган бўлса, паст-баланд адирлардан иборат тоғ этакларида эса юзлаб қудуқларни бир-бирига туташтирган антиқа ирригация иншооти - қоризлар воситаси билан ер ости сувларини ер юзига чиқариб, деҳқончиликда фойдаланганлар.

Ўзбекистонда мана шундай ирригация иншоотларидан кенг фойдаланиладиган туманлардан бири бу биз кўриб ўтаётган Нурота тумани саналади. Бу ерда қоризлар қадим замонлардаёқ барпо этилган бўлиб, улардан ҳозирги кунларгача фойдаланиб келинади. Манбаларда ёзилишича қоризлар эрамиздан олдинги 329-327 йил яъни Искандар Зулқарнайннинг Ўрат Осиёга юриши даврида деб тахмин қилинади²³. Нуроталикларнинг ривоятларига кўра, Искандар Зарафшон водийсига қўшин тортиб келганда Нурота тизмасининг жанубий қаноти Оқтоғнинг энг юқори чўққисига чиққан. У тоғдан жануб томонга қараса, Зарафшон дарёси ва обод водийни, шимол томонида эса дарахтсиз кенг майсазор яйловни кўрган. Ўшанда ям-яшил поёнсиз кенг даштга қараб Искандар “бу вилоятнинг дарёси ер остидан оқар экан”, — деган эмиш. Сўнгра Искандар қўшинини Нуротага олиб келиб, 366 ҳарбий қисм саркардаларига ўз отрядлари билан ҳар бири

²² Пардаев М., Ғофуров Ж., Қорабоев С. Ғарбий устуришонанинг ер ости сув чиқариш иншоотлари ҳақида// Ўзбекистоннинг моддий маданияти тарихидан. Самарқанд: 2011.215-бет.

²³ Суёнов С. Нурота қоризлари ўрганиш // Ўзбекистон - қадимда ва ўрта асрларда. Самарқанд: 1992. 121-122 бетлар

биттадан кориз кавлаши ҳақида буйруқ берган. Натижада 366 та кориз ковланиб, Октоғ этакларига сув чиқарилган ва Нурота атрофи обод бўлган.

Шубҳасиз бу фақат ривоятгина бўлмай, балки Нуротанинг табиий шароити, жумладан, унинг гидрогеологияси устида маҳаллий аҳолининг узоқ вақт олиб борган кузатишларидан тўпланган билимнинг натижасидир. Шунинг учун ҳам Нурота тумани остидаги оқар дарё тўғрисидаги халқ оғзаки ривояти Искандар тилидан ҳикоя қилиниб, ер ости сувларидан фойдаланиш учун ковланган коризлар унинг номи билан боғлаб кўрсатилсада, лекин у сувга танқис бўлган Нурота аҳолисининг сув манбаларини излаб топиш ва жуда катта машаққатлар билан барпо этилган сув иншоотлари — коризлар орқали ер ости сувларини ер устига чиқариш йўлида олиб борган кураш тарихини ифодалайди. Ҳудудда Искандар номи билан боғлиқ коризларда масалан Боғожот қишлоғи ва Тўра қишлоқларида бугунги кунга қадар сақланиб қолган коризларни мисол келтириш мумкин. Мазкур коризлардан фақат Боғожот қишлоғидаги кориздан баҳор ойларида сув чиқиб туради.

Кориз-ер ости сув иншоотидир. Бундай ирригация иншоотини қуриш ниҳоятда оғир ва мураккаб бўлган. У машаққатли қўл меҳнатидан ташқари, ер ости сувларининг тўхшанадиган қатлами, йил мавсумларида бу сувлар сатҳида рўй берадиган ўзгаришлар ва кориз чиқариладиган жой рельефидаги нишабликни жуда аниқ белгилашни талаб этган.

Кориз чиқаришда тажрибакор коризчи ирригаторлар даставвал қияликнинг баландроқ еридан ер ости сувига шахмат усулида бир неча қудуқ қазишган. Қудуқлардаги сув вақти-вақти билан белгилаб турилган. Ер ости сувлари тортилиб, қудуқлардаги сув сатҳи энг пастга тушган феврал ойида кориз кавлашга киришилган. Иш ер нишабини белгилаш, яъни нивелировка қилишдан бошланган. Чунки ер нишабини аниқ ва тўғри белгилаш кориз трассасини ўтказишда ва ер ости сувларининг кориз орқали ер юзига оқиб чиқишида ҳал қилувчи роль ўйнаган.

Нивелировка қилиб кориз трассасини белгилашда икки ёки уч киши катнашган. Биринчи киши кудук тепасида устурлаб орқали кузатиб турган. Иккинчи киши бўйи кудук чуқурлигига тенг узун хода ёки ёғочни олиб. Сув чиқариладиган томонда уни тикка ушлаб турган. Ёғочнинг учи кудук оғзи билан бир хил горизонтал йўналишда бўлганда, кудукдаги ер ости суви ўша нуқтада ер юзига оқиб чиққан.

Ер нишабини олишда ватерпас асбоби ҳам ишлатилган. Тарози - ватерпас ёрдамида ер сатҳини белгилашда уч киши катнашган. Икки киши ёғоч ходаларни тик ўрнатиб, режа ипини таранг тортиб турган. Учинчи киши тарозини режа ўртасига осиб, шокулга қараб ер нишабини белгилаган. Текширилаётган текислик горизонтал вазиятда бўлса, у мувозанатни сақлаган, аксинча бўлса шокулнинг бир томони оғиб кетган. Шокул отган томонда ип учини ёғоч ходадан пастга тушириб, шокулни тарозининг тилига келтириш билан ерининг қанчалик қиялиги аниқланган. Шу тариқа бутун кориз трассаси белгилаб чиқилган. Демак, ер ости сув иншоотлари - коризлар казишда устурлоб (астролябия) ва шокулли тарози (ватерпас) каби махсус асбоблардан фойдаланилган. Бу асбоблар ёрдамида ер сатҳидаги нишабликнинг аниқ ҳисоби олинган.

Нивелировка ўтказилиб, кориз трассаси аниқлангач, трасса бўйлаб ҳар 10 метрда қатор кудуклар қовланган. Ер ости сувларининг тўпланган қатламига қараб сув чиқадиган бош кудукларнинг чуқурлиги 18-20 метр, баъзан ундан ҳам ошиқроқ бўлган. Кудуклар тоннел орқали бир-бирига туташтирилган. Бош кудуклардан йиғилган ер ости сувлари мана шу тоннел орқали оқиб чиққан. Тоннел «лахм» деб аталган. Унинг баландлиги 1,25-1,5 метр, эни 1 метр бўлиб, узунлиги жой нишабига қараб бир неча километрга чўзилган. Масалан, Нуротадаги Мастон деб аталган коризнинг 280та кудуғи бўлиб, бош кудуқнинг чуқурлиги 14 метр ва лахмнинг узунлиги 3 километрга тенг бўлган. Коризнинг кудуклар орасидаги устки қисми «пушта» деб атагтган.

Коризни ковлашда лахм ўтказиш энг маъсулиятли иш бўлиб, ер ости сувларининг ер устига оқиб чиқиши лахмнинг тўғри ковланишига боғлиқ бўлган. Бунинг учун, биринчидан, кудукларни бирлаштиришда, қарама-қарши томонлардан ковланадиган лахмнинг бирор ёққа қийшайиб кетишига йўл қўймай, кудукларни бир-бирига тўғри туташтира олиш, иккинчидан, кориз орқали ер ости сувларини ер устига оқиб чиқишини таъминлаш лозим бўлган. Шунинг учун ҳам лахмлар одатда 0,005 метр нишабликда ковланган.

Кориз ковлашда бир қанча коризчи жамоалар ойлаб ва йиллаб лахм ҳамда кудуклар қазиб, минглаб кубометр тупроқ ва шағалларни қазиб чиқаришган. Масалан, узунлиги 3 километр бўлган 250-300 кудуклардан иборат ўрта ҳажмдаги кориздан тахминан 7-8 минг кубометр тупроқ қазиб чиқарилган. Нуротадаги коризлардан бирининг “Зулмкориз” деб аталишига сабаб Искандар бу коризни зулм билан қаздиргани ва ер ости сувларини ер устига чиқаришдаги меҳнат жараёнининг ниҳоятда оғирлигидан бўлса керак.

Маълумки, коризлардан бир меъёردа сув оқиб туриши учун улар ҳар йили тозаланиб турилган, таъмир этилган. Кориз тозалаш энг машаққатли ва оғир ишлардан ҳисобланади. Чунки кориздор деҳқонлар ҳар йили эрта баҳорда 20-30 кун коризнинг тоннели ичида сув кечиб, лахм ва кудуклар ичига чўккан лойқаларни қазиб чиқарганлар. Кўпинча коризнинг пуштаси чўкиб, лахмнинг каттагина қисмини босиб қолган. Бундай ҳолларда лахмнинг босиб қолган қисми қайта қазилиб, ўпирилган жойларига ёғоч ёки тошлар қўйилиб мустаҳкамланган.

Ҳа, коризлар кўҳна Шарқнинг қадимий гидротехника иншооти бўлиб, коризчилик ота-боболаримиз деҳқончилик санъатининг ноёб намунаси ҳисобланади. Ўтмишда бободеҳқон ўтган аجدодларимизнинг ер ости сувларини моҳирлик билан ер юзасига олиб чиққанлигини кўриб лол қоласан киши.

Боболаримиз кориз суви тўғри оқаётганлишни текшириш учун биринчи кудукқа қах-сомон ташлаб, сомонни охирги кудукдан чиқаётган

сувда кўриб, сувнинг равон оқаётганлигини, сув миқдорини текширганлар. Ривоят қилишарича, Искандар Нуротага келганида охирги қудукда бир тўда одам қудук бошидагиларга қараб, “Қах рез! (Сомонни тўк)” деб бақираётганлигини эшитиб: “булар нима деб қичкиришаяпти?”-деб сўраган экан.

Ўзбекистоннинг тоғолди туманларида қадимги замонлардан то ҳозирги кунгача коризлардан фойдаланиб келинмоқда. Ирригация техникасининг бу қадимги тури кенг тарқалган туманлардан бири Нуротадир. Нуротанинг қадимги коризларидан жуда кўпи кўмилиб кетган бўлса ҳам, ҳозирги вақтда фақат Қалта-коризда қишин-ёзин сув оқиб туради. Маҳаллий халқ туманда мавжуд бўлган коризларнинг бир қисмиини Искандарий коризлар деб саркарда Искандар номи билан боғлайди. Улар: Товбой, Қайнар, Бошкориз, Мазор, Қувандик, Кўнчи, ал-Бухорий (Алпухори), Сатилғон, Мири, Ялок, Тайлок, Султон, Мастон, Мастак, Комбой, Зулфиқор, Қалта-кориз бўлиб уларнинг номлари йиллар ўтиши мобайнида эҳтимол ўзгарган. Биз қуйида яна Нурота коризларининг номларини келтирамиз: Тошлок, Гажобод, Савробод, Қизил канда, Сатторобод, Тошқудук, Хайробод, Ямон туркман, Қум кориз, Чучқок кориз, Зулмкориз, Дангал кориз, Жанжалобод, Нуробод, Сахти, Шеробод, Гўробод, Қуллол, Коризи Калон, Коризча ва бошқалар. Нурота коризларининг ҳар биридан ўрта ҳисобда секундига 40-50 литр сув оқиб чиқиб, 40-50 гектаргача ер майдонини суғорган.

Нурота коризларининг кўпи охирги марта XVI-XVIII асрларда қурилган бўлиб, ҳатто айрим коризларнинг номларидан уларнинг қазилиши тарихи йили чиқади. Масалан, “Зулм” коризининг номидаги ҳарфларнинг йиғиндисидан 970 рақами ва “Зулфиқор” коризи номидаги ҳарфлардан 1118 рақамлари чиқади. Хижрий йил ҳисобида олинган бу рақамларни милодий йилга айлантирсак “Зулм” коризи 1533-1534 йилларда ва “Зулфиқор” коризиз эса 1706-1707 йилларда қурилганлиги маълум бўлади.

Шуниси характерлики, ҳозирги вақтда охирги марта қазилган кўпгина коризларнинг ёнида, уларга параллел равишда баъзан икки, баъзан уч қатор кўмилиб, суви қуриб қолган кўхна коризларнинг ўзанлари жойлашган. Бу қуруқ узанлари, шубҳасиз, асрлар давомида Нурота коризларининг бир неча бор ишдан чиқиб, қайта тикланганлигининг гувоҳидир.

Кориз қовлаш, шунингдек, коризни тартибли сақлаш учун, уни таъмир этишда бажариладиган қўл меҳнатининг ниҳоятда оғирлиги туфайли кориздор деҳқонлар бундай ер ости иншооти билан боғлиқ бўлган барча ишларни жамоа-жамоа бўлиб, биргаликда амалга оширишган. Кориздан оқиб чиқадиган сув миқдори айтарлиқ кўп бўлмасди. Шунинг учун ҳам ҳар бир жамоадаги кориз сувидан фойдаланувчи деҳқонларнинг сони қатъий белгили бўлган. Масалан, кичикроқ коризларда кориздор жамоа 24 кишидан ва каттароқ коризларда 36 кишидан ошмаган. Ҳар бир кориз 24 ёки 36 деҳқондан иборат жамоанинг кучи ёки маблағига қурилгани учун, у шу жамоанинг жамоа мулки ҳисобланган. Шунга асосан кориздан фойдаланишда бу жамоа аъзолари тенг ҳуқуқли бўлиб, кориз суви ҳам, ундан суғориладиган ер майдони ҳам улар ўртасида баб-баравар тақсимланган.

Кориз суви билан деҳқончилик қилишда ҳар бир кориздор жамоа 10 ёки 12та майда гуруҳларга бўлинган. Ҳар бир гуруҳ майда коризларда икки деҳқондан ва катта коризларда уч деҳқондан иборат бўлган. Нуроталиклар бундай гуруҳларни “ҳамбоз”, яъни шерик деб атаган. Кориз суви билан суғориладиган ер майдони ҳам ҳамбозларнинг сонига қараб бўлинган. Ҳар бир ер бўлаги “тахта” деб юритилган. Катта коризларда тахта 16 таноб (4 гектар) ва кичик коризларда 6-8 таноб (1,5-2 гектар)га тенг бўлган.

Ҳар йили баҳорда ҳамбозлар ўртасида чек ташлаш йўли билан тахталар тақсимланиб, суғориш навбати белгиланган. Навбат эса ҳафтада бир марта айланган. Одатда кориз суви сутка билан ўлчаниб, нуроталиклар

уни “шаби- рўз”, яъни кеча-кундуз деб аташган. “Шаби-рўз” 96 қорага (оби каройи) тенг бўлиб, вақт билан ҳисобланганда кориздан овдан 15 минутлик сув бир қора ҳисобланган. Ҳар бир тахтанинг ҳакобаси, яъни тегишли суви 48 қора бўлиб, навбат келганда бир кун ёки бир кеча кориз сувининг ҳаммаси шу тахтанинг ҳамбозларига берилган. Кориздан фойдаланувчи ҳар бир деҳқон эса 16 қора сувга ёки коризнинг 4 соатлик сувига эга бўлган. Бу сув наслдан-наслга мерос тарзида ўтиши туфайли ҳар бир деҳқон ўз сувини сотиш ҳуқуқига эга бўлган. Коризнинг суви ниҳоятда қимматбаҳо бўлиб, унинг ҳар қораси ботмон ғалла ёки бош қўй ҳисобида сотилган.

Жумладан: Мاستон коризининг бир қора суви 20-25 бош қўй баҳосида бўлган. Сувнинг ниҳоятда танқислиги ва қимматлигидан Нуратода кимда ким сув сотиб олса, ёки отаси вафот этиб отасининг сувига эга бўлса, кориздан сув ичадиган барча деҳқонларни чакириб “капа” зиёфат берган ва арбоб ҳамда оқсоқолларга тўн кийдирган. Сув сотиб олинганидан сўнг бериладиган зиёфат “ниммарди”, отасининг вафотидан сўнг унинг ҳакобасига (отасига тегишли сувга) эга бўлган ўғил томонидан қилиб бериладиган зиёфат эса “надари мурд” деб аталган. “Ниммарди” ва “надари мурд” каби зиёфатлардан сўнг кориздор жамаога қабул қилинган кишилар - ҳамбозлар қаторидан жой олган.²⁴

Нурота воҳасида ҳам қадим замонларда мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида бўлгани нуроталик заминорлар суғориладиган ерлари ижрага беришганлар. Ўз навбатида ижорадор томонидан ерни ижрага олувчи чоракор қўш, уруғлик, озиқ овқат билан таъминлаган. Хирмон уюлганда эса ҳосил тенг иккига бўлиб олинган.

Нурота воҳасида қадим замонларда деҳқончилик ва у билан боғлиқ анъаналарнинг ривожланиб келганлиги кўрсатиб берувчи йирик суғориш иншооти бу XVI аср меъморчилигини ва ирригация соҳасининг йирик наъмунаси саналган “Абдуллахон банди” сув омборидир.

²⁴ Шавкат Исмолзода. Ўша асар. 31 бет

XVI аср Бухоро тарихчиси Ҳофиз Таниш Мирмуҳаммад ал-Бухорийнинг “Абдулланом” номли қўлёзма асарида ҳикоя қилинишича, Бухоро хони Абдуллахон 1582 йилда Шимолий Қозоғистонга қилган ҳарбий юришидан қайтиб келаётганда Нуротага Жўш қишлоғи яқинидаги Оқчоб манзили орқали ўтган. Бу ерда баҳор ойларида жуда кўп миқдорда сел сувлари тўпланар экан. Аммо бу сувларнинг деҳқончилик учун фойдаси бўлмаган. Сел сувларидан маҳаллий деҳқонларнинг фойдаланиши учун хон Оқчоб дараси оралиғига катта тўғон қуришни буюрган⁵². Шубҳасиз, Оқчоб қишлоғининг аҳолиси деҳқончилик қилиш учун сувнинг танқислиги ҳақида Абдуллахонга арз қилган ва ундан Оқчобсойни тўсиб сув омбори қуришга рухсат беришни илтимос қилган. Шунинг учун ҳам Абдуллахон хонликдаги энг олий мансаблардан бири “оталик” лавозимини ўтаб турган Аҳмадали Найманга банд қурилишида бошчилик қилишни буюрган⁵³. Бироқ қўлёзмада бу қурилишнинг натижаси тўғрисида ҳеч қандай маълумот берилмаган. XIX аср охири ва XX аср бошларида ёзилган “Тарихи Салимий” номли қўлёзмада келтирилган қуйидаги маълумотларга қараганда, иншоот тўла қурилиб битказилган. “Тарихи Салимий”да ёзилишича, баҳорги ёмғир сувларини тўплаш учун Абдуллахон томонидан қурдирилган тўғон икки тоғ оралиғида жойлашган дара ичида тоғ тошлари ва пишиқ ғиштлардан бино қилинган. Иншоотнинг узунлиги беш юз кадам бўлиб, унинг ҳар жой, ҳар жойида сув оқиб чиқадиган темир даҳалари – қовурлари бўлган.²⁵ Тўпланган сув қовурлардан чиқиб Нурота томон оққан. Хуллас юқоридаги қўлёзма асарларда тасвирланишича, XVI асрда Нурота воҳасида қурилган сув омборининг тўғони ўша даврдаги энг улкан ва анчагина мураккаб сув иншоотларидан бўлган.

“Абдулланом” ва “Тарихи Салимий” асарларида қайд этилган XVI аср сув омбори тўғонининг қолдиқлари 1913 йилда Россия деҳқончилик минстирлигининг ерларни яхшилаш бўлими томонидан

²⁵ Мирзо Салимбек. Тарихи Салимий. Тошкент.: Фан, 1997. 45 бет

ташкил этилган Бухоро экспедициясининг иштирокчиси, тупроқшунос Н.А.Димо томонидан топилган. 1957 ва 1962 йилларда у Я.Ғ.Ғуломов бошлиқ Мохондарё археологик отряди томонидан махсус текширилди. Бу қадимги сув иншооти Оқчоб қишлоғи яқинида Нурота тизма тоғларининг жанубий ён бағридан оқиб чиқадиган Бекларсой ичида қурилган. Оқчоб қишлоғи эса Нуротадан 65 км шарқда Урганжи Қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган. Қишлоқнинг шимолий ва шарқий томонлари Нурота тоғ тизмаларига ёндашиб кетган адирларга ва унинг жанубий ҳамда ғарбий томонлари эса, Нурота тоғининг Оқтоғ ва Қоратоғ тизмалари оралиғида ғарбга томон чўзилган Нурота ўрта воҳасининг кенг яйловларига туташган. Оқчоб қишлоғидан адирлар ўша сой қирғоғи бўйлаб юқорига кўтарилган сари унинг соҳиллари баландлашиб, қоятошли дарага айланади. Ушбу даранинг тор ери Ҳофиз Таниш тасвирлаган улкан тўғон билан тўсилган. Бу иншоот маҳаллий аҳоли ўртасида “Абдуллахонбанди” номи билан машҳурдир. “Абдуллахонбанди” тоғ тошларидан сувга чидамли махсус қурилиш қорилмаси билан бино қилинган. Ҳозирги вақтда тўғоннинг учдан икки қисми сақланиб, қачонлардир Бекларсойнинг кучли оқими даранинг сўл қирғоғига туташган жойида унинг учдан бир қисмини таг-туғи билан олиб кетган. Шунга қарамасдан, иншоотнинг сақланиб қолган қисмида олиб борилган археологик текширишлар, тўғоннинг тузилиши, қурилиш материаллари, тўғон олдида вужудга келган сув омборининг катталиги, унга тўпланган сувнинг миқдори ва бошқа масалаларни аниқлаб берди.

Бекларсой дарасининг Абдуллахонбанди ўрнатилган жойининг кенглигига қараганда, тўғоннинг узунлиги “Тарихи Салимий”да кўрсатилганидек, 500 қадам бўлмай, балки асосида 73 м, юқорисида 85 м бўлиб, эни тубида 15,3 м ва устида 4,5 м, баландлиги эса 15 м бўлган²⁶. Бу иншоотнинг олд томони тик кўтарилган ва орқа томони эса, аввалги икки ёдгорликлардагидек, тўғон олдида тўпланган 15 м чуқурликдаги сув

²⁶ Муҳаммаджанов А. Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи. Тошкент.: Фан. 1972. 313 бет

запасининг босим ҳамда иншоотни ағдарувчи кучларига қарши зинапоя шаклида ишланган. Шунинг учун ҳам тўғоннинг асоси юқорисига нисбатан деярли 3,5 баробар қалин қилиб қурилган.

Абдуллахонбанди тўғони бир нечта иншоотлар комплексини ўз ичига олган замонасининг анчагина мураккаб инженерлик типигаги гидротехника иншоотларидан ҳисобланади. Унинг иншоотлар комплекси Бекларсойни тўсиб турган баландлиги 15 м тош тўғон, сув омборидан ортиқча сувларни чиқариб юборадиган сув ташлағич, жамғарилган сувларни вегетация даврида экин ерларига чиқариш учун ишланган олди очик қудуқли дарвоза ҳамда тўғон остидан кўндаланг ўтказилган равоқсимон шаклдаги тоннелдан иборатдир. Шундай қилиб, сув ташлағич иншоотлари тузилиши жиҳатидан XVI аср гидротехника иншооти Хонбанди ва Ғиштбандилардан тубдан фарқ қилган. Абдуллахонбандида пастбаланд ўрнатилган қувурларни деярли учратмаймиз. Улар вазифасини равоқсимон туннель ва олди очик қудуқли икки қават қилиб ишланган сув ташлағич дарвоза бажарган.

Иншоот остидан ўтказилган туннелнинг баландлиги 1 м, эни 50— 60 см ва узунлиги 19,3 м га тенг. Унинг ички оғзи равоқсимон ва ташқариси квадрат шаклда ишланган. Туннель ўз навбатида, тўғоннинг марказидан туширилган чуқурлиги 14 м ва диаметри 2 метрли қудуқ билан туташган. Асосий сув ташлағич дарвоза равоқсимон туннелдан 1 м юқорида ўрнатилиб, эни 50 см, баландлиги 12,5 метрли торгина йўлакни эслатади. Сув оқиб ўтадиган бу тор йўлакча ҳам қудуққа туташтирилган. Туннель ҳавзадаги сув запасининг сатҳи энг пасайган пайтдагина очилиб қолган вақтларда доимо маҳкам беркитиб қўйилган. Сув оқимини бошқарувчи регулятор вазифасини йўлаксимон сифатида ишланган юқоридаги иккичи сув йўли бажарган. Йўлакнинг оғзи ва ўрта белида кенглиги 20см чуқурлиги 10 смли вертикал пазлар ишланган бўлиб, сой сувини ҳавзага дамлаш вақтида уларга тўртбурчакли ғўлалар териб чиқилган. Натижа иншоот

бутунлай беркитилиб, сув боғланган. Тўпганланган сувдан керакли вақтда фойдаланиш учун ғўлалар бирин кетин олиб турилган.

XVI аср гидротехника иншоотларининг сув ташлағич дарвозси конструкциясидан шу нарса маълум бўладики, Абдуллахонбандини қурган мутахассислар дарвозадан катта куч билан ўтадиган оқимнинг иншоотни емирадиган динамик таъсирига қарши мураккаб техникавий масаланини жуда усталик билан еча олганлар. Масалан, катта босим билан тор йўлакдан отилиб кираётган сув қудуқ бўшлиғига кириши билан бир мунча сусайган. Бўшлиқ доира шаклида бўлгани учун оқим диярли қаршиликка учрамасдан доира бўйлаб ҳаракат қилган ва гирдоб ҳосил қилиб, иншоат тубидан ўтган қувир орқали ташқарига оқиб чиққан. Тўғоннинг кўндалангига қувур кесиб ўтган шу қисми орқа томондан 4X4 м катталиқдаги зинопоё қилиб ишланган тирак билан мустаҳкамланган.

Тунелдан оқиб чиқадиган сувни пасайтириб туриш учун тунул оғзидан пазларга ғўлалар тираб қўйилган. Бу пазларнинг кенглиги ва чуқурлиги 20 см бўлган. Ғўлалар шубҳасиз қалқон вазифасини бажарган. Остки равоқсимон тунел эса, ўз навбатида тўғон олдида тўпланган лойқаларни сув омборидан ташқарига чиқариб юбориш учун хизмат қилган. Тўғоннинг ўнг томонида унинг тепасидан кўндалангига кесиб ўтган учин сув ташлағич иншоот эса тўғоннинг ўзига кенглиги ва чуқурлиги 1 метр ариқ шаклида ишланган. Ҳавза сувга тўлиб, унинг сатҳи тўғоннинг юқори дамига кўтарилган вақтида ортиқча сув маъна шу ташлағич орқали ўтиб, тоғ қиялиги билан пастга йўналган ва сой қирғоғи бўйлаб қовланган ариққа оқиб тушган. Шундай қилиб Абдуллахонбанди, Тарихий Салими асарларида ёзилганидек, темир қувурлар эсам, балки тошдан ишланган тоннель, ғўла билан бошқариладиган қудикли дарвоза ва тошқин вақтларда ортиқча сувни оқизиб қўядиган сув ташлағич каби бир нечта иншоотлар комплекси билан

таъминланган ҳақиқий инженерлик асосида қурилган сув омбори ҳисобланади.²⁷

Шундай қилиб, ўрта аср ирригация техникасининг бу ажойиб намунаси инженерлик иншоотлари комплекси жиҳатидан, ҳозирги замон сув омборлари билан деярли бир хилда қурилган.

XVI асрда сув омбори қурилган Бекларсой В.А.Шульц классификацияси бўйича қор ва ёмғир сувларидан тўйинадиган дарёлар типига киради. Бекларсойнинг ҳавзаси унчалик катта бўлмай, у 180 кв.км га тенг. Унинг ўртача кўп йиллик сув сарфи 0,72 м³/секкунтга тенг. Суғоришда фойдаланиш учун мумкин бўлган унинг йиллик оқими 13 млн м³дан ошиқроқдир²⁸.

Маълумки, Бекларсойнинг ўзани дара ичида анча нишаб бўлиб, у ҳар 100 м да 1—1,2 м пасаяди. Шундай бўлса-да, XVI асрда Бекларсой тош тўғон билан тўсилган, иншоот олдида тўпланган сувнинг сатҳи 15 м га кўтарилганда ҳосил бўлган сув омборининг узунлиги 1,5 км гача чўзилган. Кенглиги тўғон олдида 85 м ва сойнинг юқори қисмида 125 м га тенг бўлган. Абдуллахонбанди сув омборига ўрта ҳисобда 1—1,2 млн. м³ сув тўпланган. Иншоотдан қуйида жойлашган Камар, Оқчоб, Урганжи, Равот, Жилонтамғали ва Сойкечар қишлоқлари сув омборига жамғарилган сувдан деҳқончиликда фойдаланилган. XVI асрда аъна шу қишлоқлар атрофида тахминан 1—1,2 минг гектар ер майдони ўзлаштирилган. Тўғоннинг баландлиги ва унинг олдида тўпланган сув запасининг умумий ҳажмига қараб фикр юритганда, бу иншоотни бино қилган XVI аср ирригаторлари Абдуллахонбанди сув омборига Бекларсойнинг йиллик оқимининг фақат 10 процентинигина жамғара олганлар, холос. Бироқ бу ерда шуни айтиб

²⁷ Муҳаммаджанов А. История орошения Бухарского оазиса. Тошкент.: Фан. 1978. 260-262 стр.

²⁸ Текущий архив управления треста совхозов Самаркандской области, Техничко-экономическое обоснование противоэрозионных мероприятий на Акчобсае в совхозе «Кушрабад-2» Нурадинского района Самаркандской области, 1971., кн. I, стр. 19, кн. III, стр. 10—11.

ўтиш керакки, Абдуллахонбанди сув омборини куришда ўрта аср ирригаторлари геологик ва гидрогеологик жиҳатдан Бекларсойнинг энг мустаҳкам ва энг қулай қисмини белгилай олганлар. Буни Бекларсойда янгидан сув омбори барпо қилиш мақсадида кейинги йилларда ўтказилган геологик ва геофизик текширишлар тўла тасдиқлади. Қизиғи шундаки, Абдуллахонбанди тўғонидан қуйида Бекларсой бўйлаб 850 м масофада икки ерда сув омбори куриш мумкин бўлган торгина дара бўлишига қарамасдан, ўтган асрнинг 70-йилларида “Узшпрозем” институтининг лойиҳачилари янги тўғонни XVI аср иншооти устига ўрнатишга мўлжаллаганлар. Бу тасодифий воқеа бўлмай, балки қадимги иншоотдан қуйида Бекларсойни кўндалангига икки ерида ер қобиғининг регионал тектоник ёриғи ўтиб, сув омборига тўпланадиган оқимнинг ер остига сингиб кетиш хавфи билан боғлиқдир. Шунга асосланилса, Абдуллахонбандини бино қилган XVI аср ирригаторлари сув иншоотларини куришда фақат тажриба ва ўз замони учун юқори даражада техника билимига эга бўлибгина қолмай, балки сув оқимининг ҳаракат қонунларини, Бекларсойнинг гидрологиясини ва тўғон қурилган даранинг гидрогеология ва геологиясини ҳам яхши билганлар.

Зарафшон водийсида ўрта асрнинг инженерлик типдаги йирик гидротехника иншоотлари сел сувларини жамғариб, улардан суғоришда фойдаланиш учун сув омборлари бино қилиш суғорма Шарқнинг тоғли ва тоғолди вилоятлари ирригация техникасида қадимдан қўлланилган. Нурота воҳасида Бекларсой дарасида маъна шундай тарихий сув иншоатининг борпо этилиши бунинг ёрқин исботир. Бундай сув иншоотларидан ўрта асрларда шимолий Эрон ва шимолий Афғонистон территорияларида, айниқса, кенг фойдаланилган.

Маъна шундай гидротехника иншоатларининг қурилиши ва улардан фойдаланиш деҳқончилик нечоғлик ривожланганлигидан далолат беради. Нурота воҳасининг шарқий қисмида XVI асрда маъна шундан сув омборини

тўғоннинг қурилиши мазкур ҳудуд қишлоқларида деҳқончиликнинг маъна шу даврда юқори даражада ривожланганлиги кўрасатиб ўтади.

Нурота воҳаси қадимдан нафақат деҳқончилик балки чорвачилик ривожланган ҳудудлардан бири саналган. Воҳа аҳолиси чорвачиликда асосан қорақўлчилик алоҳида этибор қаратган. Нурота қорақўл терилари Бухоро бозорларида ҳамиша аъло саналган. Шунинг учун жуда ҳам харидоргир маҳсулот саналган. Қадимда ҳозирги Қўшробот, Нурота, Пичот, Чуя ҳудудларида чорвачилик кенг ривожланган. Нуроталиклар чорвачиликда сурув чорвачилигига алоҳида этибор қаратишганлар. Нурота воҳаси қадим замонлардан болаб чорвачиликнинг турли соҳалари ривожланиб келган қорақўлчилилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда эришган ютулари самараси маҳсули сифатида Нурота воҳасида етиштирилган маҳсулотлар Жумладан Нурота қорақўл терилари – кўк, сурх ва бошқа турдаги терилар Бухоро бозорларида маълум ва машҳур бўлган. Нуроталик савдогарлардан бири Судур Турсунхўжаев ўз хўжалигида ва воҳа етиштирилган тери маҳсулотлари биландоимий савдо-сотик қилиб борган. Бир гал ҳатто Оренбург бозорларига қадар Бухоро амирлигининг савдо қарвонига бошчилилик қилиб қилиб бориб йирик фойда кўрган.

Нурота туманинг қадимдан чорвачилик учун қулай ҳудудда жойлашганлиги бугунги кунда туман иқтисодий хўжалигида қадимий анъаналардан фойдаланган ҳолда чорвачилик билан шуғулланиш имкониятини бермоқда. Бугунги кунда туманда 4 хўжалик чорвачилик айнан қорақўлчилик билан шуғулланиб келмоқда, туманда 10 ширкат хўжалиги 500 га яқин фермер хўжаликлар мавжуд. Туман захира ер майдонининг 503 минг га еридан фойдаланилади шундан 3,1 минг га ер майдонлари шартли суғориладиган ер майдонлари саналади. Туманда деҳқончилик ишлари асосан лалмикорлик асосида бўлгани учун 16,3 минг га ердан фойдаланилади.

Хуллас, Нурота воҳаси қадимдаги деҳқончилик ва чорвачилик маданияти юксак даража ривожланган ҳудудлардан саналади. Нурота воҳаси аҳолиси қишлоқ ҳўжалида умуман маъна шу соҳада йирик мувоффақийетлар эришган ҳудуд саналади. Мазкур ҳудуднинг суғориш технологияси ва ундан фойдаланиш анъаналари маъна шундай ҳулосага келишга замин яратиб беради.

II.2 Туманнинг иқтисодий тарзи.

Нурота воҳаси қадим замонлардан савдо содиқ ривожланган минтақалардан ҳисобланади. Нурота воҳасидан Ипак йўлининг бир тармоғи бўлган қадимги “Тош йўли” ўтган ва мазкур савдо йўли орқали келган савдо қарвони Нурота шаҳрида тоза ичимлик суви ғамлаш мақсадида тўхтаб ўтган, олиб келган моллари ёрдамида савдони амалга оширган.

Олиб борилган тадқиқот ишлари натижаси аниқланишича Қадимги Буюк Ипак йўлининг катта ҳарбий ва маданий аҳамият касб этган Тош йўли ўтган, кейинчалик бу йўл Хон йўли деб аталган. Бу Тош йўли орқали қарвонлар аввал Бухорога, ундан сўнг Дашти Қипчоққа чиққан. Ўтган асрнинг 60 йилларида Нурота шаҳрида археологик тадқиқотларни олиб борган академик Я.Ғ.Ғуломовнинг фикрига кўра қарвонлар асосан Нурота яқинидаги Пашшот(Нурота шаҳрининг ғарбий қисмида бугунги кунда савдо расталарининг қисман сақланиб қолган) манзилгоҳига келиб тўхташган ва у ерда катта бозор бўлган. Нурота орқали ўтган қадимги Тош йўлини Буюк Ипак йўлининг бир тармоғи деб аташ мумкин.

Тарихий манбаларда келтирилшича Чингизхон Сартоқ шаҳрини олгандан сўнг Нуротага юриш уюштирган. Чингизхон Нуротага туркман

куловузлари(йўлбошчилари)нинг ёрдами билан кирган ва у келган йўл кўп замонларгача «хон йўли» деб атапган.²⁹

1220 йил январ ойида Чингизхоннинг олдинги мунтазам кўшинлари Нуротага яқинлашди. Қалъага ҳужум қилиш учун Тохир Бақодир исмли ё мусулмон, ё турк раҳбарлигида Нурота атрофидаги ўрмонларда узун нарвонлар ясалди. Шаҳар атрофида маҳаллий халқнинг боғлари бўлиб, Нурота аҳолиси баҳор кириб келиши биланоқ ўз чорбоғларига кўчиб боришган. Мўғулларнинг келиши шаҳарликлар учун кутилмаган ҳолат бўлган. Нуроталиклар мўғулларни савдо қарвони деб ўйлаган, хатоларини англаганларида, мўғуллар шаҳарга яқинлашган эди. Мўғуллар нарвонларни отда ва қўлда кўтариб, шаҳар деворига қўйдилар. Тохир Бақодир нуроталикларга: ҳақиқатан ҳам кучли мўғул хони келадир. Агарда шаҳар аҳолиси қаршилик қилмаса, у бир неча кун қолади, - деди. Кўп ўтмай Нурота шаҳри дарвозалари очилди. Мўғуллар шаҳарга кирдилар. Буйруққа мувофиқ шаҳар аҳолиси шаҳардан чиқарилди. Мўғуллар уйларни таладилар. Аммо одамларни ўлдирмадилар. Нурота халқи Чингизхонга 1500 динар солиқ тўлади. Чингизхон Нуротадан сўнг Бухорога кетди. Чингизхон Бухорода кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ваҳшийликларни қилди.

Юқорида келтирилган маълумотдан кўриниб турибдики Нурота шаҳри қадим замонлардан савдо ва ҳарбий аҳамиятга эга бўлган шаҳар ҳисобланган. Нурота шаҳри турли томонлардан тўхтовсиз савдо қарвонлари келиб турган ва мазкур шаҳарда савдо айрибошлашларни амалга оширган.

Нуротага келган қадимий йўл Бухоро-Сартоқ-Вобкент-Шарқ-Тавасис-Кук-Рабати Малик-Кармана-Хазара қишлоғи, Добусия шаҳри олдидаги ҳозирги Қарнаб олдидан шимолга Нурота томонга бурилган.³⁰ Нуротада

²⁹ Ҳерман Вамбери. Бухоро ёхуд Маварауннаҳр тарихи. Нашрга тайёрловчи Сироҷиддин Аҳмад.-Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. 22-бет

³⁰ Хошимов М. Буюк Ипак йўлининг Самарқанд вилоятидаги туристик йўл кўрсатгичи. Самарқанд.: Зарафшон, 2012. 50-бет

қадимдан нуроталиклар ўзлари томонидан яратилган ҳунармандчиликнинг турли наъмуналари, зеб зийнат буюмлари, қурқ ва ҳўл мевалар билан савдо қилишган. Бундан ташқари Нурота қоракўл терилари алоҳида аҳамият касб этган.

Нурота шаҳри ва нуроталикларнинг иқтисодий ҳаётида қадим замонлардан мармар тошлар ва улардан ясалган сангтарошлик санъати намуналари катта аҳамиятга эга бўлган. Қадим замонларда бошлаб Ғозғон мавзейида мавжуд мармар конларидан мармар тошлар қазиб олиб унга қайта ишлов бериб келган. Кон атрофида ва Нурота шаҳрида мармар тошга ишлов берувчи усталар истиқомат қилишган кейинчалик йирик устахоналар вужудга келган. Мазкур ҳудуда яшаган уста ҳунарманд сангтарошлар томонидан ясалган тош қозонлар, тош товоқлар, тош ланганлар кишиларни ҳайратда қолдириб келган. Ҳунармандлар томонидан тайёрланган бундай уй рўзғор буюмлари кундалик турмушда ишлатилиши билан бир қаторда улар савдо-сотикда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган, асосий ўринлардан бирини эгаллаган. Нурота мармарлари қадим замонлардан турли ўлкаларга олиб кетилган. Нурота мармар тошларидан меморчиликда кенг қўлланилган. Маъна шундай наъмуналардан бири Амир Темур даврида Боғишамол қасрининг қурилишида ишлатилган. Бу хусусида Шарафиддин Али Яздийнинг Зафарномасида қуйдаги сатрлар келтириб ўтилган. “... Қасрнинг саҳнига мамар тошлардан ва кўҳи Нурдан келтирилган тошлардан шундай чиройли қилиб ётқизилдики, ақл ҳайрон қолади, уларнинг латофатидан бошдан ҳуш учиб кетади”.³¹

Ғозғон мармари Шарқда Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон, Ироқ, Мисргача, Ғарбда Москва, Тошкент, Санк-Петербург, Киев ва бошқа шаҳарларгача етиб борган. Кўпгина пойтахт шаҳарларнинг метролари – Москва, Тошкент, Санк-Петербург, Киев – Ғозғон мармаридан безатилган.

³¹ Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Тошкент.:1997, 89 - бет

Нурота тош усталрининг донғи ва номи катта дойрадиги шаҳар мамлакатларда маълум. Кўпгина алломаларнинг даҳмалари ҳам Ғозғон мармари билан безатилган.

Бугунги кунда ҳам Нурота тумани иқтисодий салоҳиятида Нурота мармар конларининг ва Нурота мармар ишлаб чиқариш ва қайта ишлов бериш корхоналарининг аҳамияти катта. Мармар ишлаб чиқариш ва қайта ишлашда Республикамизда салмоқли ўринлардан бирини “Ғозғонмармар” акциядорлик жамияти корхонаси эгаллайди. Ундан ташқари “Нурота” мармар ишлаб чиқариш корхонаси, “Нуротаавтойўлмармар” корхонаси томонидан халқимиз истемоли учун ва жаҳон бозори учун етказиб берилаётган сифатли мармар маҳсулотлари ўзининг харидоргирлиги билан ажралиб туради. Бугунги кунда республикамизда мармар ишлаб чиқаришда етакчидик қилаётган корхоналардан бири бу “Нурота” мармар ишлаб чиқариш Ўзбекистон-Италия қўшма корхонаси ҳисобланади. Мармар қазиб олиш ва ишлаб чиқариш туманда 1972 йилдан бошланган. Бўлиб бугунги кунда йили 3,5 млн. м³ мармар қазиб чиқарилади. Нурота мармари 2000 йил Парижда бўлиб ўтган халқаро кўргазмада катта олтин медал билан тағдирланди.

Туманнинг иқтисодий салоҳиятида бундан ташқари “Нурбулоқ” минерал сув қадоклаш корхонаси, “Чашма”, “Истиклол” савдо корхоналари тикувчилик фабрикалари ҳам халқимиз истемоли маҳсулотларини ишлаб чиқариб келмоқда. Тумандаги 700га яқин корхонадан, 551 таси кичик фирма, 75 яқини кичик ва ўрта корхона ҳисобланади. Бундан ташқари 125 яқин хизмат кўрсатиш шаҳобчаси, 200дан зиёд савдо дўконлари ишлаб турибди. Туман ҳудудининг чорвачилик ва деҳқончилик учун қулай минтақада жойлашганлиги унинг иқтисодий ҳаёт тарзида ўз ифодасини топган. Шундай экан қадимдан ривожланган қорақўлчилик ва чорвачилик маҳсулотларидан ишлаб чирилган маҳсулот дунё бозорига чиқарилган. Бугунги кунда Нурота

шаҳрида “Амон ота” фермер хўжалигига қарашли тери ва поябзал ишлаб чиқариш кичик корханаси маъна шундай корхоналар сирасига киради. Мазкур корхона бугунги кунда ишлаб чиқарган маҳсулотлари билан нафақат туман балки вилоятимиз, республикамизнинг бошқа туманларидаги бозорларда ҳам ўз ўрнига эга.

Нурота тумани иқтисодий салоҳиятида маҳаллий ҳунармандлар томонидан яратилаётган касаналик маҳсулотларининг ўзига хос ўрни бор жумладан. Бугунги кунда туманда 30 дан зиёд касаначилик маҳсулотларини ишлаб чиқарилади.

II.3 Маданий ҳаёти

Нурота воҳаси аҳолиси қадимдан ўтроқ аҳоли ҳисобланиб уларнинг ўзига хос маданий ҳаёт тарзи мавжуд. Нурота воҳасида яшовчи турли миллат ва элат вакиллариининг ўзларига хос турмуш тарзи анъаналари боғлиқ турли удум ва анъаналар асрлар давомида шаклланиб келган. Воҳанинг табиий географик шароитидан келиб чиқиб ўзига хос меморчилик анъаналари, диний маросимлар ва урф одатларнинг шаклланиб бориши билан боғлиқ миллий ҳунармандчилик намуналарининг кенг миқёсда ривожланиб бориши билан санъат намуналари шаклланиб борган. Асрлар давомида ўзида халқнинг дарди хасратларини, орзу умидлари намоён этган халқ оғзаки ижоди намуналари бўлмиш дostonлар ва мазкур жанрнинг ижро анъанавий ижрочилари етишиб чиққан.

Нурота воҳасининг меъморчилигида ўзига хос услуб шаклланиб борган. Жумладан диний ибодатхоналар саналган масжидларнинг қурилишида ўзига хосликни кузатиш мумкин. Нуротадаги меъморий ёдгорликлар асосан шайбонийлар даврининг маҳсулидир ва кейинги даврларда яъни манғитлар сулоласи ҳукмронлик қилган вақтда таъмирланган. Маъна шундан меъморчилик намуналардан саналган қадимий меъморий обидалардан бири бу Чилустун жомеъ масжиди саналади.

Нуротанинг “Чашма” мажмуасида жойлашган Чилустун жомеъ масжиди нуроталикларнинг фахри ҳисобланади, Масжид жуда қадимий бўлиб, уни охириги марта Турсунхўжа Эшонхўжаев (Эшони Судур) қурдирган.

Чилустун жомеъ масжидининг ташқи кўриниши квадрат шаклда бўлиб унинг меҳроби ғарбий деворга туташтирилган. Масжиднинг пегатоки анъанавий, шарқона «п» ҳарфи шаклида бўлиб, пегаток ортида бежиримгина минора масжидга салобат бериб туради. Ғўласимон шаклда қурилган минора 5,6 метрдан иборат. Муаззин азон айтадиган азонхонага минора ичидаги айланма зиналардан чиқилади. Масжиднинг курсиси-пойдевори икки қатор мармар плиталардан терилган. Масжид деворлари ичкаридан Гулиганч амалида бир текис сувалган. Масжидга тўртга эшикдан қирилган. Бу эшиклар шарқона услубдаги ҳар хил геометрик шакллар билан безатилган. Қириш дарвозаси мармар устунларга маҳкам ўрнатилган. Ёғочдан ясалган сардари майда безаклар билан тўлдирилган.

Чилустун масжиди Эшони Судур даврида учинчи марта қурилганда унинг бош меъмори бухоролик Мулло Абдушукур бўлган. Масжид биринчи марта IX асрда, иккинчи марта XVI асрда, учинчи марта эса XX аср бошида қурилган. Масжиднинг мармар безаклари ғозғонлик машҳур сангтарошлар Абдурахим ва Абдурасул Турдиевлар ижодига мансуб. Айниқса А.Турдиев томонидан ишланган меҳроб олий санъат асари даражасига кўтарилган. Масжид дарвозалари ва болорларида амалга оширилган ёғоч ўймакорликлари усто Шамс амалидир. Масжид қурилишида маҳаллий устолардан усто Раҳмонқул, усто Хўжа, усто Рустам, усто Қаландар ва бошқалар қатнашган.

Чашма мажмуасида яна бир меъморий ёдгорлик Панжвақта - Катта Гумбаз масжидидир. Масжид XVI асрда Абдуллахон даврида қурилган. Масжид ёнидаги ғўласимон баланд минорали азонхона сақланиб қолмаган. Масжид икки томонлама айвонли бўлиб, айвондаги меҳробнинг гулдор кошнлари ва ҳошиядор нақшлари билиниб турибди. Кексаларнинг

айтишларича, масжид асли нимранг, оқ, мовий ранг ва қора фонга ишланган хаворанг ва оқ мозаикалар билан безатилган. Булардан фақат гумбаз ичидаги геометрик ҳошиялар сақланиб турибди.

Қиблага қараган масжид меҳробининг иккала томонидаги чиллахона 1994 йилда тикланган. Масжид ўзининг чиллахонаси борлиги билан бошқа масжидлардан ажралиб туради.

Ўрта Осиёга арабларнинг кириб келиши билан Ислом дини ва ислом маданиятини олиб киришган. Нурота воҳасида ислом динининг кенг ёйилиши билан Нуротада масжидлар куриб борилган. Қадимда Нурота Ислом дини тарқалиши ҳудуд аҳолиси ислом дини этиқод қилиши ҳамда Нурота шахрини ислом дини марказларидан бири деб билишган. Жумладан, Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарида, “Нур катта жой. Унда жомеъ бор; у кўпгина работларга эга. Бухоро ва бошқа жойларнинг одамлари ҳар йили зиёрат учун у ерга борадилар. Бухоро аҳолиси бу ишда кўп муболаға қиладилар; Нур зиёратига борган киши ҳаж қилган [кишининг] фазилатига эга бўлади; у зиёратдан қайтиб келганида табаррук жойдан келганлиги сабабли шаҳарни ҳавоза банд қилиб безатадилар. Бу Нурни бошқа вилоятларда Нури Бухоро деб атайдилар. Тобеинлардан кўп кишилар у ерга дафн этилганлар, Худо уларнинг ҳаммаларидан то қиёматгача рози бўлсин³²” каби сатрлар келтирилган. Наршахий IX-X асрларда яшаб ўтганлигини назарда тутадиган бўлсак ва унинг бу ҳудуд ҳақида ўша даврда маълумотлар ёзиб қолдирилганлигини ҳисобга олсак, у ҳолда Нурота қадимдан ислом дини тарқалган ва ислом маданиятининг ўчоқларидан бўлганлигига шак-шубҳа қолмайди. Ўша даврда ҳам бу маскан зиёратчилар ташриф буюрадиган қадамжо бўлган.

XX асрнинг бошларида Нурота шаҳарда 32 та масжид бор бўлган. Нуротанинг 4 гузарининг ҳар бирида 7-8 тадан масжид бўлган. Кўпинча Нуротадаги масжидлар ўзларидан қадимийроқ ёдгорликлар устига бунёд

³² Наршахий. Бухоро тарихи. Форс-тожик тилидан А. Расулов таржимаси. -Т.: Фан, 1966. 20-бет

этилган. Эскирган, бузилиб кетган масжид ўрнига янгиси қурилгач, масжиднинг эски номи эса сақланиб қолган. XX аср бошларида Нуротада қуйидаги масжидлар фаолият кўрсатган:

Арабгузарда Саййидато масжиди, Чуқурак масжиди, Масжиди сафед, Шакарак масжиди, Баргсўз масжиди, Ҳовузак масжиди;

Ўртагузарда

Домалла масжиди, Калта кўча масжиди, Турко масжиди, Содик масжиди, Қулмахмад масжиди, Мазори чилла масжиди, Будук масжиди;

Миришкорда

Дуоба масжиди, Достой масжиди, Луччак масжиди, Осиёбаланд масжиди, Миришкор масжиди;

Работтўлгонда

Қўрғон масжиди, Етимча масжиди, Дашт масжиди, Хўжа масжиди, Авез Хўжа масжиди, Сариосиё масжиди, Работтурғон масжиди, Лўла масжиди;

Бу даврда Нуротада масжидларнинг кўплиги қадимда халқимизнинг исломий маданияти юқори, эътиқоди мустаҳкам бўлганлигининг нишонасидир. Нурота масжидлари ахлоқ-одоб, нокиз ақл, имон ва меҳнатсеварлик каби инсоний фазилатларни шакллантиришда халқ орасида муҳим рол ўйнайди.

Нурота воҳаси маданий ҳаётида халқ оғзаки ижодининг ўрни катта ҳисобланади. Нурота воҳаси қадимдан халқ оғзаки ижодининг ёрқин намунаси бўлган дostonчилик мактаби шаклланган ҳудудлардан саналади. Нурота туманинг шимолдан Қизилқум бўйлаб Қизилтепа, Конимех туманларигача бўлган ҳудудларида етишиб чиққан дostonчилар гуриҳи Қурбон баҳши, Ашур баҳши, Исиргап баҳши, Бекмурод Жўрабой ўғли, Саидмурод паноҳ ўғли, Қурбон Наврўзов, Турсун Шеров, Маъмур Эрматов, Файзи Нажмиддинов каби ўнлаб ижодкорлар маъна шу мактабга мансуб бўлиб нафақат Нурота балки қўшни туманлар аҳолисига хизмат қилиб

келган. Бу мактабнинг сўнги таландли вакиллари Саидмурод паноҳ ўғли ва Бекмурод Жўробой ўғлидан “Алпомиш”, “Одилхон”, “Кунтуғмиш”, “Гўрўғлининг Қримга бориши”, “Авазхон”, “Маликаи айёр” каби дostonлар ёзиб олинган ва нашр этилган. Бу бахшилар репуртуарида бошқа худудларда тарқалмаган “Сармонхон”, “Аҳмадхон”, “Чўпон қизи”, “Мастон кампир” каби дostonлар ҳам бўлган. Аммо бу дostonлар ўз вақтида ёзиб олинмаган. Бу бахшилар Гўрўғли туркуми дostonларини 64 дoston қилиб куйлаганлар.³³ Шунинг Нурота туман худудидаги қорақолпоқ ва қозоқ халқлари орасида XX асрнинг бошларида изчил дostonчилик анъаналари давом этган. Бу анъаналарнинг Нурота дostonчилик мактаби вакиллари таъсири сезиларли бўлган. Бу ўз навбатида ижро усулларида яққол кўзга ташланган.

Халқ дostonлари алоҳида маҳорат билан куйланган ва бу мараказлар шу худуд номи билан мактаб сифатида аталган. Ҳозирги кунда ўзбек фалқулоршунослигида Булунғур, Қўрғон, Шаҳрисабз, Қамай, Шеробод, Жанубий Тожикистон, Хоразм каби поетик дostonчилик мактаблари – бахшичилик санъатининг ажойиб марказлари аниқланган.³⁴

Маъна шундай йирик мактаблардан бири бўлган Қўрғон бахшичилик мактаби асосчиси Эргаш Жуманбулбул ўғли саналади. Эргаш Жуманбулбул ўғли 1868 йил Нурота туманига қарашли Қўрғон қишлоғида туғилган. Қўрғон бахшичилик мактабнинг асосчилари Эргаш шоирнинг авлод аجدодлари саналади. Эргаш Жуманбул ўғли Нурота воҳасидан етишиб чиққан йирик бахшилардан ҳисобланади.

Нурота воҳаси моддий маданияти ўзига хос ривожланиш босқичини босиб ўтган моддий маданиятлар сирасига киради. Мазкур воҳа аҳолиси турмуш тарзи урф одатлари, диний этидоқоди ҳамда меморчилигида, кундалик турмушида мазкур ҳолатнинг ўзининг ёрқин ифодасини топган.

³³ Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репуртуари, Тошкент.: 1979. 120-бет

³⁴ Иномов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзики поетик ижоди. Т.: Ўқитувчи, 1990.236-бет

III БОБ

НУРОТА ВОҲАСИНИНГ ЭТНОГРАФИЯСИ.

III.1 Нуротадаги урф-одат ва маросимлар

Қадим ўтмишда Нурота Ўрта Осиё тарихий-маданий вилоятларидан бири бўлган Суғдиёна манзилгоҳларидан ҳисобланади, Нурота тизма тоғлари ғоят бой ва серунум бўлиб, воҳани Қизилқумдан эсадиган иссиқ шамолдан тўсиб турган. Ўтмишда Суғдиёнага икки томондан кирилган. Бири Жиззах яқинидаги Темур дарвоза бўлса (баъзи манбаларда Илонўтти), иккинчиси Нур бўлган.

Зардуштийлик динида оловга ҳар қандай гуноҳлардан тозаловчи восита деб қаралган. Зардуштийлар хайит ва бошқа маросимларни ўтказиш учун доимо ўт ёниб турадиган оташкада, яъни оташхоналарда тўпланишган. Ушбу байрамларда улар ун, ёғ, шакардан тайёрланган овқат - холвайтар еганлар. Қадимги Нуротанинг аҳолиси учун асосий емак бўлган холвайтар ҳозир ҳам энг тансиқ таом саналади, ҳаттоки авлоддан авлодга ўтиб келаётган “холвачихо” уруғи бу нозик санъатни ҳозиргача давом эттириб келишади. Олов ёқиб алас қилиш, тутатки тутатиб исирик билан одамга, мол – холга, гўдакка ем қилиш, афсунгарлик усулларида фойдаланиш, рухларни чакириб, маълум мақсад йўлида хизмат қилдириш, ем қилиш одатларини ҳали-ҳамон нуроталиклар орасида учратиш мумкин. Нуроталиклар чақалоқни бешикка белаганда албатта исирик тутатиб зарарли микробларни ҳайдайдилар, янги қурилган иморатларга унинг шохчасини илиб қўядилар. Оташ, иссиқлик таъсири билан зарарли кушандаларни йўқотиш маросимлари мавжуд. «Авесто»да оташ покловчи ва офатни кетказувчи восита ҳисобланган. У билан ҳатто кийим - кечакларни ҳам зарарсизлантириш мумкин. Нурота аҳолиси турли маросимларда шам ёқиб қўйиш, тўйларда гулхан (кишда манкалдонда) ёқиб унинг атрофида базм

қилиш, келинни гулхан атрофида уч марта айлантериш каби анъаналарни ҳозирги кунгача сақлаб келадилар.

Нурота аҳолиси қўй, қорамол сўйиб қони оқизилган жойни тозаллаб, ўша жойга олов ёкиб поклайдилар. Шунингдек, нуроталиклар ер, сув, замин, хона, бадан, кийим-кечак, озиқ-овқатларни тоза тутишга алоҳида эътибор берадилар.

Нуротада яхши сақланиб қолган маросимлардан яна бири мушкулкушод ўқитишдир. Бу маросимнинг асл моҳияти меҳнатни, ҳалолликни тарғиб қилишдир. Ушбу маросимда дастурхон ёзилиб, қора чироқ ёкиб қўйилади. Дастурхонга нон, майиз қўйилади. Отинбиби томонидан бир чол ва унинг етти фарзанди, чолнинг тоғдан ўтин териб етти фарзандини улғайтириб, ҳалол меҳнати эвазига уларни уйли - жойли қилганлиги ҳақидаги ибратли ҳикоят ўқилади.

Ўрта Осиё халқларининг миллий байрами ҳисобланган Наврўзнинг тарихи ҳам исломга қадар мавжуд бўлган зардуштийларнинг анъанавий янги йил байрамидир. Наврўз байрамининг кўҳналиги ҳақида Беруний, Умар Хайём, Маҳмуд Қошғарий каби алломалар қимматли маълумотларни ёзиб қолдиришган.

Қуёшнинг ҳамал буржига кириши, кеча билан кундузнинг баробар келиши йил боши ҳисобланган. Бу эски қуёш йили ҳисобида фарвардин ойининг аввалига, 21 март, кеча билан кундузнинг тенглашган вақти ва кундузнинг узая бошлаши, табиатда жонланиш, баҳорнинг бошланиш даврига тўғри келган.

Наврўз байрамида ҳар хил таомлар пиширилган, уй - жойлар тозаланган, яқин кишилар билан дийдорлашилган, зиёратга борилган.

Наврўзнинг энг анъанавий таоми сумалак бўлиб, ривоят қилишларича сумалак пиширилаётганда арши аълодан «сиймалак», яъни ўттиз малак тушар эмиш. Наврўз Нуротанинг қалъа майдони-тўпхонада азалдан байрам қилинган, Нурота беги байрамни қалъадан туриб томоша қилган. Чунки шу

ердан далаларга қўш чиқарилган, бугдой экишга киришилган. Нуроталикларнинг исломга қадар бўлган байрамлари орасида баҳор фаслида, Наврўзга атаб ўтказилган табиатнинг гўзал неъматлари - гулга бағишланган “Сайли гули сурх” байрами алоҳида ўрин тутган. Бу байрамда ҳаммаёқ анвойи гуллар билан безатилган. Шаҳардаги ҳунармандлар чашма атрофи ва бозор - жой яқинидаги расталарга ўз молларини чиқарган. Қалъа ортидаги тўйхонада Наврўзнинг “Гули сурх” сайли бўлган. Қиз - жувонлар тўпхонадан нарироқдаги “Кўҳи духтарон” деган қирда байрам килишган.

Қадимги даврларда халқимизнинг маънавий ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган диний эътиқодлар, байрам ва маъросимлар ханузгача яхши ўрганилмаган, Диний тасаввур ва эътиқодлар Ўрта Осиё ҳудудларида яшаган қадимги аجدодларимизга хос бўлган. Ибтидоий тузум кишилари табиатни жонли тарзда тасаввур қилишган. Улар ўзларида содир бўладиган рухий кечинмаларни табиатга хос ҳолат деб билишган.

Ҳозир ҳам нуроталиклар жинлар ва ёмон арвоҳлар келтирувчи зарарларни даф этиш учун ис чиқаришади. Ис чиқариш одатда арафа кунлари, тўй тантаналари олдида, баҳорги, кузги ер ҳайдашдан аввал амалга оширилади ва бузмук (бўғирсоқ), қатлама пишириб тарқатилади. Улар қиздирилган ёғ ҳиди уйдан инс - жинлар келтирадиган хавф-хатар сабабчисини қувиб, авлодлар ҳомийси бўлмиш ота - боболари арвоҳини чақиради, деб билишади.

Бу тўғрида Беруний ҳам ўзининг “Қадимги халқлардан қолган ёдгирликлар” китобида айтиб ўтади. Германиялик файласуф Фридрих Ницше XIX аср охирида Эронга сафар қилади. У Язд шаҳрида истиқомат қилаётган зардуштийлар билан учрашади ва уларнинг урф-одатлари билан танишади. Файласуф ўз юртига қайтаркан, зардуштийларнинг диний белгиси учлари қайрилган қўшув аломатига ўхшаш свастикани олиб келади ва ҳамюртларига бу олий ирқ белгиси эканлигини тушунтиради. Ўрта Осиё ва

Эронга ислом дини кириб келгач, исломни қабул қилишни истамаган зардуштийларнинг бир қисми Ҳиндистонга кўчиб кетади...

Нуротада чашма соҳилида қурилган “Панжвақта” масжиди меҳроби атрофида зардуштийларнинг диний белгиси бўлган ушбу свастикадан қирқ донаси бир-бирига туташтирилиб чизиб қўйилган.³⁵ Шу ўринда бир мулоҳаза туғилади. Эҳтимол “Панжвақта” масжиди ўрнида аввал зардуштийларнинг оташкадаси бўлиб, кейинчалик ислом даврида у масжидга айлантирилгандир. Масжид меҳроби пештоқидаги қирқта свастикага мазмунан боғлиқ “чиллахона” (чихил - қирқ) ҳам борлиги оташкадалар ҳузурида маҳсус шифохонлар бўлганлигидан нишона эмасмикин. Чунки “Авесто”нинг барча қисмларида, хусусан, Вендидатда касалликлар таснифи, беморларни даволаш усуллари, доривор ўсимликлар, табобат амалиёти, табиблар, уларнинг бурч ва вазифалари ҳақидаги ҳамон ўз қимматини йўқотмаган маслаҳатлар берилган. Умуман, кўхна Шарқ нафақат тарихий, маданий, балки, инсоният тиббий қарашларининг ҳам қадимий ўчоғи эканлигини “Авесто”даги далиллар исботлайди.

Халқимиз орасида кенг тарқалган қадимий одатлардан яна бири турли хил дуолар бўйнига осиб юриладиган ёки кийимларга тикиб қадаладиган уч бурчак, узунчоқ тумор ва раднома сақлаб юриш одатидир. Ҳозир бу одат исломий одатлар билан уйғунлашиб кетган. Ундан ташқари кулоққа, кийимга, дўппига кўзмунчоқ тақиш ҳам исломга қадар яшаган аجدодларимиз одатларидан биридир. Нурота халқи уй ҳайвонларига, хусусан ит сақлашга эътибор берадилар. Диярли ҳар бир хонадонда бир ёки иккитадан ит сақланади.

Қадимги Нурота аҳолиси турли усуллар орқали маълум нарсалар ёрдамида табиатга таъсир қилиш, шу йўл билан кўзланган мақсадларга эришиш мумкинлигига ишонишган. Масалан, Нуротада қадимдан баҳорги (баҳорикори), кузги (тирамойи) буғдой экилган. Баъзи йилларда ёғин-сочин

³⁵ Шавкат Исмоилзода. Ўша асар. 56- бет

кам бўлиб, йил қурғоқчил келса ҳосил бўлмаган. Шу йилларда нуроталиклар ёмғирни чақириш учун ҳар бир хонадондан оз-оздан ун йиғиб чиққанлар ва йиғилишиб қочи пиширганлар, уни тановул қилгач, коса-товоқларнинг ювиндисини тарновдан оқизганлар ва шундан сўнг ёмғир ёғишига ишонганлар. Нуротада деҳқончиликка оид халқ қўшиқлари ва маросимлари сақланиб қолган.

Инсоният цивилизацияси илк ўчоқларининг вужудга келиши ва ривожланишида деҳқончилик маданияти муҳим омил бўлган. Деҳқончилик тарихини ўрганиш тарихни босқичларида маҳаллий аҳолининг ижтимоий – иқтисодий ишлаб чиқариш кучлари ривожланишини, хўжалик юритиш маданиятининг ўзига хос хусусиятлари, суғорма деҳқончилигининг шаклланиши ва ривожланиш босқичларини ҳамда у билан бўлган жараёнларни илмий асосли таҳлил қилиш ғоят муҳимдир. Қадимги деҳқончилик маданияти, анъанавий деҳқончилик хўжалиги ва у билан боғлиқ маросимлар ҳамда аграр соҳа тарихчи, археолог олимлар доимо долзарб қизиқарли муаммолардан бири бўлиб келган ва бу борада республикаимизнинг қадимий деҳқончилик ва чорвачилик воҳаларидан бири бўлган Нурота воҳаси ўзига хос деҳқончилик маданияти билан беназир ҳисобланади. Деҳқончилик ишларини юритиш бўйича азалий тажрибага эга бўлган.

Нурота ўрта воҳаси қишлоқларида ўтроқ ҳолда яшаб келаётган, ўзбек, тожик маҳаллий аҳолисининг деҳқончилик билан боғлиқ қарашлари тарихий тажрибалари ҳақида ва деҳқончилик билан маросимлари хусусида мулоҳаза юритишни истадик. Ўрта Осиёнинг бошқа халқлари қатори Нурота воҳаси аҳолиси ҳам баҳорги деҳқончилик юмушларини маҳаллий тақвим(маҳаллий халқ орасида бугунги кунга қадар сақланиб қолган “Қамарий” (ой тақвими)га кўра янги йил қуёшнинг балиқ (хут) буржидан қуй (ҳамал) юлдузлар туркумига ўтган вақтдан бошлаганлар. Ҳозирги амалдаги календари бўйича бу 22 мартдан бошланиб 21 апрелгача давом етган. Деҳқонлар тақвимидаги

биринчи ой – ҳамалда кунлар анча илиб, ўт – ўланлар жонланиб қолади ва бу ой деҳқончилик ишларига тўла давр ҳисобланади. Шунинг учун “Ҳамал кирди, амал кирди” дейилади. Ушбу ойни ўзига хос иқлими, об-ҳавоси ва бошқа ҳислатлари ҳақида узоқ кузатишлар, тажрибалар асосида пайдо бўлган халқона қарашлар, мақоллар ва ўғитлардан деҳқон, боғбон, чорвадор кенг фойдаланганлар. Деҳқонлар хут (19 феврал -21 март) ойиданок дала ишларини қизитиб юборадилар. Далага биринчи қўш чиқарилади йил боши қилиб яхши бўлиши учун расм – русумлар қилади. Улар етилган ерларга қўш чиқариб ишлов берганлар, ўғит чиқариб – култепаларни, ариқларни тозалаб сув чиқарганлар натижада ернинг ҳосилдорлиги яхши бўлган. Нурота воҳасининг барча қишлоқларида баҳорги ишлар олдида масжид ёки мазорлар яқинида “худойи” қилинади. Бу маросим кўпинча март ойи бошларида кекса деҳқонлар, чорвадорлар, оқсоқоллар бошчилигида ўтказилган. Олдинлари ҳар бир хонадон имкониятига кўра сутли ёки оилалардан буғдой озиқ – овқат маҳсулотлари йиғилган бўлса, кейинчалик пул ҳам қўшиб йиғилган. Тўпланган пулга бозордан бузоқ ёки қўй сотиб олиниб, қурбонлик учун сўйилган ва гўштидан ҳалим пиширганлар(бундай ҳолат асосан Нурота ва унга яқин ҳудудларда кузатилган). Таом тайёрлагунга қадар қишлоқ еркаклари уч–тўрт гуруҳга бўлиниб, қишлоқ ариқларини тозалаганлар. Тушлик вақтида ҳамма тўплангач “худойи” учун тайёрланган таом танавул қилинган. Маросим айрим сабаблар уйларига насиба тарзида таомдан бериб юборилган. Тушликдан сўнг қишлоқ рухонийси қуръон оятларидан тиловат қилган ва оқсоқоллар ушбу худойи савобини “ўтганларнинг” руҳларига баҳшида этишиб келаётган йил ҳосиятли, баракали бўлишини ҳамда деҳқончиликда мўл ҳосил олиш ва амалга ошириш учун худодан мадад сўраганлар. Воҳанинг асосий йирик аҳоли яшаш пунктлари ҳисобланган Нурота, Жарма, Чуя, Попаной, Сойкечар, Тўра, Оқмачит, Жўш қишлоқларида деҳқонлар асосан ерга ишлов бериш ишларини эртароқ бажаришга ҳаракат қилганлар. Чунки ер баҳорда шудгор қилинса

кесаклари эзилмасдан, йил бўйи деҳқонларга қийинчилик туғдиради деган тасаввур бўлган. Шунинг учун улар амал қилган “Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда” мақолида жуда катта маъно бор албатта. Кузда ерни ҳайдасанг, қор – ёмғирлардаги ер дам олади ва яхшилаб озикланиб мулойим бўлиб баҳорга экишга тайёр бўлиб туради. Бу ерда яна бир нарсани айтиш жоизки, баҳорги ерни ҳайдов мавсуми март ойи охиридан бошланган. Шу билан деҳқонларни баҳорги ҳайдов ва ерга уруғ қадаш билан боғлиқ бўлган “Далага қўш чиқариш”, “Шохмойлар”, “Экин сайли”, “Қўш оши” каби маросимларни ўтказганлар. Маросимлар кўпинча омадли, ҳосиятли ҳисобланган. Наврўз кунлари ерни ҳайдаш арафасида қатлама, бўғирсоқ, сузма каби таомлар пиширилиб, урф – одатларни қилганлар. Ёғ олиб хўкизларни шоҳларини мойлаганлар буни кексалар хўкизни шоҳлари бақувват, хўкизларни ўзи эса чарчамайдиган бўлар экан дейдилар. Нуротанинг айрим қишлоқларида эса қурғоқчилик йиллари деҳқонлар турли хайри – ҳудойилар ўтказганлар ва турли – туман расм – русумларни бажарганлар. Умуман олганда “Қўш чиқариш”, “Шох мойлар”, “Қўш оши” номлари билан айтилувчи маросимлар деҳқонларнинг янги йилдаги биринчи иш куни бўлиб, иложи борича хурсандчилик билан кутиб олишга ҳаракат қилинган. Бу азалдан зардуштийларнинг янги йил қандай кутиб олинса, йил бўйи ўша кайфият ҳамроҳ бўлади, деган қарашларнинг бир кўриниши ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда Нурота воҳасининг йирик қишлоқларидан бўлган; Нурота, Жўш, Қуштамали, Тоз, Чуя, Оқула, Сойкечар қишлоқларининг маҳаллий халқларининг анъанавий деҳқончилик маросимлари уларнинг ўзига хос маданиятга эга бўлганлигидан далолат беради. Деҳқончилик билан боғлиқ миллий урф – одатларда нафақат хўжалик юритиш анъаналари, турмуш тарзи, этник тарихи, урф – одатлари, диний қарашлари, халқимизнинг азалдан ўтроқ деҳқончилик, чорвачилик, боғдорчилик маданиятлари ўз аксини топади. Улуғ аجدодларимиздан мерос

бўлиб келаётган турли урф – одатлар ва расм – русумлар авлодлар томонидан қадрланаётганлиги қувонарли ҳолдир.

Нуроталикларнинг энг улуғ маъросимларидан бири тўйлар саналади ва бу тўйлар ўзгача руҳда ўтади. Нуроталикларнинг тўй маъросимлар билан боғлиқ урф одатлари мавжуд. Жумладан мамлакатимиз бошқа ҳудудлари сингари нуроталикларда тўйга тўёна билан бориш урф-одат ва анъана тусига кириб қолган. Ўзбек халқи қадимдан тўйга тўёна билан борган. Тўёна - тўйга, тўй эгасига совға-салом билан бориш дегани. Баъзи вилоятларимизда одатни тўёна эмас, қўшан (қўшиш) деб ҳам юритилади. Тўй бўлаётган хонадонга қариндош-уруғлар, дўст биродарлар якка-якка, баъзан гуруҳ-гуруҳ, жамоа бўлиб, ишхона, хизматдошлар вакиллари бир бўлиб, турли совға-салом қилишлари мумкин.

Тўёна қилиш қадим замонларда тўйга, ҳўқиз, қўй келтириш мисолида бўлган. Унинг миқдори ҳам тўй эгасининг ва тўёначининг моддий имкониятлари, иқтисодий-моддий маъқеи, даражасига ва албатта, замонга қараб бўлган. Никоҳ қадимдан поклик рамзи бўлиб, қизлар бокиралиги зилол сувга қиёсланиши ва қадрланиши бежиз эмас. Никоҳ минг-минг йиллар илгари ҳаёт тақозоси ва турмуш тажрибалари асосида келиб чиққан. Вақт ўтиши билан оила мустаҳкамлигининг шартларидан бирига, Шарқ турмуш маданиятининг юксак белгисига айланган.

Анъанавий урф-одат ва иримлар нафақат хурсандчилик ва шодиёналик бўлибгина қолмай, балки муайян мақсадга қаратилган сеҳргарлик тусидаги расм-русумлардан ҳам иборат. Масалан ҳозиргача кўпгина тўйлар ўтказиладиган одатлардан қудаларга оқ ўратиш, тўққиз тортар, келин-куёвга, қуд ва қавму қариндошларга фалон сидра сарпо қилиш, дастурхонга солинадиган нон патирларнинг сони, исирик тутатиш, келиннинг олов атрофида айлантирилиши, куёв тиззасига ўғил болани ўтказиш, келин-куёв устига пул-чақа ва ширинликлар сочиш, уларни кўзгуга қаратиш ва тухум егизмоқ кабилар гарчи ўз моҳиятини юқотсада, қадимдан

муайян сехргарлик мақсадида ўтказилиб келинаётган иримлардир. Нуроталиклар халққа катта ош бергач, никоҳ базми, қавму қариндошлар иштирокида алоҳида ўтказилади.

Тўй маросими ҳамиша шод-хуррамлик, ёшлик, гўзаллик, келажакка яхши умид ва эзгу орзулар рамзи сифатида ўтказиладиган ажойиб оилавий байрамдир. Ғоят гўзал бўлган бу маросим барча хилдаги халқ санъати, ашула, рақс билан ўтказилади. У аслида, асрлар оша синовдан ўтган, моҳияти чуқур ўйланган, миллий асосда нишонланадиган маросим ҳисобланади, ҳар бир даврда такомиллашиб, муттасил бойиб келган.

Нуроталикларнинг тўйларида келинни тушириб олиш маросими айниқса кизиқарлидир. Қадимий аجدодларимиз ўт-оловга сиғингани боис, отда, тоға етакловида келган келинни куёв бола отдан тушириб, дарвоза олдида ёқиб қўйилган катта гулхан атрофида уч бора айлантириб, сўнгра чимилдиққача олиб кирган. Бу билан аجدодларимиз янги оилани олов тафтида ҳар хил инс-жинслардан, ёмон кўзлардан тозалаган.

III.2 Тўй байрам ва бошқа хашам маъросимлари

Ҳанузгача ўрганилмай келинаётган ўзбек халқ байрамлари узоқ ва бой тарихга эга. Агар тарихчи-маданиятшунос олимлар “байрам инсон билан бирга пайдо бўлган ва ривожланган” деган фикрларига таянсақ, байрамлар куртакларини энг қадимий полеолит давридан, яъни Ўрта Осиё одамзоти пайдо бўла бошлаган - 500 минг йил аввалги вақтдан изласа бўлади. Бу ярим миллион йил доирасидаги инсон ҳаёти, маданияти, одатлари жиддий тадқиқотларни кутмоқда. Биз эса, ҳозиргача кейинги 3 минг йиллик давр ичидаги маҳаллий халқларнинг байрам ва бошқа маъросимлари ҳақида сўз юритмоқчимиз. Бунинг учун аввало, қадимдан Ўрта Осиёда яшаган аجدодларимиз – сак, массагет, бактрийлар, суғдлар, хоразмийлар байрамлари ва сўнгра ўрта асрлар ва инқилобгача тарихий ривожланиб келган ўзбек халқи байрамларининг Нурота воҳаси учрайдиган турларига мурожаат

килишимиз мумкин. Шунини таъкидлаш керакки, тарихга қанчалик чуқур кириб бораверсак, шунчалик тарихий манбаларнинг камайиб кетаётганлигини сезамиз. Шу сабабли ибтидоий давр байрамларни асосан археологик қазилмалар ва топилмалар берган маълумотларни қиёсий-тарихий типологик таҳлил қилиш билан ўрганишга, сақланиб қолган тарихий абадий ва бошқа манбалар асосида тадқиқ қилиш зарур.³⁶

Инсониятнинг маданийлашуви негизида жамиятнинг илк бошланғич асоси - оила ва унинг пайдо бўлишига асос - тўй маросими вужудга келган. Маросим инсоният маданиятининг энг муҳим шаклларида бири бўлиши билан бир қаторда уни ривожлантирадиган самарали восита ҳисобланади. Маросим халқ санъати ва маданияти шакллари орасида энг улкан аудиторияни ўзига жалб қиладиган оммавий-тадбир ҳисобланади. Инсониятга сихат – саломатлик тилаш, уни турмушда тўкин – сочинлик, кундалик ҳаётида омад келтириш ёки инсон ҳаётининг муҳим нуқталарини қайд этиш, нишонлаш мақсадида махсус ўтказиладиган, халқ орасида қатъий анъанага кириб қолган ҳатти – ҳаракатлар мажмуидан иборат ҳолда ташкил топган тадбир маросим дейилади.³⁷

Ўрта асрлардан тарихий тараққиётнинг янги босқичи бошланди. Ижтимоий – сиёсий, маданий – маърифий, манавий – диний ҳаётда, жумладан, байрамларни ўтказишда ҳам жиддий ўзгаришлар вужудга келди. Бу даврга келиб, халқнинг табиий – ҳаётий эҳтиёжи асосида пайдо бўлган қадимий байрамлар жиддий қаршилиқка учраб ҳаётда ўз мавқеини сақлаб қолиш учун курашди. Чунки айни пайтда Марказий Осиё халқлари ҳаётида ислом дини билан бирга, унга хос байрамлар кириб келди. Шунингдек, давлатчилик ривожи натижасида мамлакат ва унинг раҳбарлари ҳаёти билан боғлиқ маросим ва байрамлар ўтказиш анъанаси кучайди.

³⁶ Қорабоев У. Ўзбекистон байрамлари. Тошкент.: 1991, 6-7 бетлар

³⁷ Сафаров О. Ўзбекистон халқлари этнографияси ва фольклори. Тошкент.: «Ўқитувчи» НМИУ., 2007, 112-бет.

Илк ўрта асрларда вужудга келган янги сиёсий – диний муҳит қадимий маҳаллий байрамлар тараққиётига ўз таъсирини кўрсатди. Исломни тарғиб қилувчи дин арбоблари мажусийлик, зардуштийлик, буддавийлик билан боғлиқ байрамлар, маросимлар, одатларга қарши кураш олиб боришган. Маҳаллий аҳолининг табиат билан бевосита боғланган байрамларга эҳтиёжи кучли бўлганлиги боис Наврўз, Сада, Меҳржон каби байрамлар сақланиб қолган.

Ислом арбоблари “Наврўз” байрамини тақиқлашга кўплаб уринишлар олиб боришганлар. Бу байрам кишиларнинг озодликка интилишини кучайтириши, уларни бирлаштириши мумкин, деб ҳавотир олишган. Шунинг учун “Наврўз” истилочилар саройларида, амалдорлар ва дин раҳнамолари давраларида расмий байрам сифатида нишонланмаган. Лекин бу таъзийқа қарамай “Наврўз” халқ орасида байрам қилинаверган. Шу боисдан айрим шоҳлар ва амирлар кейинги асрларда ўзини халқпарвар кўрсатиш мақсадида “Наврўз” ни байрам сифатида нишонланишига мажбур бўлган.

Наврўз билан боғлиқ жуда кўп урф-одатлар ва анъаналар ҳамда ўйинлар мавжуд. Турк хотинларининг иши кечалари (яъни, сумалак ва ҳалим қозонлари атрофида) рақс тушиш ва болаларнинг оқ сўнгак ўйнашидан иборат бўлган.

Наврўзни Нурота воҳаси халқлари қадим-қадимдан эъзозлаган. Наврўзга катта тайёргарлик кўрилган. Тозаликка, ободонлаштиришга беқиёс эътибор билан қараганлар.

Ўрта асрларда Ўрта Осиё халқлари маданий ҳаёти рағнақ топди. Айни шу даврда уларнинг байрам-маросимларида ривожланиш юз берган. Айниқса, IX-XII асрлар ва XIV-XV асрларда бу ўлкада байрамлар жуда катта тантаналар билан нишонланган.

Бу даврда ўлкада ислом дини кенг ёйилиб, ушбу динга хос Рўза ҳайити, Қурбон ҳайити, Рамазон каби байрамлар халқ ҳаётидан ўз ўрнини топди. Халқнинг қадимий байрамлари (Наврўз, Сада, Меҳржон) ўрта асрлар

бошида сақланган бўлсада, кейинчалик дин арбобларининг бу байрамларнинг ўтказилишига қарши кураши натижасида улар ўз мавқеини юқота бошлаган. “Наврўз”нинг эса табиат ўзгаришлари билан чамбарчас боғлиқлиги туфайли уни тақиқлаш, халқ ҳаётидан сиқиб чиқариш самара бермади. “Наврўз” ўрта асрларда ҳам халқнинг севимли байрами бўлиб қолди.

XX асрда ўзбек байрамлари ва тўй маросимлар мураккаб бир даврни бошидан кечирди. Бу тарихни учга бўлиб ўрганиш мумкин. Биринчи давр – миллий уйғониш даври, иккинчиси – шўролар даври, учинчиси – Мустақиллик даври. Бу даврларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга.

XX аср бошида янги ғоялар учун кураш кучайди. XIX аср охирида бошланган ғоявий – сиёсий кураш XX аср бошида авжига чиқди. Бу жараёнда сиёсий оқимлар вужудга келди. Миллий маданият, чунончи, урф – одатлар ва байрамларни “кайта англаш”, уларни ислоҳ қилиш ғояси маҳаллий аҳолининг илғор фикрли зиёлилари томонидан қўллаб – қувватланди. Дин арбоблари ислом анъаналари ва қадриятларини бошқа маданият таъсиридан сақлаш учун Европа маданиятига қарши курашга интилдилар. Уларнинг тарафдорлари соф исломий одатларни сақлаб қолиш, янги анъаналарни халқ ҳаётига яқинлаштирмасликка ҳаракат қилдилар.

Мустақиллик даврида миллий анъаналарни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, халқимизнинг тарихий мероси бўлган анъаналар қайтадан тикланди. Жумладан Наврўз, Рўза ҳайити, Қурбон ҳайитлари каби байрамларимиз расман тикланди.

Халқ анъаналари кишилар дунёқараши, уларнинг шахс сифатида шаклланишига таъсир кўрсатувчи муҳим омилдир. Шу боисдан халқ анъаналарининг таркибий қисми бўлган оилавий маросимлар тизими, шакли, мазмуни ва уларнинг шахс шаклланишидаги аҳамиятини илмий асосида ўрганиш лозим. Ўзбек оилаларида чақалоқ туғилгандан то вояга етиб, ўзи янги оила қургунча бир қанча одат ва маъросимлар ўтказилади:

Чақалоқ чилла – ўзбек халқи одатлари орасида янги инсон чақалоқ дунёга келиши билан боғлиқ анъаналар тизими алоҳида ўрин тўтади. Бу тизим чақалоқ туғилганида қариндош-уруғ, ёр-биродарлардан, “суюнчи олиш”, “киндик кесиш”, болани чўмилтириш, илк бор кийим кийдириш, махсус пархез таомлар пишириш, чақалоққа исм қўйиш, кичик ва катта чиллани ўтказиш, болани бешикка солиш каби махсус тадбирлардан таркиб топган.

Ўтмишдаги одатларга кўра, келин-куёв, фарзанд кўрган аёл ва чақалоқ ёмон рух, алвасти, жин-ажина ва бошқалардан сақланиш учун чилла сақлашган. Чиллани келинчак учун фарзандсиз аёллар билан учрашиш хатарли ҳисобланган. Гўё туғмас аёлнинг қисмати келинчакка ўтиши мумкин, деб тушунтирилган. Бефарзанд аёл қадами тегса келинчак ҳам бола кўрмайди, деб ирим қилинган. Бу удум “Чилла тушди” деб аталган.

Оилада бола туғилишиданоқ чилла даврига катта еътибор берилган. Чақалоқ туғилганидан сўнг йўлдоши тушганидан бошлаб, кейинги 6-8 ҳафталик муддат чилла даври ҳисобланади. Табиблар туғруқдан сўнг аёл организми тўла асл ҳолатга қайтиши учун енг камида 5-6 кун, туғиш оғир кечганда еса 70 кун керак бўлиши таъкидлашади.

Фарзанд кўрган аёл ва унинг чақалоғи чилла даврида махсус шароитда сақлангани учун турли инс-жинс ва касаликлардан ҳимоя қилинган. Анъанага кўра она ва чақалоқ 40 кунгача уйдан чиқмаслиги, болали уйга бегона одам қадам босмаслиги ва чиллани уйда чироқ учмаслиги керак.

Чилла даврида касофат, бахтсизлик содир бўлмаслиги учун она ва бола ёлғиз қолдирилмаган. Хонада доимо чироқ ёқиб қўйилган, бу хона еса “чиллахона” дейилган. Халқимизда баъзи тарбияси ночор кишиларга нисбатан “Чилласида чироқ кўрмаган” иборасини айтилиши бежиз емас. Она кечаси ташқарига ҳам икки-уч аёл ҳамроҳлигида чиққан. Она – бола олдиға бегона кишилар, фарзандсиз аёллар қўйилмаган. Ёвуз кучларни ва ёмон

кўзларни ҳайдаш учун кунига уч марта исирик тўтатилган. Тукқан аёл хатто молхонага ҳам чиқмаган. Унинг қўшниларга овқат чиқариши ва улардан олиб туриши ҳам тақиқланган. Агар бунга амал қилинмаса, чақалоқнинг бошига чилла яраси чиқиши мумкин дейилган. Чилла яраси чилла суви билан ювилган.

Чақалоқ туғилгач учинчи куни, махсус кўйлакча (чилла кўйлак) тикиб кийгизилган ва бу кўйлак чилла ўтмагунча ечилмаган. Баъзи қишлоқларда чақалоқ туғилганиданок унга “ит кўйлак” кийдирилган. Бу билан чақалоққа хавф солиш мумкин бўлган бало-қазо итга ёпишсин, дейилган. Чунки ит касалликка осон чалинмайдиган чидамли, тез кўпаядиган ҳайвон ҳисобланади. Агар оилада бола нобуд бўлаверса, онанинг чақалоғи қирқ кунгача чўмилтирилмаган.

Фарзанд кўрган онага чақалоқ туғилганининг иккинчи ва учинчи кунларида ковурилган тухум, ундан сўнг товук шўрваси ичирилган. Чақалоқ етти-тўққиз кунлик бўлганда юпқа пиширилган. Борди-ю қирқ кунгача чақалоққа, юпқа пиширилмаса, боланинг хулқи бирон ёмон иллат бўлади, дейилган.

Катта чилла 40 кун ўтгач, бола чўмилтирилиб, унинг қўлига тақилган мўнчоқ кўзмунчоқ билан алмаштирилади. Шундан сўнггина болани кўтариб ҳовлига чиқиш, уни қўни-қўшниларга кўрсатиш мумкин. Катта чилла ўтгандан сўнг аёл маҳалла ёқи қишлоқдаги таниш-билишлари, қариндош-уруғиникига бориши ва ниҳоят аёл ўз ота-онасиникига бориб, ётиб қолиши жоиз ҳисобланган. Кексаларнинг айтишларича, 40 кунлик чилладан омон-есон чиққан чақалоққа ташқаридан таъсир етадиган инс-жинсларнинг кучи етмайди.

Келин-куёвнинг ота-онаси, қариндош-уруғлари, қўни-қўшнилари, доя момо, енагалар ва чақалоқ туғилишида ҳозир бўлган аёллар йиғилишиб “Чилла тўйи” ўтказилган.

Замонлар ўтган сари чилла даври ва у билан боғлиқ расм-русумларнинг аксарияти унитилган. Уларнинг баъзиларигина қишлоқ аҳолиси ўртасида сақланиб қолган, холос. Ўзбекистоннинг ҳар бир ҳудудида чилла билан боғлиқ ўзига хос қоида ва анъаналар бор. Шўролар даврида қадимги удумлар қаторида чилла даври ва унинг расм-русумлари ҳам хурофот деб қораланди. Бу расм-русумларни ягона мақсад эса онани ва гўдакни барча ёвуз куч ва бегона кўзлардан асраш, боланинг соғлом ва чиройли, ақлан баркамол ўсишини таъминлаш, онанинг соғлом бўлиб, яна кўплаб фарзандлар туғиб авлодлар давомийлигини давом эттиришга эришиш эди.

“Чақалок чилла” озодалик ва еҳтиёткорлик муддати саналади. Бу вақтда она ўз соғлигини тиклашга ва бола эса ёруғ дунёга мослашишга интилган. Ана шу даврда она ва болани касалликлар, “ёвуз руҳлардан” сақлаш қатъий қоида, иримларга амал қилишни тақозо этади. “Чақалок чилла”нинг деярли ҳар бир куни ўз мазмуни ва анъаналарига эга бўлган. Айниқса, чилланинг биринчи, учинчи, бешинчи, еттинчи, тўққизинчи, йигирманчи ва қирқинчи кунлари махсус одатларга риоя қилинган.

Қадимдан болага исм қўйиш жуда маъсулиятли иш саналган. Исм бола табиатига мос келмаса, ундан яхши инсон чиқмайди ёки у касалликка чалинаверади, дейилган. Чақалокқа исм қўйиш вазифаси ҳар кимга ҳам топшираверилмаган. Бунинг учун махсус маросим уюштирилиб, унга энг нуфузли, доно қариялар тақлиф этилган. Мана шу маросимда йиғилганлар ўзаро маслаҳатлашиб, болага исм қўйишган.

Аждодларимизнинг оилада фарзанднинг дунёга келиши билан унга исм қўйиш мақсадида мулла чақиртириб, чақалокнинг қулоғига азон айтиришган. Азон билан бола ўзининг илк бор исмини эшитган. Бу маросимнинг ўтказилиши билан боланинг келажакда меҳрибон ва баракали бўлади дейилган. Боланинг исми албатта боланинг қулоғига айтилган³⁸.

³⁸ Саттаров. М. Ўзбекские обычаи. Тошкент, «Маънавият», 2003 йил, 6-бет

Туғилган кун оила ҳаётидаги энг қувочли воқеа фарзанд туғилиши билан боғлиқдир. Дарҳақиқат, фарзанд туғилганда - оилада байрамона кайфият вужудга келади. Оила аъзоларига қутлов табриклар ёғилади...

Фарзанднинг туғилган кун санаси расмийлаштирилиб, гувоҳномада қайд қилингандан сўнг, бу сана оиланинг аъзолари учун муҳим сана ҳисоблана бошлайди. Бола ўсиб улғайган сари, унинг туғилган кунлари ўз оиласида, дўстлар даврасида нишонланади.

Илгари, кўпгина шарқ халқлари, жумладан, ўзбекларда ҳам “йил боши” (“Наврўз”) да кишининг ёшига бир ёш қўшилди, деб ҳисобланган. Шу сабабли Наврўз табиатнинг янгиланиш байрами бўлиб қолмай, у барча учун ўзига хос “ёш ошди” тантанаси ҳисобланган³⁹.

Бешик тўйи қадим замонлардан ҳар бир оилада ўтказилиб келингани туфайли, бу маросим халқ маданий ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб қолган. Орзиқиб кутилган жажжи чақалоқнинг дунёга келиши қудалар, қариндош-уруғ, қўни-қўшнилар учун катта хурсандчилик келтиради. Суюнчи бериш, исм қўйиш одат-маросимлари шодлик манбаига айланади. Агар туғилган чақалоқ биринчи фарзанд бўлса, бозордан бешик сотиб олинган. Иккинчи ва учинчи фарзандлар бўлса, уни акаси ёки опаси ётган бешикдан фойдаланилган. Бешик чақалоқнинг биринчи уйи ҳисобланади⁴⁰.

Чақалоқ туғилгандан кейинги муҳим тадбирлардан бири болани бешикка солиш маросими ва бешик тўйидир. Мазкур тўй айрим жойларда еса у кўпчилик иштирокида ўтказиладиган кичик байрамга айланиб кетади. Фарзанд туғилганига 7 ёки 9 кун тўлганида, аввалига болани бешикка солиш маросими ўтказилади. Гўдакни чилласи чиққадан кейин эса оила учун қулай кунларнинг бирида алоҳида зиёфат бериш ва бошқа тантаналардан ташкил топган бешик тўйини ўтказиш одат тусига кирган.

Бешик тўйини чақалоқнинг ота-онаси ва қудалар ўзаро келишиб, бир кунни белгилаб, махсус тайёргарлик кўрган ҳолда ўтказишади. Бешик тўйида

³⁹ У.Қорабоев. Ўзбек халқи байрамлари. Т., 2002, 123- бет

⁴⁰ Саттаров. М. Узбекские обычаи. Тошкент, «Маънавият», 2003 йил, 7-бет

олдин келиннинг онаси ўз набираси учун янги чиройли бешик, хилма-хил кийим-кечак, шунингдек қизи ва куёви, қудалари учун сарпо тайёрлайди. Қариндош-уруғлар ҳам бешик тўйида чақалоққа атаб совға келтиришади.

Суннат тўйи у турли жойларда “хатна тўйи”, “чупрон тўйи”, “чулбуррон”, “кўлни ҳалоллаш”, “ўғил тўйи” каби номлар билан юритилади. Бу тўй ўғил бола ҳаётидаги энг муҳим ходиса ҳисобланади. Суннат ислом пайдо бўлишидан ҳам илгари мавжуд бўлган. Суннат қилиш қадимий замонларда ўғил болаларнинг болаликдан ўспиринликка ўтиш даврида ўтказиладиган - инициация (жисмоний ва руҳий синов) маросимларининг бир қисми сифатида шаклланган ва кейинчалик алоҳида тадбирга айланган. Суннат иссиқ иқлимли ҳудудларда яшовчи халқлар ўртасида гигиена (озодагарчилик)га риоя қилиш усусли сифатида тараққий етган.

Фолклоршунос К.Очилов эътирофича эса, “Ўрта Осиё халқлари ислом дини қабул қилинган вақтгача суннат ва хатна қилиш нималигини билишмаганлар, уларда бундай одат бўлмаган”. Араб манбалари билан пухта танишган ва улардан фойдаланган олимлар буни тасдиқлайдилар. Хусусан араб тарихшунос олими Табарийнинг материалларига асосланган В.В.Бартолд қуйидагиларни таъкидлайди. Хуросон ноиби 728 йилда Мавороуннаҳр аҳолисини мусулмончиликка киритишга ҳаракат қилади. Шу боис ўзининг яқин кишилари, яъни икки дин пешволарига мусулмончиликни қабул қилганлардан солиқ олмасликни одамларга етказишни амр этади. “Бу амр ижроси туфайли хазинага пул тушмайди... Шунда Ашрос фақат янги мусулмон бўлганлар орасидан кимда-ким суннат қилдирса шуларни солиқдан озод етишни буюради”⁴¹.

Қадимда Нурота воҳасида суннат тўйларида, йирик мусобақа: Улоқ, кураш, пойга ўтказилган. Хатна тўйларида “Ким чаққон”, “Ким зўр”, “Маст бола”, “Оқ суяк” каби болалар ўйинлари уюштирилган.

⁴¹ К.Очилов. Суннат тўйининг халқ оғзаки ижодида тасвирланишига доир. – ЎТА., 2004 й., 5-сон, 65-бет

Нурота чорвадорлари орасида кенг тарқалган “Той минди” одати ҳозир суннат тўйлари билан боғлиқ одатларни махсус ўрганиб, уларнинг ўказилиши тартибини аниқлаган: У ўз тадқиқотларида ўзбек суннат тўйларида: 1. Маслаҳат оши. 2. Суқум суйди. 3. “Хатми Қуръон” ўқитиш (кичик тўй). 4. Катта тўй. Шунингдек, “Йигит йиғиш”, “Полвон товоқ”, “Мусофир товоқ”, “Дангана” каби халқ одатлари; яна “Пойга”, “Қучқор уриштириш”, “Кураш”, “Қулоқ чўзма”, каби халқ ўйинлари; “Ёр-ёр” айтиш, “Чипрон”, “Танга соз”, каби санъат намуналари сақланиб қолган.

Нурота анъанавий суннат тўйлари уч қисмдан ташкил топган бўлади: “1 қисм тўйга тайёрганлик кўриш одатлари: “Маслаҳат оши”, “Жар тўйга айтиш”, “қозон кўрди”, “сабзи тўғраш” каби тадбирлар тўй бошланишига маънавий-рухий замин тайёрлайди. Тўйнинг 2 қисмини асосий (бош) тадбирлар ташкил этади. Унда “Меҳмон кўтиш” (“Қуноқ олиш”), зиёфат ва базм бериш, томоша, ўйин ва мусобақалар уюштирилади. Бой кишилар ўтказадиган суннат тўйи бир неча кун давом этиши мумкин. Унда қадимда катта томошалар (мазхарабозлар, дорбозлар, полвонлар, кўғирчоқбозлар санъанти) намоёни қилинган бошқа жойлар ўтказилаётган суннат тўйларида ҳам кўриниб қолмоқда. “Той минди” одати шундайки, тўй куни она томонидан бувиси махсус безатилган тойчага “Тўй болани” миндириб, уни кўчалар бўйлаб, карнай-сўрнай садолари остида сайр эттиради. Сайр тўйхона эшиги олдида катта оммавий рақсга тушиш билан якун топади. Тўй куни ўтказиладиган одатларидан яна бири – “бола қочди” одати ҳам диққатни тортади: катта болалар “тўй бола”ни бирон жойга (масалан, тоғасиникига) бекитиб қўйишади. Сўнг хабарчи йигит бола бекитилиб қўйилгани ҳақида хабар беради ва тўй эгасидан “совға” талаб қилади. Хабарчи, олган “совға”сидан қаноатланганидан сўнг барча йигитлар “тўй бола” билан бирга машъаллар ёқиб, тўйхонага келишади, бу ерда гулханлар ёқиб ўйин-кулгу қилишади.

Суннат тўйининг учинчи (якуний) қисми - бу тўйдан кейинги тадбир бўлиб, тўйда хизмат қилганларни тақдирлаш, уларга алоҳида зиёфат бериш, совғалар инъом этиш, шунингдек, “тўй бола” нинг ҳолидан хабар олиш кабилардан иборат бўлади.

Ҳозирги пайтда хатна қилдириш одати дунёнинг барча мусулмон халқлари орасида кенг тарқалган. Хатна Ўрта Осиёда қадимдан мавжуд бўлган, деган тахминлар бўлса-да, бироқ у араблар истилоси (VIII аср)дан сўнг кенг тарқалган. Турли халқларда хатна қилиш турли ёшларда (8 кунликдан, то ўспиринлик давригача ўтказилади) бўлган. Ўрта Осиёда хатна ўғил болалик гўдак ёшидан болалик ёки ўсмирлик ёшида ўтаётган пайтда катта тўй қилиш орқали нишонланган. Кейинги даврларда эса хатна боланинг тоқ ёшларида, чунончи, 3, 5, 7 ёшида ўтказиладиган бўлган.

Ўзбекларда хатна маҳаллий одатлар билан чатишиб, ўзига хос хусусиятлар билан бойиб, тўй - байрам даражасига кўтарилган. Бу одат ўзбек диёрининг турли жойларида ўзига хос номлар “хатна тўйи”, “суннат тўйи”, “қўлни ҳалоллаш”, “ўғил тўйи” каби номлар билан юритилади.

Мучал тўйи – халқимизнинг узоқ асрлар давомида шаклланган аксарият анъаналари ижтимоий ҳаётда содир бўлган, муҳим ўзгаришларни алоҳида маросим (ёки тўй) сифати нишонлаш асосида пайдо бўлган. Жумладан, ўғил-қизларнинг болаликдан ўсмирликка ўтиш - мучал ёшини нишонлаш ота-оналар учун катта қувонч бахш этган. Шунинг учун ҳам мучал ёшини нишонлаш анъанавий маросимга айланган. Мучал ёшини нишонлаш умрнинг бир давридан иккинчисига ўтиш - болаликдан ўсмирликка ўтиш тантанаси сифатида байрам қилинган. Чунки бу даврдан сўнг бола вужудида табиий жиддий ўзгаришлар содир бўла бошлайди. У жисман ва маънавий улғаяди

Хуллас: XX асрда анъанавий ўзбек халқи байрамлари шўролар даврида қўллаб таъқиб тазйиқларни бошидан кечирди, уларнинг барчасига

бардош бериб қийинчиликларни енгиб ўтди. Мустақиллик туфайли ўзбек байрамлари тарихда янги саҳифа очди.

III 3.Миллий ҳунармандчилиги

Ўрта Осий ҳудудида ҳунармандчилик муҳим ва қадрланадиган машғулот ҳисобланганидек Нурота воҳаси кишиларининг ҳаётида ҳам ҳунармандчилик муҳим аҳамият касб этган. Халқ орасида ҳунарманд кишини, ҳунар эгасини уста деб чақириш одат тусига кирган. Йигит кишига етмиш ҳунар ҳам оз мақолининг тез тез тилга олиниши бежиз эмас. Ҳатто касб ҳунарли кишиларнинг ҳунар кучи ақл идроки билан ҳаётдаги турли машаққатларни бартараф этишлари халқ оғзаки ижодига кўчиб афсоналашаган эртакларга ўтган. Нурота қадим замонлардан ҳунармандчилик марказларидан бири бўлиб келган, Ўрта Осиёдаги ҳудудлардан саналади. Нуроталик ҳунармандлар томонидан ясалган буюмлар асрлар давомида жаҳон бозорида рақоботга асрлар оша бардош бериб келган. XIX асрга келиб Ўрта Осиёда ҳунармандчилик соҳасида металга ишлов бериш кенг ўрин тутди. Бу ўз навбатида Нурота ҳунармандчилигида ҳам кўзга ташланиб туради. Металга ишлов бериш соҳасида темирчилик кенг тарқалди. Темирчиликнинг ривожланиши ҳунармандчиликнинг турли соҳаларини керакли асбоб ускуналари билан таъминлаб келди. Темирчилик соҳаси кенг тармоқли ва тор ихтисосли бўлган. Қадимда Нурота темирчилари томонидан турли маҳсулотлар тайёрланиб келинган. Жумладан бир гуруҳ усталар томонидан майда маҳсулотлар, уй занжирлари, тақалар, михлар, арава ўқлари таёрланган бўлса, яна бир гуруҳ темирчилар томонидан ҳунармандчилик бошқа вакиллари томонидан ишлатиладиган меҳнат қуроллари жумладан, ўроқ, чалғи кетмон каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилган бўлса, бошқа бир гуруҳ томонидан пичоқ, қайчи каби уй рўзғор маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Ўрта Осий ҳудудида ҳунармандчиликнинг меҳнат тақсимооти, айрим

жойларда ишлаб чиқаришнинг ихтисослашувига табиий ер ости бойликларининг жойлашуви сабаб бўлган. Жумладан бундай меҳнат тақсимооти табиатнинг иномига қараб ривожланар экан Нурота воҳасида қадимдан сангтарошликнинг ривожланишига сабаб бўлди. Шундай экан қадим замонлардан бошлаб Нуротанинг уста сангтарошлари томонидан табиатнинг энг ноёб иноми бўлмиш мрамор тошлардан турли хил уй рўзғор буюмларини яшаш анъана сифатида авлоддан-авлодга ўтиб келган. Жумладан Нуроталик уста сангтарошлар томонидан тош қозонлар, товоқ ва ликобчалар хонадонларда уй рўзғор буюми сифатида ишлатиш учун ва азим Нурота шахрига меҳмонга келганлар учун эса эсатилик совғалари сифатида олиб кетиш учун ясаб келинган. Нуроталик сангтарошлар томонидан яратилган уй рўзғор буюмлари улар томонидан санъат даражасида ишлов берганлар. Сангтарошлар томонидан яратилган ҳунармандчилик маҳсулотлари орасида нафақат уй рўзғор маҳсулотлари бўлган балки улар томонидан меъморчиликда ишлатиш учун турли устунларнинг тагкурсилари, тош тарновлар ва тош лавҳалар ясаб келинган. Нуроталик сангтарошлар мағрибда машриқда маълум ва машҳур бўлганлар.

Нурота воҳасида ҳунармандчиликнинг ривожланишида кулоларнинг ўрни ўзига хос ўрини бор. Ўрта Осиёнинг барча шаҳарлари сингари қадим ва навқирон Нуротада ҳам кулолчилик тараққий этган эди. Нурота уста кулоллар томонидан яратилган кулолчилик маҳсулотлар ўзига хос тарзда яратилган ва мана шу шакллари билан ажралиб турган. Албатта нуроталик уста кулоллар томонидан яратилган кўза, кўзача, коса, пиёла, хум, тоғора каби уй рўзғор буюмларига талаб ҳамиша катта бўлган. XIX асрдан бошлаб Ўрта Осиёнинг кулоллари томонидан сополга қўрғошиндан фойдаланиб ишлов бериш, яъни сир бериш кенг урф бўлган. Шундай экан бу услуб нуроталик кулоллар томонидан ҳам кенг қўлланиб келинган.

Ҳунармандчиликнинг кенг тарқалган соҳаларидан бири бу ҳарротчилик эди. Нуроталик ҳарротлар томонидан болалар бешиги ва

беланчак, чилим ва ёғоч товоқ, коса ҳамда лаганлар ишлаб чиқарилар эди. Бу соҳа ўз навбатида хунармандчиликнинг кенг тараққий этган соҳаларидан саналади. Нуроталик ҳарратлар томонидан яратилган маҳсулотлар орасида ёғоч бешиклар алоҳида ўрин тутган. Қадимда чорвачилик билан шуғулланиб келган Нурота воҳаси аҳолиси турмуш тарзида бола парвариши жараёнида бешик алоҳида аҳамият касб этган. Бола парвариши жараёнида бешикнинг нечоғлик аҳамиятли эканлигини биз у билан боғлиқ бўлган бугунги кунга қадар сақланиб қолган маъросимлардан бири бўлган бешик тўйи мисолида кўришимиз мумкин. Уста хунармандлар бешик ясашда асосан маҳаллий бўлган тут дарахти ёғочидан ва тол дарахтининг ёғочларидан фойдаланган. Бундан ташқари ҳарратлар томонидан ясалган уй рўзғор буюмларидан кундалик турмуш жараёнида кенг фойдаланиб келинган. Бундай уй рўзғор маҳсулотлари орасига чулпилар, лаганлар, ёғоч қошиқлар, қувиларни мисол тариқасида келтиришимиз мумкин. Бундай маҳсулотлар ўзларининг табиий хусусиятлари билан ажралиб турган. Бугунги кунда Нурота воҳасининг айрим хонадонлари уста хунарманд томонидан яратилган ҳарранглик маҳсулотларини ҳали ҳамон учратишимиз мумкин.

Нуроталик уста хунармандлар томонидан яратилган хунармандчилик маҳсулотлари орасида уста хунарманд аёлларимиз томонидан тайёрланган кўл меҳнатининг махсули ҳисобланган маҳсулотлар – кашталар ва сўзаналар айниқса маълум ва машҳур бўлган. Жумладан гилам тўқиш, чопондўзлик, каштачилик, дўппи тикиш, наMAT тайёрлаш айниқса хунармандчиликнинг муҳим, ривожланган турларидан эди. Қадимдан нуроталик уста хунарманд аёллар томонидан тайёрланган касаначилик маҳсулотлари айниқса, маълум машҳур бўлган. Нуроталик аёллар сўзана ва каштачиликда ўта дидли жумладан табиатнинг гўзал манзарасини, гулзор, гуллаган боғнинг бир кўринишини янги, ижодий бадиий талқинларда ифодалашга интиланлар. Улар сўзана ва кашта тайёрлар эканлар, тикаётган ишларига ўзларининг қалб дунёсидаги туйғуларини ҳам сингдириб турли рангларда жило

берганлар.⁴² Уларнинг машақатли меҳнатлари эвазига мазкур соҳалар амалий санъат даражасига кўтарилган. Нуроталик аёллар мазкур соҳага киришар эканлар ўзларидан шогиртлар қолдиришга ҳаракат қилганлар. Бунда каштачиликнинг сир асрорлари авлоддан-авлодга ўтиб келинган. Унда оналар ўзларининг қизларига мазкур соҳанинг сир-синоатлари ўргатиб келган. Қадим замонлардан бошлаб Нурота воҳаси қизларининг сепларига ўзлари томонидан тайёрланган каштачилик ва сўзаначилик наъмуналари йиғиб келинган. Нуроталик аёллар кундалик турмуш жараёнида ишлатиладиган ўзлари ишлаб чиқаришга уринганлар. Чорвадор нуроталик ҳаётида сурув чорвачилиги қадимдан ривожланган. Чорвачилик махсулоти бўлган жундан аёллар томонидан қадим замонлардан бошлаб гилам тўқиш, намат тайёрлаш анъана тусига кириб келган. Бу жараён бугунги кунга қадар сақланиб қолган. Нуроталик аёллар гилам тўқишда анча мохир саналганлар. Улар томонидан тўқилган гиламлар ўз ходонларини безатиш билан биргаликда бозорларда ҳам анча харидоргир махсулот саналган. Тўғри гилам тўқиш жараёни ўзига хос узоқ ва машақатли меҳнатни талаб қилади. Гарчи шундай бўлсада бу соҳага улар томонидан алдоҳида этибор қаратилган. Гилам тўқиш билан биргаликда нуроталиклар орасида намат тайёрлаш ҳам анча кенг тарқалган соҳа ҳисобланади.

Нурота воҳаси қадим замонлардан бошлаб ҳунармандчиликнинг ўзига хос шакллари ривожланган ҳудуд ҳисобланган. Бу ерлик уста ҳунармандлар томонидан яратилган махсулотлар мағриб ва машриқда маълум ва машҳур бўлган.

⁴² Хирочева М. Улуғвор салоҳият қаршисидаги хайрат. Тошкент.: 2005. 56-бет

ХУЛОСА

Нурота азалдан қадимий ва бетакрор, бой ва обод шаҳар. Қарийиб икки минг йиллик тарихга эга ушбу қутлуғ маскан инсониятнинг йирик маданий бешикларидан бири сифатида ўзида бой тарих ва тамаддунни мужассам этган, халқимиз, миллатимиз доврўғини бутун дунёга тарқалишида муҳим ўрин тутган.

Нурота ҳақидаги бундай таърифу эътирофлар ҳар бир юртдошимиз қалбида чексиз ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотиши табиий.

Нурота шаҳрининг унинг вужудга келиши Нур атамасининг қандай вужудга келганлиги тўғрисида турли фикрлар мавжуд. Шаҳарнинг Нурота деб аталишини кимдир Нурда ислом дини тарғиботчиси Шахй Абул Хасан Нурий номи билан боғласа, кимдир эрта тонгда чашма сувнинг буғланиши ва унга қуёш тасирида ҳавода кўринган шафакни нур деб аташган ҳолда “нурато” яни нур ато этувчи деган фикрлар билан изоҳлайди.

Нурота шаҳри Оқтоғ ва Қоратоғ бағридаги сўлим гўша қадимий шаҳар. Унинг қачон барпо этилганлиги тўғрисида ҳали-ҳамон аниқ маълумотлар мавжуд эмас. Нурота шаҳрининг қадимийлиги тўғрисида халқ орасида тарқалган маълумотларга қараганда Нурота шаҳрининг барпо этилиши Искандар Зулқарнайн даврига бориб тақалади. Нурота ва унинг атрофидаги мажмуаларда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида аниқланишича Қалъа ва унинг атрофида инсоният излари 35-40 минг йилларни ташкил этиши аниқланган. Нурота шаҳрининг қадимий шаҳар харобалари I-IV асрлар билан белгиланса, уни ўраб турган мудофаа девори Пироста деворининг барпо этилиши VI асрлар билан белгилади. Наршахий келтирган маълумотларга асосланган ҳолда келтириб ўтсак IX асрларда Нур шаҳри гуллаб яшнаган. Нурота ва унинг асосий меъморий иншоатлари шайбонийлар ҳукумронлиги даврида қайта тикланган.

Минг йиллардан бери инсоният бу шаҳарга ҳайрат ва қизиқиш билан боқади, сайёҳлар унга талпинадилар, шоирлар уни мадҳ этиб гўзал ашъорлар

битадилар. Дунёда бу кентнинг гўзаллигидан, унинг мусаффо ҳавоси-ю, зилол сувидан баҳраманд бўлиш, бетакрор тарихий обидаларини кўришни орзу қилмаган одамнинг ўзи йўқ.

Нурота ўтмишда йирик савдо ва ҳунармандчилик, фан ва маданият маркази, буюк ипак йўли устидаги савдо шаҳри сифатида довруғ қозонган. Нурота шаҳри ва унга туташ ҳудудлар аҳолиси қадим замонлар кенг миқёсда ҳунармандчилик ривожланган ҳудудлардан саналган. Нурота шаҳри яқинидан ўтган Буюк Ипак йўлининг бир тармоғи бўлган “Хон йўлининг” мавжудлиги мавзкур шаҳарда савдо – сотикнинг ривожланишига туртки бўлган бўлса, иккинчи томондан воҳа аҳолиси иқтисодиётида, турмуш тарзи ҳамда ижтимоий сиёсий ҳаётида катта аҳамият касб этган. Тарихий манбаларда келтирилишича Нуротага кўплаб йирик қарвонлари келиб турган. Бу ўз навбатида аҳолининг моддий ва маъданий ҳаётида катта аҳамият касб этади. Жумладан савдо қарвонлари билан нафақат савдо алмашилиш балки маданият алмашилиб турилган, дунё цивилизацияси намуналари билан танишиб борилган.

Нурота шаҳрининг Нур ёки Нури Бухоро деб аталиши ўз навбатида унинг Бухоро давлатида йирик сиёсий аҳамият касб этишини кўрсатиб ўтади. Нурота шаҳри дастлаб ҳарбий қароргоҳ ва савдо шаҳри ҳисобланган. У Бухоро хонлигининг ҳарбий ситратегик аҳамиятга эга бўлган қисми саналган ҳарбий гарнезон вазифасини ҳам ўтаган.

Ўрта Осиёга арабларнинг кириб келиши ва мазкур минтақада ислом дининг тарқалиши муносабати билан Нурота беклигининг диний марказ сифатида аҳамияти ошиб борган. Наршахий келтирган маълумотларга қараганда Нуротага зиёратга келган кишининг обру-этибори ошиб зиёратдан борган сўнг шаҳарнинг безатилига этибор қаритилса Нур шаҳрининг ислом дини дунёсида қандай аҳамиятга эга эканлигини кўриб ўтиш мумкин.

Нурота шаҳри ҳунармандчилик тараққий этган шаҳарлардан саналади. Нурота уста ҳунармандлари кулолчилик, ҳарранглик, темирчилик,

сангтарошлик ривожланган. Нурота уста кулоллари яратган кулолчилик намуналари кундалик турмушда ҳатто бошқа ҳудудларга ҳам олиб кетилган. Нуроталик Сангтарошлар ва уларнинг санъат намуналари бугунги кунга қадар сақланиб қолган. Уста ҳунарманд аёллар ўзларининг қалб қўрларини жо қилиб ишлаган касаначилик махсулотлари дунё аҳлини ҳали ҳамон лол қолдириб келмоқда.

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида озод ва обод юртнинг бебаҳо дурдонаси, тарих ва замонавийлик уйғунлашган бетакрор шаҳар сифатида янада раванқ топмоқда. Муҳтарам Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида миллий қадриятларимиз, анъаналаримизни асраб-авайлаш, кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратила бошлади. Бугун мамлакатимизда, жумладан азим ва навқирон Нуротада ҳам кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Аждодларимиз заковати ва салоҳияти маҳсули бўлган меъморий обидаларни қайта таъмирлаш, келгуси авлодларга бекаму кўст етказиш борасида ишлар кўлами янада кенгайди. Нурота шаҳрининг қадимий мероси саналган тарихий обидаларни асраш ва авайлаш уларни келажак авлодга етказиб бориш маъсулияти ўлароқ бугунги кунда Нурота шаҳрида кенг кўламли таъмирлаш ва ободлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Олиб борилган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари натижасида 2010-2011 йилларда Нурота шаҳрининг тарихий қадамжолари, жумладан Чашма мажмуасида жойлашган Чилустун жомеъ масжиди, Панжвақт жомеъ масжиди ҳамда чашма атрофида умумий майдон ва Нурота табиий меморий музейи қайтадан тамирланди. Мазкур мажмуани тамирлашда умумий 7 млрд. сум маблағ ҳисобидаги ишлар олиб борилди.

Олиб борилган амалий ишлар натижасида тарихий обидалар таъмирланиб, улар атрофи ободонлаштирилди, янги йўллар қурилди, боғ ва хиёбонлар ташкил этилди. Чилустун жомеъ масжиди, Эшони Судур ҳаммоми, Панжвақта жомеъ масжиди, Саййид аддин Нурий қабри қабила

кайтадан таъмирлангиб обод этилди, атрофлари ободлаштирилиб кўкаламзорлаштрилди.

Таъкидлаш лозимки, мустақиллик йилларида Нурота юртимизнинг маданий марказларидан бирига ҳам айланиб бормоқда. Истиқлол йилларида Нуротани дунёнинг энг гўзал сайёҳлик масканларидан бирига айлантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Натижада ушбу масканлар замонавий кўринишга эга бўлиб, йўловчиларга юқори сифатли сервис хизмати кўрсатиш имкониятлари яратилди. Нурота шахрининг марказий кўчаси бўлган Х.Худойкулов кўчасида йўлаклар таъмирланиб, замонавий ёритиш чироқлари ўрнатилди. Марказий хиёбоннинг ирригация тизими тўлиқ янгиланди.

XIX аср охири - XX аср бошларида Чор Россияси Ўрта Осиёни босиб олди. Истилочилар ўз сиёсати билан бирга, бу ерга ўз маданиятини олиб киришга интилди. Шўролар ҳокимиятни эгаллаганидан кейин ўз ғоясига мос коммунистик маданият яратиб, шўроча байрамларни ҳаётга жорий қила бошлади. Халқнинг фан анъанавий байрамлари расмий давлат байрамлари қаторига киритилмай, тақиқланди. Мустақилликка эришилганидан кейингина ўзбек халқининг миллий анъанавий байрамлари тиклана бошланди.

Мустақиллик даврида миллий анъаналарни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, халқимизнинг тарихий мероси бўлган анъаналардир (Наврўз, Рўза ҳайити, Қурбон ҳайитлари расман тикланди) Истиқлолнинг янги байрамлар Мустақиллик куни, Конституция куни, Ўқитувчилар ва мураббийлар куни, Хотира ва қадрлаш кабилар жорий этилди. Умуминсоний қадриятларни тарғиб қилувчи байрамлар Янги йил байрами, Хотин-қизлар байрами сақланиб қолинди. Жаҳон маданиятига муносиб ҳисса қўшган аждодларимизнинг таваллудларини нишонлаш ҳам халқимизнинг энг мўтабар анъаналарига айланди.

Ҳозирги никоҳ тўйлари (базми) асосан ресторан ёки ҳовлиларда нишонланасада, ундаги дабдабавозлик, ўта замонавий қилиб тўй

маросимларини нишонлаш, миллийлик руҳини юқолиб кетишини олдини олиш лозим.

Ҳозирги пайтда оилавий маросимлар, жумладан, турли тўй тадбирлари таъсирчанлигини янада ошириш учун: турар жойларда халқ маросимлари кенгашини тузиш; анаъанавий халқ одатларининг энг яхши жиҳатларининг кенг тарғиб қилиш; кам даромадли оилаларнинг тўйларини маҳаллий раҳбарлар ёрдамида уюштириш; оилавий маросимлар таркибида кўп харажат талаб қиладиётган тадбирларни; никоҳ тўй маросимларини ихчамлаштириб, барча тадбирларни бир кунда ўтказиш; маросим либослари бўйича кўрик-танлов ўтказиш; маросимларни ихчам, фойдали ва юқори маданий – бадий савияда уюштириш; яқин қариндошлар (масалан, ака-укаларнинг)нинг бир-бири билан қандайдир бўлишининг салбий оқибатларини тушунтириш лозим.

Никоҳ тўйи оила қўрган йигит ва қиз оидида жамиятнинг янги, кичик ячейкасини тузиш, авлодни давом эттириш, жамиятга хизмат қилиш каби ижтимоий вазифаларни ҳам юқлайди. Шунинг учун ҳам катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган тўйларни ўтказиш жараёнида асосий диққатни зиёфатбозликка эмас, балки тўй қатнашчиларининг маънавий озиқ олишига, ёшлар онгига халқимизга хос энг яхши фазилатларни сингдириш, янги оиланинг мустаҳкам ғоявий-маънавий пойдеворини яратишга қаратмоқ лозим.

Кумуш, олтин ва олмос тўйлар республикаимизнинг баъзи маданият муассасаларида, клубларда. ФХДЁ ходимлари иштироқида уюштирилмоқда. Бу тўйлар жойларда мазмун жиҳатдан ҳам, ташкилий жиҳатдан ҳам, турлича уюштирилмоқда. Эндиликда бу борадаги илғор тажрибаларни умумлаштириб, уларни халқимиз орасига кенг ёйиш лозим.

Шундай экан ўзбек халқининг маданий меросида халқ ижод қилган ва катта ижтимоий аҳамиятга эга турли байрамлар, оммавий ўйинлар, анъана ва урф-одатлар алоҳида ўринни эгаллайди. Байрамлар ва маросимлар ижтимоий

ва шахсий ҳаётнинг барча томонлари қамраб олувчи ва кишилар ўзаро муносабатларининг турли жабҳалари ва шаклларида намоён бўлувчи муайян урф-одат ва анъаналар, ахлоқий принциплар ва ҳуқуқий тартиботларнинг тарихан шаклланган йиғиндисидир. Одат тусига кирган маросимлар кишилик хулқ-атворини бошқарар экан, нафақат жамоатчилик фикрлари нуфузига, балки қабул қилинган ва қарор топган одатий қонун-қоидалар кучига суянади.

Ўзбеклар Ўрта Осиёдаги бошқа халқларнинг тарих синовидан ўтган байрамлари ва маросимлари кишиларнинг ўзаро муносабатларидаги яхши фазилатларни, чинакам халқчил, умуминсоний қадриятларни акс эттиради. Ижобий урф-одат ва маросимларда ўзбекларнинг миллий руҳияти, уларнинг маънавий онгининг соддалиги ва феъл-атворнинг шакллари ҳам намоён бўлади. Асрлар давомида шаклланиб ва авайланиб келинган ижобий расм-удумлар ва одатлардан Ватан садоқати, ёши катталарга ҳурмат, ота-онага, етимларга ва қарияларга ғамхўрлик, меҳмондўстлик, қон-қариндошлик ва ўзаро ёрдам, оила шарафини ва аёллар шаънини эҳтиётлаш байрам ва маросимларда очиқ намоёиш қилинади. Асрлар оша сақланиб келинган ва ижтимоий моҳиятга эга урф-одатлардан яна бири оғир, машаққатли кунларида ўз яқинларини очлик ва камбағалликдан, гадолик ёки дайдилик қилишга йўл қўймаслик. Агар шундай одам чиқиб қолгудай бўлса, унинг исноди барча, қариндош-уруғларига маҳалла-қўйга, халқига келган. Асли гадойлик мамлакат учун доғ тушурадиган ҳолат эканлигини “Темур тузуклари” қоралаб, унга қарши амалий-ижтимоий тадбирлар ўтказиш зарурлиги қайд қилинган.

Ўзбек оилавий маросимларининг Нурота воҳасида учрайдиганларини таҳлил қилиш натижасида қуйидагиларга диққатимизни жалб қилишимиз лозим:

1. Асрлар оша шаклланган ўзбек халқи оилавий маросимларининг асосий моҳияти — инсон ва оила ҳаётидаги энг муҳим, йирик ходисаларни

нишонлаш бўлиб, уларни ташкил қилиш жараёнида аҳиллик, иноқлик, имон-эътиқодлилик, иззат-икром, меҳр-оқибат, одоб-ахлоқ, меҳмоннавозлик, биродарлик каби инсоний фазилатлар намоён бўлади.

2. Ўзбек оилаларида чақалоқ туғилганидан то у улғайиб янги оила кургунга қадар содир бўладиган муҳим воқеаларни қайд қиладиган (бола билан бирга ривож топиб борадиган) маросимлар тизими вужудга келган. Мазкур тизимга кирган “Чақалоқнинг дунёга келиши”, “Исм бериш”, “Чақалоқ чилла”, “Бешик тўйи”, “Соч тўйи”, “Биринчи қадам”, “Суннат”, “Мучал ёши”, “Никоҳ тўйи” каби инсон ривожланиши ва камол топиши учун ўзига хос маънавий “зина” сифатида хизмат қилади.

3. Оилавий маросимларда намоён бўладиган меҳрибонлик, меҳмондўстлик, олижаноблик каби фазилатлар ёшлар тарбиясига ижобий таъсир этади. Оилавий тадбирлар туфайли авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ранг-баранг халқ одатлари, фолклор жанрлари (улан, лапар, ёр-ёр, маросим кўшиқлари), рақслар, ўйин-мусобакалар, кутловлар, дуолар ёшларни маънавий баркамол инсон сифатида тарбиялаш сифатида катта аҳамиятга эга.

4. Мустақиллик шароитида оилавий анъаналарнинг тикланиши - шўролар даврида юз берган хатоларни тузатишда катта ўрин тутмоқда. Халқ анъаналари қайта жонланиши билан бир қаторда оила ҳаётига кейинги даврларда кириб келган - туғилган кунни нишонлаш, боланинг ўқув юртида таҳсил кўриши жараёнида уюштириладиган маросимлар ҳамда кексаларни қадрлаш тадбирлари (кумуш, олтин, олмос тўйлар), юбелей тантаналари кабиларни ҳам диққат эътиборидан қолдирмаслигимиз лозим. Ёшлар тарбиясида улардан ҳам самарали фойдаланиш – давр талабидир.

5. Оилавий маросимлар муайян шахс ҳаётидаги хусусий тадбир бўлибгина қолмай, балки (унда кўни-кўшни, қариндош-уруғ, ҳамкасблар, маҳалла (қишлоқ)дошлар қатнашгани учун) муҳим ижтимоий-маданий аҳамиятга эга бўлган ходисадир. Шу сабабли, уларни мазмунли қилиб, бир томондан – халқ анъаналардан самарали фойдаланиб, иккинчи томондан –

замон талаби даражасида нафақат моддий асосга, балки маънавий-бадий савияга кўпроқ эътибор бериб уюштириш лозим бўлмоқда.

6. Оилавий маросимлар тарихий жараёни сифатида халқ педогогикаси ва донишмандлиги билан уйғунлашиб кетиб, асрлар давомида ёшларни тарбиялашдаги асосий шакллардан бири бўлиб келган. Шу сабабли, ҳозирги даврда ҳам халқ анъаналарини қадрлаган, турли маросимларни ўтказишда маънавий-эстетик жиҳатларга алоҳида эътибор берган оилаларда вояга етган ёшлар одоб-ахлоқли бўлиб вояга етади.

Хуллас Нурота воҳаси тарихи ҳали тўлалигича ўрганилмаган ҳудудлардан саналади. Ўз сир синоатларини омма эътиборига намойиш этмаган воҳалардан саналади.

Фойдаланилган адабиётлар

- Karimov I.A. Biz kelajagimizni o'z qo'limiz bilan quramiz. 7- Jild. Toshkent.: Yosh.1999.
- Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент., «Ўзбекистон», 1998.
- Karimov I.A. O'z keljagimizni o'z qo'limiz bilan qurmoqdamiz. "Turkiston" gazetasi muxbirlarining savolariga javoblar. Toshkent., «O'zbekiston», 1999.
- Каримов И.А. Ўзбекистон XIX аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон». 1997.
- Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. Тошкент.: Ўзбекистон, 1998.
- Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент.: Ўзбекистон, 1998.
- Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Тошкент.: Маънавият, 2008.
- Фаридиддин Аттор. Фаридиддин Аттор. Тазкират-ул авлиё. Мирзо Кенжабек таржимаси. -Т.: ЎзМЭ нашриёти, 1997.
- Наршахий. Бухоро тарихи. Форс-тожик тилидан А. Расулов таржимаси. Тошкент.: Фан, 1966.
- Ҳерман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр ғарихи. Нашрга тайёрловчи Сирожид- дин Аҳмад. -Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва. санъат нашриёти, 1990.
- Абулғози Баходирхон Шажараи турк. Тошкент.: Чўлпон, 1992.
- Ҳофиз Таниш ал-Бухорий Абдулланом "Шарафномаий шоҳий". I китоб. Тошкент.: Шарқ, 1999.
- Ғуломов Ғ.Ғ. Археологические работы к западу от Бухарского оазиса – Труды Ин-та истории и археологии АН УзССР. Т.1956.
- Ғуломов Ғ.Ғ. Страница истории древнего орешения в Средней Азии. Правда Оастова, 1957.
- Ғуломов Ғ.Ғ. История ирригация Узбекистана с древнейших времен до середины XIX в. Ташкент.: 1975.

- Ғуломов Ғ.Ғ. Археология тарих фани хизматида. Тошкент.: Ўзбекистон, 1976.
- Ғуломов Ғ.Ғ. К изучению древних водных сооружений в Узбекистан. Изв. АН УзССР. 1955, №2
- Ғуломов Ғ.Ғ. Хонбанди. Ўзбекистоннинг суғорилиш техникаси тарихидан. - Фан ва турмуш, 1958, №4
- Нильсен В.А. Становление феодальной архитектуры Средней Азии. Тошкент.: Наука, 1966.
- Муҳаммадиев Х. Қадимги мудофаа деворлари. Тошкент.: Фан, 1961.
- Кармышева.Б.Х.
Пещерева Е.М. Материалы этнографического обследования таджиков Нуратинского хребта.//С.Э, 1964.
- Пардаев М., Гофуров Ж., Қорабоев С.
Ғарбий устуришонанинг ер ости сув чиқариш иншоатлари ҳақида// Ўзбекистоннинг моддий маданияти тарихидан. Самарқанд.: 2011.
- Суёнов С. Нурота коризлари ўрганиш// Ўзбекистон - қадимда ва ўрта асрларда. Самарқанд.: 1992.
- Мирзо Салимбек. Мирзо Салимбек. Тарихи Салимий.Тошкент.: Фан. 1990.
- Муҳаммаджанов А. Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи. Тошкент.: Фан. 1972.
- Муҳаммаджанов А. История орошения Бухарского оазиса. Тошкент.: Фан. 1978.
- Шарафиддин Али Яздий. Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Тошкент.: Шарқ, 1997.
- Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репуртуари, Тошкент.: 1979.
- Иномов К., Мирзаев Т., Саримсоков Б., Сафаров О.
У. Қорабоев Ўзбек халқ оғзики поетик ижоди. Т.: Ўқитувчи, 1990.
- Ўзбекистон байрамлари. Тошкент.: 1991.
- О.Сафаров. Ўзбекистон халқлари этнографияси ва фольклори. Тошкент.: «Ўқитувчи» НМИУ., 2007.
- Саттаров. М. Узбекские обычаи. Тошкент, «Маънавият», 2003.
- К.Очилов Суннат тўйининг халқ оғзаки ижодида тасвирланишига доир. – ЎТА., 2004 й., 5-сон,

- Хирочева М Улуғвор салохият қаршисидаги хайрат. Тошкент.: 2005.
- Нематов Н Государство Саманидов. Душанбе.: Дониш, 1977.
- Мустақиллик изохли илмий-оммабоп луғат. А. Жалолов, Қ.Хоназаров таҳрири остида. Тошкент.: Шарқ, 1998.
- Аҳмедов Б Тарихдан сабоқлар. Тошкент.: Ўқитувчи, 1994.
- Асқаров А Ўзбек халқининг этногеши ва этник тарихи. Тошкент.: Университет, 2007.
- Буряков Б., Алаксей Г. Мавераннахр на великом шелковом пути. Самарқанд.: 2006.
- Кориев М. Ўзбекистон табиий географияси. Тошкент.: 1968.
- Хошимов М. Буюк Ипак йўлининг Самарқанд вилоятидаги туристик йўл кўрсатгичи. Самарқанд.: Зарафшон, 2012.
- Шавкат Исмоилзода. Нурота тарихидан саҳифалар. –Т.:Уздавматбуотли нашриёти, 2010.
- Ражабоб К, Абдиева З. Нурота //Ўзбекистон мнллий энциклопедиси. Т.6. - Т.: ЎЗМЭ нашркёти, 2001.
- Ражабоб К, Абдиева З. Нурота //Ўзбекистон мнллий энциклопедиси. Т.7. - Т.: ЎЗМЭ нашркёти, 2001.
- Умирзоқов С.,
Умрзоқов О.
Кориев М. Нурота чашмаси. Тошкент.: Фан, 2005.
- Ўзбекистон табиий географияси. Тошкент.: 1968.
- Жабборов.И Ўзбек халқи этнографияси. Тошкент.: “Ўқитувчи”, 1994.
- Жабборов.И Ўзбеклар турмуш тарзи ва маданияти. Тошкент.: “Ўқитувчи”, 2003.
- Жабборов.И Ўзбеклар. Тошкент.: “Ўқитувчи”, 1994.
- Джабборов.И Из истории этнографического изучения ўзбеков в дореволюционный период. Научные труды ТашГУ, вып. 482, Тошкент.: 1976.
- Сафаров. О. Ўзбекистон халқлари этнографияси ва фольклори. Тошкент.: «Ўқитувчи», 2007.
- Сатторов. М. Ўзбек удумлари. Тошкент.: «Фан», 1993.

- Саотов Г. Халқ байрамларининг этно-фольклор хусусиятлари. Наманган.: 1992.
- Сафаров. О. Ўзбек болалар поэтик фольклори. Тошкент.: 1985.
- Л.М.Гумилев Қадимги турклар. Тошкент.: Фан, 2007.
- Ходжаниязов Ғ. Қадимги Хоразм мудофаа деворлари. Тошкент.: Ўзбекистон, 2007.
- Димо Н.А. Почвенная а бассейне р. Аму-дарьи. «Ежегодник Отдела земельных улучний», ч. II. Пг., 1914.
- Муҳаммаджанов А.Р. Из истории древних водных сооружений В Узбекистане.// Земли Древнего орошения и перспективы их сельскохозяйственного использования. Масвк.: Наука, 1969.
- Гулямов.Я.Г Освоим земли древнего орошения.//Земли Древнего орошения и перспективы их сельскохозяйственного использования. Масвк.: Наука, 1969.
- Гулямов.Я.Г Кладбище кулпи-сар.// История материальной культуры Узбекистана. Выпуск 2. Тошкент.: Наука 1961.
- Муҳаммаджанов А.Р. Водоизмерительные сосуды.// История материальной культуры Узбекистана. Выпуск 6. Тошкент.: Наука, 1965.
- Муҳамедов Х. Нове участки Канпир-дегора древнего Согда.// История материальной культуры Узбекистана. Выпуск 9. Тошкент.: Наука, 1972.
- Кабиров Дж. Наскальные изображения Сармышая.// История материальной культуры Узбекистана. Выпуск 9. Тошкент.: Наука, 1972.
- Гулямов.Я.Г Исследование исторической гидрографии низовьев Кашкадарьи и Зарафшана.// История материальной культуры Узбекистана. Выпуск 6. Тошкент.: Наука, 1965.
- Ипак йўли афсоналари(Жой номлари билан боғлиқ афсоналар).Нашрга тайёрловчи М. Жўраев. Тошкент.: Фан, 1993.



Абдуллахонбанди сув омбори(XVI аср)



Абдуллахонбанди сув омбори



Нурота воҳасининг супиднидан олинган тасвири



Нурота шаҳрининг супитникдан олинган тасвири



Нур қалъасининг супитникдан олинган тасвири



Нур қалъасининг кузатув минораси



Нур қалъасининг шарқий девори



Нур қалъасининг шарқий томондан кўриниши



Нур қалъаси девор қолдиқлари



Нур қалъасининг деоврининг ғарбий томондан кўрениши



Деворларнинг кўрениши




Панжвақта жоме масжидининг умумий кўриниши



Панжвақта жоме масжидининг ён томондан кўриниши



Панжвақта жоме масжидининг меҳроби



Панжвақта жоме масжидига кириш томондан кўриниши



Чилустун Жоме масжиди



Чилустун жоме масжиди




Нурота чашма мажмуасига кириш



Панжвақта жомеъ масжидининг кириш томондан кўриниши



Панжваста жомеъ масжиди 2010 йилиги таъмирлашдан одинги ҳолати



Нурота вохаси кулолчилик намуналари



Нурота воҳасида кенг тарқалган ҳарротлик намуналари



Нурота вохасидан топилган қадимги мисгарлик намуналари



Нуроталик уста сангтарошларнинг томонидан яратилган сангтарошлик намуналари